The background is a soft pink color with delicate white swirls and faint floral patterns. In the lower half, there are several vibrant pink flowers with green stems and leaves, some in full bloom and others as buds. The overall aesthetic is romantic and elegant.

**Наманган давлат
университети
олималари**

**Китоб Наманган давлат университетининг
75 йиллигига бағишланади.**

***Наманган давлат университети
олималари***

“Наманган” нашриёти–2019

**Университет ректори, техника фанлари доктори,
профессор А.В.Умаров таҳрири остида**

**Тақризчилар: Т.Файзуллаев, сиёсатшунослик
фанлари доктори, профессор**

**А. Расулов, тарих фанлари доктори,
профессор**

231356

Аввало, оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш давлатимизнинг, ҳукуватимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

И.А.Каримов

Маълумки, Ўзбекистонда мустақилликка эришиш билан мамлакатда давлат бошқаруви тизимини тубдан ўзгартиришда ижодкорлик йўли танланди. Янги, тарихий шароитда халқни давлат ва жамият бошқаруви ишларига жалб қилишнинг самарали усулларида бири сифатида аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил қилувчи аёлларни бошқариш, уларнинг фаоллигини оширишда миллий анъанани қайтадан тиклаш сиёсий-ижтимоий ва маънавий барқарорликнинг кафолати, деб ҳисобланди. Шунинг учун ҳам Президентимиз сиёсий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки куниданоқ хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларида фаоллигини амалга оширишга алоҳида эътибор берди.

Бугунги жамиятнинг деярли ҳеч бир муаммосини аёллар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Президентимиз Ислон Каримов хотин-қизлар ҳақида сўз юритиб, жумладан, “Аёлларни қанчалик улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз”, - дея юксак баҳо берган эди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий, интеллектуал шахсий имкониятларини тўлиқ намоён этиши муҳим жараён ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарорлари бу борада ўзига хос тарихий воқеа бўлмоқда.

Хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият соҳасида фаоллигини оширишга қаратилган Фармон ва қарорларининг ижроси кўп жиҳатдан аёлларнинг онги, тафаккури, интеллектуал салоҳияти даражасига боғлиқ. Уларнинг илм-фан сирларини пухта эгаллашлари, шу тариқа ўз қобилиятлари ва имкониятларини жамият тараққиёти учун йўналтиришлари халқ, миллат, мамлакат келажаги йўлида ижтимоий фаол бўлиш гаровидир.

Аёлнинг илм билан шуғулланиши унинг оиласи, фарзандлари, қариндош-уруғлари ва қолаверса, бутун жамиятнинг илмли, маданиятли бўлиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Донишмандларимиздан бири айтганидек, “Эркак

илмли бўлса - нари борса, бир киши илмли бўлади, аёл илмли бўлса - миллат илмли бўлади". Демак, қадимданок аёлларнинг илмли, оқила, фозила бўлишидан бутун жамият аҳли манфаатдор бўлиб келган.

Маълумки, оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни тарбиялаб вояга етказиш аёл зиммасига юклатилгани бежиз эмас. Аёл бу вазифани қадим-қадимдан уддалаб келди ва бугунги кунда уддаламоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида аёллар масаласига ҳам катта эътибор берила бошланди. Аёл кадр-қимматини янада кўтариш долзарб вазифалардан бирига айланди.

Республикаимиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан қатор йиллар-"Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Баркамол авлод йили", "Мустаҳкам оила йили", "Соғлом бола йили" деб эълон қилинди ва бу йиллар аёлларга бағишланди, бу борада катта ижтимоий-сиёсий тадбирлар амалга оширилди.

Оила, оналик ва болалик ижтимоий муҳофаза этилиб, бу борадаги миллий қадриятларни тиклаш мамлакатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланади.

Ислом Каримов аёлларни ниҳоятда улуғлаш ва эъзозлашга чақириб шундай дейди: «Аввало оналаримиз, опасингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.»

Қўлингиздаги китоб қаҳрамонлари-турмуш ўртоқлари билан баҳамжиҳат бўлиб, оила тебратаётган, фарзандларни туғиб тарбиялаётган, ўқитиб уйли-жойли қилаётган, шу билан бирга, вилоятимиздаги энг катта ташкилотлардан бири ҳисобланган Наманган давлат университетида фаолият кўрсатган ва ҳозирда ишлаётган, илм-фан ривожига озми-кўпми ҳисса қўшган ва ҳисса қўшаётган илмий унвон-даражали хотин-қизлардир.

Ҳам оилавий ҳаётини, ҳам давлат ташкилотидagi ишини, ҳам илм-фанда тадқиқот ишларини қилишга бир вақтнинг ўзидa

имкон топа олган, яна ҳам аниқроғи, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб ўзини шунга мажбур қилган Наманган давлат университети олималарининг айрим қирраларини ёритган ушбу китобча ўрта мактаб, коллеж, лицей ўқувчиларига, олийгоҳ талабаларига, тадқиқотчиларга, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов айтмоқчи, «Аёллар аёлларга кўзгу бўлишсин». Бир-бирларининг ютуқларидан қувонсин, ёшлар ҳавас қилишсин, улардек бўлишга чоғланишсин. Илм фидойилари бўлган бу олималарга замондош бўлишганидан, улар билан бир вилоятда яшаётганидан фахрланишсин. Олдиларига мақсад қўйишсин. Одатда мақсад ҳаракатга, ҳаракат эса маълум бир натижага олиб келади.

Бизнинг мақсадимиз ёшларни илм-маърифатли бўлишга чорласак. Ҳам бекалик, ҳам оналик, ҳам устозлик, ҳам олималик-ҳаммасини бажаришнинг уддасидан чиқаётган, илм-фан ривожига ҳисса қўшаётган университетимиз олималари фаолиятини ёш авлодга кўрсатсак. Ёш тадқиқотчиларга фаннинг янгидан-янги имкониятлари борлигини, инсон мақсадга эришиш йўлида астойдил интилса, орзуси амалга ошишини кўрсатсак, олималар сафини кенгайтирсак.

А.В.Умаров

**Наманган давлат университети ректори,
техника фанлари доктори, профессор**

Олималарнинг университет маънавий, илмий, ўқув жараёнларидаги ўрни

Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири жаҳон андозаларига мос янги илмий салоҳиятни яратишдан иборат.

Наманган вилоятидаги тўнғич олий даргоҳ ҳисобланган Наманган Давлат университети кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида таъкидланган бу масалаларни ижобий ҳал этишга изчил ҳаракат қилмоқда. Олим ва олималар сафини сифат жиҳатдан бойитиш, шу билан бирга, хорижий алоқаларни ривожлантириш, хорижий грантлар, фондлар, дастурларда иштирок этишни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Бугун хотин-қизларнинг ижтимоий, интеллектуал шахсий имкониятларини тўлиқ намоён этиши муҳим жараён ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият соҳасида фаоллигини оширишга қаратилган Фармон ва қарорларнинг ижроси кўп жиҳатдан аёлларнинг онги, тафаккури, интеллектуал салоҳияти даражасига боғлиқ. Уларнинг илм-фан

сирларини пухта эгаллашлари, шу тариқа ўз қобилиятлари ва имкониятларини жамият тараққиёти учун йўналтиришлари халқ, миллат, мамлакат келажаги йўлида ижтимоий фаол бўлиш гаровидир.

НамДУ олималарининг фан-таълим тизимида чет эл билан ҳамкорлиги

Университетда фан-таълим тизимида халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Жаҳон тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштирилмоқда. Халқаро жамғармалар, оммавий ташкилот органлари, нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бўлинмоқда, кўшни вилоят олималари ҳамда чет эллик олималар билан учрашувлар қилинмоқда.

Биология фанлари номзоди, доцент **Ойжамол Абдиева** 2002 йили (“Устоз”) “Истеъдод” жамғармаси гранти билан Хитой халқ республикасида “Қўзиқорин етиштириш технологияси” буйича халқаро малака ошириш курсида ўқиди, тажрибалар ўтказди.



Хитой халқ республикасидаги олимлар билан учрашди, уларнинг иш тажрибаларини ўрганди.



Доцент **Ойжамол Абдиева** Хитой давлатининг Фужо провинциясида экологияга бағишлаб ўтказилган халқаро симпозиумда фаол иштирок этди ва тақдирланди.



Ёки яна бир олимамиз - психология фанлари номзоди, доцент **М. Мақсудова** 2004 йил август ойида «Истеъдод» жамғармаси танлови совриндори сифатида Кореянинг Чунгбук миллий университетиди малака оширди ва ўз иш тажрибаларини ўргатди.

Илмий-назарий конференцияларда қатнашиш ва уни ташкил этиш

НамДУ олималари вилоят, республика ва хатто халқаро миқёсдаги анжуманларда фаол қатнашишга ҳаракат қилишмоқда. Ўз илмий салоҳиятларини намоён этмоқдалар. Бунга республика миқёсида ўтказилган Фарғона, Андижон, Хоразм, Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва бошқа вилоятларда ташкил қилинган анжуманлардаги

иштирокимизни мисолга келтиришимиз мумкин. Олималаримиз нафақат иштирокчи бўлишмоқда, шу билан бирга, ана шундай конференцияларни ҳам ташкил қилишмоқда. Фикримиз исботи сифатида 2011 йилда “Мустақил Ўзбекистонда демократиялаштириш ва модернизациялаштириш жараёнида олима аёлларнинг ўрни” мавзусида Республика миқёсида ташкил қилинган конференцияни айтишимиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҲМИТАСИ
«ОЛИМА» УЮШМАСИ

**“МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИЯЛАШТИРИШ
ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА
ОЛИМА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ”
МАВЗУСИДА**

КОНФЕРЕНЦИЯ



“Olima” uyushmasi

Наманган – 2011

Олималаримизнинг илмий-назарий конференциялардаги фаол иштироки вазирлик томонидан рағбатлантириб борилмоқда.



Катта авлод олим ва олималарини эъзозлаш

Катта авлод олим ва олималарини эъзозлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, тажрибаларини ўртоқлашиш, босиб ўтган ҳаёт йўлларининг ибратли томонларини ўрганиш мақсад қилинган.





Филология фанлари доктори, вилоят “Олима” уюшмаси раиси Хуринисо Усмонова; катта ҳаётий тажрибага эга устозлар, фан номзодлари: Дилбархон Раҳимбаева, Манзурахон Маҳмудова, Тожихон Тўрабоева; ўқитишнинг интерфаол усуллари бўйича етакчи мутахассис, педагогика фанлари номзоди, доцент Маҳбубахон Собирова; филология фанлари номзоди, доцент Муҳаббат Саидова; педагогика фанлари номзодлари, доцентлар Юлдузхон Шоамирова, Уғилхон Асқорова, доцент Рушана Азизова;





навийхонлик, бобурхонлик каби тадбирларнинг ташкилотчиларидан бўлган, филология фанлари номзоди, доцент Фарิดахон Каримова, психология фанлари номзоди, доцент Муътабархон Мақсудова, 60 ёшдан ошган бўлишига қарамай спортнинг марафонча югуриш бўйича турида Ўзбекистон шарафини Германияда ҳимоя қилиб, олий ўринни олган Людмила Музаффароваларнинг ҳаёт йўллари, педагогик фаолиятлари ёшлар учун ибратлидир.





Олималар - соғлом авлод ва соғлом турмуш тарзи тарафдори

Олималаримиз соғлом турмуш тарзи тарафдорлари сифатида ўзлари ҳам мунтазам равишда спорт билан шуғулланиб турадилар. Бугунги кунда хотин-қизлар ва болалар спорти янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.



**Олималарнинг маҳалла фуқаролар йиғинлари,
жамоат ташкилотлари билан билан алоқаси**

Олималар вилоятдаги маҳаллаларга бириктирилган.



Маънавий-маърифий ва ахлоқий масалалар бўйича
маҳалла маслаҳатчилари билан мунтазам алоқа боғлашган.




Миллий истиқлол ғояси ва унинг тамойиллари, демократик
давлат ва фуқаролик жамияти асослари, миллий ва

умуминсоний қадриятлар ва шу билан бирга бузғунчи, ёвуз, диний экстремизм, ақидапарастлик, террорчилик ғоялари ва уларнинг жамият ривожига салбий таъсирига оид суҳбатлар ташкил қилиб борилади.



Бу борада қилинган ишлар матбуотда ёритиб борилади. Фаол иштирокчилар ректорат томонидан тақдирланади.




Наманган вилоят телевидениеси ҳам Наманган давлат университети олималари билан ҳамкорликда маънавий-маърифий мавзуларда эшиттиришлар тайёрлаб, уларни телеканалда кўрсатиб боради.

“Фаол аёл” ток шоусида филология фанлари доктори Ҳ.Усмонова, педагогика фанлари номзоди, доцент М.Собирова, филология фанлари номзоди, доцент М.Саидовалар мунтазам қатнашиб боришган. Ёки психология фанлари номзоди, доцент М.Мақсудова, педагогика фанлари номзоди, доцент Х.Раҳматоваларнинг вилоят телевидениесидаги “Ёшлар тарбиясига масъулмиз”, “Катталар ўртасидаги меҳр-оқибат”, “Қизларни ёш турмушга бермаслик”, “Гиёҳвандлик оқибатлари”, “Ота-онанинг андозали вазифалари” ва бошқа мавзулар асосида чиқишларида кўтарилган назарий масалалар далилларга асосланганлиги билан, амалиётдан мисоллар келтирилганлиги билан ўзининг ҳаётийлигини намоиш қилди. География фанлари номзоди, доцент М.Маҳмудова, педагогика фанлари номзоди, доцент Ў.Асқаровалар телевидениеда қилган чиқишларида таълим ва тарбия мазмунини инсонпарварлаштириш, оила муаммолари ва унинг ечимлари, ёшлар ахлоқига ижобий таъсир этиш, уларни фикрлашга ундаш, ёшларда инсоний фазилатларни тарбиялаш, таълим билан тарбияни узвий боғлиқликда олиб бориш, талабаларнинг катталар, ота-оналари ва устозлари олдидаги бурчларини ҳис этишни ўргатиш каби масалалар бўйича далилларга асосланган ҳолда илмий фикр юритишади.



Олималарнинг илмий ютуқларини ёритиш ва тақдирлаш

Олима аёлларнинг илмий салоҳиятидан фойдаланиб илмий методик ишлар тайёрланмоқда. Уларнинг таваллуд айёмларига бағишлаб (50 йиллик, 60 йиллик) конференциялар, улар ҳақида рисоалар, ёш олималарнинг, тадқиқотчилар, магистрантлар, мустақил тадқиқотчиларнинг илмий ва услубий мақолалари тўпламлари ташкил қилинмоқда.



"Маънавият, илм, фан ва аёл" мавзусидаги конференция материалларининг 1-киتاب (2010 йил) ва 2-киتاب (2011 йил) шаклида чиқарилиши фикримиз далилидир.



Касб ва бошқа умумхалқ байрамлари арафасида олималар тақдирланмоқда.

Барча соҳалар бўйича намунали бўлган олима аёллар ҳақида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинмоқда.

Республика миқёсида олималар ўртасида ўтказилган “Илм юлдузлари” интеллектуал танловида фахрли ўринни олиб қайтган Ҳилола Нажмиддинова ректорат томонидан тақдирланди.



Олималар – баркамол авлод тарбияси йўлида

Навоийшунос олима Ф. Каримова вилоят ва университет миқёсидаги навоийхонлик, бобурхонлик, машрабхонлик муносабати билан ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг фаол ташкилотчиси. Республика, вилоят радио ва телевидение сида намойиш этилаётган кўрсатувларда талаба қизларга бош бўлиб фаол иштирок этади. “Навоийни англаш” (ЎзТВ), “Навоий лирикаси” (НТВ), “Назм ва наво” (вилоят радиоси) шулар жумласидандир.





Маънавий-маърифий мазмундаги суҳбатлар ва ўтказилган тадбирлар

Маълумки, университет хотин-қизлари таълим маскани жараёнини сифатли ташкил қилишда катта кучга эгадирлар.

Ёшларни, хусусан, талаба қизларни маънавий, илмий жиҳатдан тарбиялашда уларнинг ҳаётий тажрибалари, ибратли ҳолат йўллари катта таъсир қилади.



Наманган давлат университети Хотин-қизлар қўмитаси ва “Олима” уюшмаси томонидан режа асосида давра суҳбатлари ташкил қилиниб боради. Жумладан, “Аёл ва маънавият” мавзусида ташкил қилинган давра суҳбати йиғилганларни фаол бўлишга чорлади. Наманган вилояти “Олима” уюшмасининг раиси, ф.ф.д. Ҳ.Усмонова ўз сўзида аёл маънавияти ва маданияти ҳақида фикр билдирди.

География фанлари номзоди, доцент М.Маҳмудова “Глобаллашув жараёнида хотин-қизларнинг роли” мавзусидаги маърузасида ўзининг ҳаётий тажрибаларини изоҳлади. Катта устоз олималаримиздан бири, фалсафа фанлариномзоди, доцент Д.Раҳимбаева “Оилавий қадриятларни сақлаш ва бола тарбияси” мавзусида фикр билдирди.



Ёшлар – келажакимиз

Маълумки, муомала маданияти ўз ичига – бемаврид гапирмаслик, лутф ва юмшоқлик билан сўзлаш, очиқ чеҳра билан афтини буриштирмай сўзлаш, тингловчига малол келмайдиган қилиб гапириш, фақат фойдали ва зарур нарсалар тўғрисида суҳбатлашиш, ўйлаб, шошилмасдан, андиша билан сўзлаш, беҳуда нарсалар тўғрисида узундан-узоқ гапирмаслик каби қондаларга риоя қилишни олади. Халқимизда «Киши бошига нимаки тушса, бу унинг тилидан келади» деган фикр бежиз айтилмаган. Шунинг учун у қандай вазиятда, қандай ҳолатда сўзламасин, фикрнинг мантиғига, изчиллигига, самимий бўлишига эътибор бериши керак.

Ёшларни, айниқса, НамДУ талаба қизларини муомала маданиятига ўргатиб бориш, оила илмини ўргатиш ва оилага тайёрлаш маънавият соатларидаги машғулотларда, талабалар турар жойида ташкил қилинадиган тадбирларда мана шу жиҳатга ҳам эътибор қаратилади.



Суҳбатларимизда муомала маданиятига риоя қилмаслик инсоннинг мисқоллаб топган обрў-эътиборини ботмонлаб йўқотишига олиб келиши уқтирилади. Инсоннинг ички дунёси,

маънавий қиёфаси, хулқ-атвори, муомаласи, одоб-ахлоқи, маданияти унинг тили орқали намоён бўлиши, инсоннинг шарафи ва ифтихори сифатида унинг сўзлашиш маданияти эътироф этилиши таъкидланади.


Талаба қизларимиз ўз истеъдодларини, ўрганганларини ташкил қилинган маънавий-маърифий тадбирларда намоиш қилишади.



Университетнинг истиқбол режаларидан бири олималар сафини кенгайтириш, бу йўналишдаги ишларни кучайтиришдир. Мустақилликкача илмий даражали ва унвонли аёлларнинг сони бор-йўғи 4 нафарни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 50 дан ошди.

Наманган давлат университетида фан йўналишлари бўйича талаба қизлардаги ноёб истеъдодларни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилган. Малакали мураббийларни иқтидорли қизлар билан индивидуал ишлашга жалб этилган.

Тизимли тарзда олиб борилган ишлар натижасида “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони совриндорлари, “Шухрат” медали соҳиби бўлган Зайниддинова Зулайҳо каби қизлар шаклланди. Докторлик диссертацияси устида ишлашни режа қилган, тадқиқот ишини бошлаган қизлар сафи кенгайди.

A decorative pink frame with floral and ribbon motifs surrounds the text. The frame features a silver-colored metal-like border with pearl-like beads at the corners and along the sides. Pink ribbons and flowers are draped over the frame, and a bouquet of pink and white flowers is visible in the bottom-left corner.

***Хотирланиш
саодати эзгуликдан***

**Ҳамидова Турсуной
Абдуҳакимовна**

*Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган фан арбоби,
филология фанлари доктори,
профессор. (1925-2000)*



Турсуной Ҳамидова 1925 йил 25 июлда Наманган шаҳрида туғилган. 1942 йили Тошкентдаги 44-ўрта мактабни битиргач, 1947-1948 йиллари Наманган шаҳридаги 2-мактабда рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Низомий номли Тошкент педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини битириб, 1950 йили Андижон Давлат педагогика институтининг рус тили ва чет эллар адабиёти кафедрасига ишга келган. Бу ерда у дастлаб ўқитувчи, кейин эса кафедра мудири сифатида фаолият кўрсатган.

1960 йили Т. А. Ҳамидова Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тил ва адабиёт институтида ишлади. Орадан икки йил ўтгач, Наманган Давлат педагогика институтининг рус тили ва чет эллар адабиёти кафедрасини бошқарди. 1980 йилдан мазкур олийгоҳнинг фан бўйича проректори, 1987 йилдан 1990 йилгача институтнинг чет эл адабиёти кафедрасини бошқариб келди.

Филология фанлари номзоди илмий даражасини 1958 йили олди. «Улуғ ватан уруши йилларида (1941-1945) ўзбек-рус адабий алоқалари» мавзусида докторлик диссертациясини 1975 йили Ўзбекистон Фанлар академияси тил ва адабиёт институтида муваффақиятли ёқлади. Унга 1986 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилди.

«Улуғ Ватан уруши йилларида рус-ўзбек адабий алоқалари» («Фан», Тошкент, 1973 й., 17,5 босма табоқ), «Рус-ўзбек адабий алоқалари тарихидан» (Ғ. Ғулом номли нашриёт, Тошкент, 1977 й., 9 босма табоқ), «Қуёшли қирғоқ» (Ғ. Ғулом

номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 йил, 6 босма табоқ) монографиялари чоп этилган.

Т. Ҳамидова—«Звезда Востока» журнали ва қатор алманахларда чоп этилган бир қанча мақолалар, шунингдек, Ўзбекистон адабиётлар алоқаси муаммоларига доир илмий мақолалар тўплами муаллифи ҳамдир. Мазкур масалаларга бағишлаб чиқарилган 1981, 1982, 1985, 1987, 1993 йиллардаги тўплamlарнинг маъсул муҳарриридир.

Т. Ҳамидова 1976 йили Меҳнат Қизил байроқ ордени, 1970 йили В. И. Ленин таваллудининг 100 йиллиги юбилей медали ҳамда 1982 йили Қори Ниёзий номли медал билан тақдирланган. 1992 йили жамоатчилик ва сиёсий ҳаётда узоқ йиллар қилган самарали меҳнатлари эвазига Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиғи билан сайланган.

Профессор Т. Ҳамидова – меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, 1950 йилдан 1954 йилгача халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутатлигига, 1978 йилдан 1988 йилгача халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгаши депутатлигига сайланган. Профессор Турсуной Ҳамидованинг порлоқ хотираси ҳамкасblари, дўстлари, шогирдлари қалбида сақланади.

Акмялова Санъатхон

*Педагогика фанлари номзоди,
доцент. (1926-2004)*

1926 йилнинг баҳорида Наманган шаҳрининг Тўрақўрғон кўчасида зиёлилар оиласида таваллуд топди.

Отаси Акмалхон қори масжидда имом-хатиб, онаси Ойимчахон ая қизларга араб алифбосидан дарс берарди. Санъатхон отадан эрта етим қолди. Шаҳардаги 12-бошланғич, кейин эса 3-ўрта мактабда ўқиди, ўқувчилик йилларидаёқ бадий адабиётга, шеърятга қизикди. Бу орзу уни Наманган Давлат ўқитувчилар институтининг филология факультетига олиб келди.



1955-1959 йилларда Фарғона Давлат педагогика институтининг сиртқи бўлимида таҳсил олди. 1948 йилдан бошлаб шаҳардаги 10-ўрта мактабда бошланғич синфда, кейинроқ юқори синфларда она тили ва адабиётдан дарс бера бошлади.

1970 йилнинг 6 март куни аянинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтидаги катта илмий кенгаш «Саккиз йиллик мактабларда поэтик асарларни ўрганиш» деган илмий иши учун унга Педагогика фанлари номзоди деган илмий даража берди. Кейинчалик «Ўрта мактабларда шеърый асарларни ўрганиш» номли илмий-методик қўлланмаси «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди. 1968 йилдан буён Санъатхон Акмалова вафоти кунигача Наманган Давлат дорилфунунида педагогика фанидан дарс берди.

Донолар бисотида ажойиб ҳикматли гап бор. «Билганинг дарё бўлса, билмаганинг денгиздир». Бу ҳикмат маъзини чақа билган, изланишдан, ўрганишдан чарчамайдиган, ўзига нисбатан талабчан, меҳнатсевар, камтарин олима Санъатхон Акмаловага 1978 йилда доцентлик илмий даражаси берилганди. Санъатхон Акмалова ўз иш фаолияти даврида дарслик, ўқув қўлланмаси ва талайгина рисолалар яратди. Республикамиз журналларида ўзининг илмий-методик мақола-лари билан қатнашиб турди. Республика ва вилоятимизда чиқадиган газета ва журналларда ҳам опанинг ахлоқ-одоб, илмий-методик мавзудаги элликдан ортиқ мақолалари ёритилди.

Санъатхон Акмалова фаол тарғиботчи, жамоатчи ҳам бўлгандилар. Устоз аямиз вилоят ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ишларида фаол қатнашардилар. Маҳалла, туман, ишлаб чиқариш корхоналарида, мактаб ва билим юртларида «Уйингизда қиз ўсяпти», «Қизларимизнинг бахти безавол бўлсин», «Қайнона ҳам она», «Келин – уйимизнинг гули», «Қиз боланинг ҳусни», «Йигитнинг бурчи» каби мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ўтказардилар. Бир неча йиллар ўзлари истиқомат қилган «Бўстон» маҳалласида хотин-қизлар кенгашининг раиси ҳам бўлгандилар. Нафақага чиққан бўлишларига қарамай маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларга фаол қатнашган устоз Санъатхон опа Акмалова номлари ёдимизда сақланади.

Азимова Ўғилхон

*Филология фанлари номзоди,
доцент. (1927-2002)*



1927 йил 1 январда Наманган шаҳар «Ишчи» маҳалласида зиёли оиласида туғилган.

1933-40 йилларда Намангандаги 2-тўлиқсиз ўрта мактабда ўқиган.

1940-42 йилларда педагогика билим юртида, 1942-44 йилларда Намангандаги ўқитувчилар институтида ўқиб имтиёзли диплом билан битирган. Шу йили иш фаолиятини бошлаб, 1950-1952 йилларда Фарғона педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида сиртдан ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тамомлаган. Наманган шаҳридаги 2-, 12-ўрта мактабларда директор ва тил адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1957-60 йилларда Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида аспирант бўлган.

1962 йилда «Ўзбек драматургиясида революция ва граждандар уруши мавзусининг ёритилиши» мавзусида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

1960 йилдан вафотига қадар университетнинг тарих-филология факультетида ўзбек адабиёти кафедраси доценти бўлиб меҳнат қилди.

1960-71 йилларда ўзбек адабиёти кафедраси мудирини бўлиб ишлади.

Бир неча марта шаҳар, вилоят, собиқ СССР Олий Совети депутати этиб сайланган. Бир неча марта медаллар, Фахрий ёрликлар билан тақдирланган. Халқ маорифи аълочиси бўлган.

Ўнлаб илмий-методик мақолалари «Ўзбек тили ва адабиёти», «Шарқ юлдузи», «Адабий мерос» журналларида босилган.

«Фан» нашриётида «Комил Яшиннинг ижодий йўли» номли монографияси чиққан. «Алишер Навоий ва Ҳамза» номли мақоласи «Уммондан қатралар» тўпламида, «Адабиётда ғоявийлик ва эътиқод масаласи» «Адабий мерос» ва бошқа газета – журналларда чоп этилган.

Ўғилхон Азимова «Ўзбек драматургияси: кино ва теледраматур- гияда қаҳрамон масаласи» деган мавзуда докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда эди. Шафқатсиз ўлим дилкаш инсон, етук олимани орамиздан олиб кетди.

**Аҳмадбоева Фарида
Ғўломовна**

*Биология фанлари номзоди,
доцент*



1932 йилда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. У 1948 йил Наманган педагогика билим юртига ўқишга кириб, 1952 йил уни муваффақиятли тугатган. Шу йилнинг ўзида у Тошкент Давлат университетининг биология ва тупроқшунослик факультетига ўқишга кирган ва 5 йил давомида аъло баҳоларга ўқиб, «Сталин» ва «Ленин» степендиясини олишга муяссар бўлган. Университетни 1957 йил имтиёзли дипломга битирган ва биология-химия ўқитувчиси мутахассислигини ҳамда зоология ихтисослигини эгаллаган.

1957-58 ўқув йилида Наманган шаҳридаги 40-ўрта мактабда биология-химия ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1959 йилда Ф.Аҳмадбоева Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Зоология ва паразитология илмий-текшириш институтига ихтиология йўналиши бўйича аспирант бўлиб қабул қилинган. Лекин ўша даврда республикамизда ихтиология ва балиқчилик йўналиши бўйича етук мутахассис йўқлиги туфайли

у Украина Фанлар академияси таркибига кирувчи гидробиология илмий-текшириш институтига юборилган. Аспирантура муддати тугагандан сўнг 1962-1967 йиллар давомида Зоология ва паразитология илмий-текшириш институтида кичик илмий ходим лавозимида ишлади. 1967 йилнинг охирларидан бошлаб, Наманган Давлат педагогика олийгоҳида, дастлаб катта ўқитувчи, сўнг кафедра мудир лавозимларида ишлади.

1983 йилдан вафотига қадар биология кафедрасида доцентлик лавозимида ишлади.

Аспирантлик даврида ва ундан кейинги бир қанча йиллар давомида Ўзбекистон ҳовузларида ўсиши тезлаштирилган зоғора балиқни экологик, морфологик ва биологик хусусиятлари ва ҳовузларда балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борганди.

1967 йили ТошДУнинг бирлашган илмий Кенгашида «Ўзбекистон ҳовузларида ўсиши тезлаштирилган зоғора балиқнинг морфологик ва биологик хусусиятлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, биология фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. 1985 йил Олий Аттестация комиссиясининг қарорига мувофиқ, Ф. Аҳмадбоевага доцентлик илмий унвони берилди. Кейинги 15 йил давомида Ф. Аҳмадбоева «Норин дарёсидаги қимматбаҳо ов аҳамиятига эга бўлган балиқлар экологияси» мавзусида илмий текшириш ишлари олиб борди. Унинг илмий ишларининг аҳамияти ката бўлган. Ўзбекистоннинг ҳовуз балиқчилик хўжаликларида биринчи марта бир ёзда балиқ чавоқларидан товар балиғи етиштириш имконининг аниқланиши илмий ишнинг амалий аҳамиятини янада ошириб юборди. Илмий ишларнинг натижалари бир қатор илмий мақолалар сифатида чоп этилганди. Кўп йиллик самарали меҳнатлари юксак баҳоланиб, 1982 йилда «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони, 1984 йилда «Меҳнат ветерани» медали ва 1986 йилда «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланган эди.



Эгамбердиева Шаҳодатхон

*Филология фанлари номзоди,
доцент. (1936-2005)*



Шаҳодатхон Эгамбердиева 1936 йил 15 июлда Наманган шаҳрида ишчи оиласида дунёга келди. 1945 йилда Наманган шаҳридаги 11-ўрта мактабнинг биринчи синфига ўқишга кириб, 1955 йилда 10-синфни тугатди. Oilанинг катта қизи – Шаҳодатхон ёшлигидан анча зийрак ва билимга чанқоқ эди. 1955 йилда Наманган Давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, катта конкурсда ўқишга қабул қилинади. Ўқиш мобайнида институт ижтимоий ташкилий ишларида фаол қатнашди. Устозлари доцентлар – Т.Ғозибоев, С. Жамолов, М. Шарипов, А.Алиев, Д. Эшондадаев, А. Асқаров, М. Иброҳимов, Т. Нўмонов ва бошқалардан адабиёт, тарих, фалсафа фанларининг ўзига хос сирларини, тилнинг ички ва ташқи қонуниятларини ўрганди.

Беш йиллик ўқиш мобайнида талабаларнинг илмий-назарий конференцияларида қизиқарли маърузалар билан қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. 1960 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, 1960-1961 ўқув йилида шаҳардаги 1-мактаб-интернатда ўқитувчи бўлиб ишлади.

1961 йил 15 августдан бошлаб Наманган Давлат педагогика институти Ўзбек тилшунослиги кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга ўтди. Ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаларига «Ҳозирги ўзбек тили» курсининг турли соҳалари – морфемика, сўз ясалиши ва морфология бўйича қизиқарли маърузалар ўқиди, амалий машғулотлар олиб борди.

Шаҳодатхон опа ўз мутахассислиги бўйича илмий-назарий ва методик адабиётлар устида ишлади, тадқиқот ишлари билан қизиқиб, фалсафа, чет тили, мутахассислик бўйича номзодлик минимумларини топшириб, икки йиллик мақсадли аспирантурага (1968-1970 йиллар) қабул қилинади.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти «Ўзбек тилшунослиги» кафедрасида филология фанлари доктори, профессор Саид Усмонович Усмонов раҳбарлигида «Ўтган замон феъл формаларини Наманган, Фориш шевалари ва ўзбек адабий тили билан қиёслаш тажрибасидан» номли филология фанлари номзодлиги учун диссертация мавзуси устида ишлай бошлади. Бу даврда Жиззах вилоятига қарашли Фориш тумани халқининг тарихи, урф-одатлари, тил хусусиятлари, шева элементларини ўрганиб, Наманган шеваси ва адабий тил билан таққослади. Аспирантура даврида республика илмий-назарий конференцияларида қатнашди. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида Фориш шеваси, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида мақолалар эълон қилди.

Номзодлик диссертациясини ўз муддатида яқунлаб, 1970 йил 25 ноябрда Ўзбекистон Фанлар академияси «Тил ва адабиёт» институти Илмий кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилди. Наманган Давлат педагогика институти Ўзбек тилшунослиги кафедрасига катта ўқитувчи бўлиб ишга қайтди.

1971-1974 йилларда ўзбек тили ва адабиёти, бошланғич таълим методикаси факультетларида декан ўринбосари, 1976-1981 йилларда сиртқи бўлим бўйича проректор бўлиб ишлади. Ш. Эгамбердиева иш жараёнида таълим-тарбия ишларини олиб бориш билан бирга илмий-назарий, методик ишлар билан шуғулланди. Турли тўплам, журнал ва вилоят матбуотида қизиқарли мавзуларда мақолалар чоп эттирди.

1980-1990 йиллар маҳсули сифатида «Ғ. Ғулом шеърий асарларининг лексик-семантик хусусиятлари» номли монография (Тошкент, Ўқитувчи, 1990) чоп эттирди.

Вилоятимиз олималаридан бири бўлган доцент Ш. Эгамбердиева университетнинг аънанавий илмий-назарий конференциясида ҳар йили маърузалар қилади.

Ш. Эгамбердиева узоқ йиллардан бери «Ғ. Ғулом асарлари лингвопоэтикаси» номли мавзуда филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация устида иш олиб борди.

Она ўғил болага нисбатан қизларга яқинроқ бўлади деган гапда жон бор. Олима опамиз ҳам Шоирахон, Зухраҳон, Нодирахон деб ном қўйилган уч қизини тарбияларкан, уларнинг тимсолида ўзини кўради, оналикка хос сифатларни қарор топтиради, касб-корли, билимли, уддабурон қилишга уринади.

Фарзандларини турмушга, оилага тайёрлайди. Она умрининг мазмуни, давомчиси бўлган ўз жигарбандлари-қизларининг балоғатга етган сари ҳаётда бахтли бўлишини, бўлғуси куёвлари қизларига муносиб, бир умрга вафоли, қизларини қадрлайдиган бўлишини орзу қилади. Ўз қизларининг ҳам куёв бўлмишга садоқатли, ҳурмат-иззатини жойига қўядиган, меҳру вафоли ёр, келин бўлиб тушадиган хонадоннинг саранжом-сариштали, чаққон, пазанда бекаси бўлишини умид этади. Орзу-умидлари амалга ошган Шаҳодатхон опанинг охиратлари обод бўлишини Оллоҳдан тилаймиз.

**Муҳаммадиева Мунираҳон
Хатамовна**

Филология фанлари номзоди, доцент

1939 йил 5 майда Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрида зиёли оиласида туғилган. 1962 йилда Кўқон Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тамомлаб, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда тарих ўқитувчиси мутахассислигини олган.

1963-1964 ўқув йилларида Наманган Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасида катта лаборант, кейин эса то 1977 йилгача шу кафедрада тилчи-ўқитувчи вазифасида, 1977 йилдан 1987 йилгача-ўн йил давомида Наманган вилояти ҳокимиятида халқ маорифи бўйича катта референт лавозимида ишлаган. 1987 йилдан вафоти кунгача яна НамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида доцент вазифасида ишлаб келмоқда эди.

1975 йилдан 1979 йилгача ўша даврдаги ЎзССР Фанлар академияси Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида асосий иш фаолиятдан ажралмаган ҳолда сиртқи аспирантурада таҳсил олди. 1985 йил декабрида ЎзФА тилшунослик институтида фил. фан. Док. проф., ЎзФА мухбир аъзоси А. П. Ҳожиёв раҳбарлигида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.



1994 йилда «Ҳозирги ўзбек тилида трансформацион бўлақлар» номли монографиясини чоп эттирди.

М. Муҳаммадиеванинг илмий иши ва шу асосда ёзган монографиясида ўзбек тилида биринчи марта трансформацион бўлақларнинг тузилиши, уларнинг семантик-синтактик ўзига хос хусусиятлари, ҳосил бўлиш модуллари кенг миқёсда ёритилди.

Бундан ташқари, М. Муҳаммадиева 20 дан ортиқ илмий, илмий-методик, мақолалар, шунингдек, «Лотинча ўзбек алифбосини ўрганамиз» (Наманган, 1996 й.) методик қўлланмасининг муаллифидир.

НамДУ ўзбек филологияси талабаларига илмий асосланган қизиқарли ва мароқли мърузалар ўқишдан ташқари, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институт ва қисқа муддатли ўқитувчилар тайёрлов курсларида тингловчиларга ҳозирги ўзбек тили ва лотин ёзувини ҳам мукамал ўргатиб келмоқда эди. Шунингдек, Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг амалга оширилишининг бориши, оилада қизлар тарбияси ва бошқа мавзуларда вақтли матбуотда, телевидениеда тез-тез чиқишлар қилиб турарди.

М. Муҳаммадиева вилоят, университет ва факультет жамоат ишларида фаол иштирок этди. 1974 йилдан бери вилоят «Билим» жамиятининг аъзоси сифатида вилоят шаҳар ва туманларида, талабалар ётоқхоналарида, маҳаллаларда турли мавзуларда маърузалар қилиш билан бирга университет хотин-қизлар қўмитасининг органи-«Педагог» газетаси муҳаррирларидан бири, университет ва факультет хотин-қизлар қўмитасининг фаол аъзоси сифатида танилганди. Бир неча марта шаҳар суди маслаҳатчиси этиб сайланганди. Республика, вилоят, университет миқёсидаги конференцияларда фаол қатнашиб мукофотли ўринлар олганди. Тиниб-тинчимас, илмга чанқоқ устоз М. Муҳаммадиева илмий ва илмий-методик мақолалар ёзиш билан бирга «Мураккаблашган гапларда шакл ва мазмун диалектикаси» мавзусида докторлик диссертацияси устида ишламоқда эди.

Қирғизбоева Нафиса Ҳожимирзаевна

*Иқтисод фанлари номзоди,
профессор*

Қирғизбоева Нафиса Ҳожимирзаевна 1942 йил 7 январда Наманган шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилган. Отаси Ҳожимирза Қирғизбоев ўз замонасининг тараққийпарвар зиёлиларидан бири эди.

Н.Қирғизбоева 1949 йили Наманган шаҳридаги 15-ўрта мактабни тамомлаб, 1954 йили Тошкент тўқимачилик институтини (ТТИ) имтиёзли диплом билан битирди. Мутахассислиги – муҳандис–иқтисодчи. Икки йил Намангандаги 4-пахта тозалаш заводида режа, меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. Ўз ишини яхши уддалаганлигини, уддабуронлигини ва одоблигини ўрганган янги меҳнат жамоаси раҳбарияти Нафиса опани 1956 йили Наманган давлат педагогика институтига график соҳаси бўйича ўқитувчиликка таклиф этишди. Техника илмига бўлган қизиқиши туфайли у иккиланмай рози бўлди. Ана шу даврдан эътиборан педагогик фаолияти бошланди. Н. Қирғизбоеванинг катта меҳнати, жонкуярлиги туфайли олийгоҳда 1960 йили расмчизмачилик бўлими очилди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг графика кафедрасига ишга таклиф қилинди. У ерда бир йил ишлагандан сўнг Наманган педагогика институти ректори З. Ф. Миртурсуновнинг илтимосига биноан яна Наманганга қайтиб, бу ерда 1972 йилгача ишлади. Ҳамда ўзининг илмий изланишларини энди иқтисодиёт томонига буради. Кўп изланишлар ва амалий олиб борилган ишларнинг натижаси сифатида диссертация устида иш олиб боради. 1984 йили «Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва пахтачилик колхоз ва совхозларида планлаштиришни такомиллаштириш» мавзусида диссертация ёзиб, уни ҳимоя қилади. Унга иқтисод фанлари номзоди деган унвонни Олий аттестация комиссияси шу йилиёқ берди.



1986 йили Наманган педагогика институтида «Бадий графика» бўлими очилди, сўнгра Тасвирий санъат ва чизмачилик кафедраси иш бошлади. 1993 йил 30 июнда эса Олий Аттестация кенгаши унга доцент унвонини берди. 1995 йили университет Олий кенгаш аъзолари бир овоздан уни профессорлик лавозимига сайладилар. Ая чизма геометрия ва чизмачилик фанларидан талабаларга сабоқ бериб, юзлаб педагогик чизмакашлар тайёрлади. Қатор мактаблар чизмачилик фани ўқитувчилари билан таъминланди. Бугунги кунда ая қўлида таҳсил кўрган олимлар, педагоглар, муҳандис-технологлар халқимизга сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

Графика ва иқтисод соҳасида Республика миқёсида ва Москвадаги турли ойнмаларда, тўпламларда 20 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирди ҳамда «Чизма геометрияси»дан 2 та методик қўлланма яратди.

Диссертацияда хўжаликларнинг иқтисодиётини ривожлантириш, деҳқончиликда ҳосилдорликни, чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш йўллари ва қишлоқ аҳолисини озиқ-овқат, иш билан тўлароқ таъминлаш, уй-жой, дам олиш, турмуш даражасини яхшилаш, шароитларни, мактаблар, медицина, маиший хизмат, инфраструктура ва бошқаларни яхшилаш тадбирлари бўйича тавсиялар берилди. Шахсий томорқани кучайтириш, фермерлар хўжалиги ташкил қилиш каби масалалар диссертацияда ишлаб чиқилди. Бу масалалар ҳозирги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ.

Илмий ишда берилган таклиф ва тавсиялар, ғоялар Наманган вилоятида ва унинг айрим хўжаликларида 10-15 йилга мўлжалланган иқтисодий ва социал тараққиёт режаларини тузишда татбиқ этилди ва вилоят агросаноат бошқармаси томонидан режалаштириш бўйича яратилган методик қўлланмага киритилди.

Н. Қирғизбоева томонидан ёзилган икки қўлланма, бадий графика ва умумтехника бўлими талабалари учун чизма геометриядан дарслик бўлиб қолди.

Иқтисод фанлари номзоди, профессор Н. Қирғизбоева бадий графика ва умумтехника факультети хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси, «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган эди.

**Мамажонова Моҳира
Ҳайдаровна**

*Педагогика фанлари номзоди,
доцент*



Моҳира Мамажонова 1968 йили Наманган Давлат педагогика институти-нинг рус тили ва адабиёти факультетини аъло битириб, имтиёзли диплом олишга сазовор бўлгач, ўзи ўқиган даргоҳда ишга таклиф этилганда, табиийки, беҳад хурсанд бўлди. Ёш педагог олий ўқув юртида ишловчи барча тенгдошлари каби тезроқ аспирантурага ўқишга боришга ошиқар, диссертация ёзиб ҳимоя қилишни орзу қиларди. Орзуга эришиш мақсадида Моҳирахон ўз устида изчиллик билан мунтазам ишлар, устозлар тажрибасини ўзлаштириб боришга интиларди. Айни пайтда тегишли фанлардан номзодлик имтиҳонларини топширишга тайёргарлик қиларди.

- Москвага, Педагогика фанлари академияси таркибидаги «Миллий мактабларда рус тили ўқитиш» илмий-тадқиқот институтига турмуш ўртоғим Қодиржон Носиров билан бир пайтда жўнадик. (У киши билан институтда ҳам бир гуруҳда ўқиганмиз.) Москвада ўқиш ва турмуш қийинчиликларини бирга-бирга енгиб, бирин-кетин номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиб қайтдик. Осон кечмади ўқиш даври. Икки фарзандимиз бор эди ўшанда. Охирги бир ярим йил уларни ҳам олиб кетишга тўғри келди. Бир хусусий хонадонни ижарага олиб яшардик. Катта фарзандимиз Гавҳархон ўша ерда 1-синфга борди. Фарзандлар қувончини-ю ташвишларини турмуш ўртоғим билан тенг бўлардик, навбатма-навбат боғчага, мактабга борардик ва ҳоказо. Диссертацияни эсласам, ҳар доим илмий раҳбарим Г.В.Кузмина кўз ўнгимда бўлади. У киши менга жуда катта ёрдам берганлар, унутиб бўлмайди.

Аспирантурадан олий ўқув юртларида рус тили ўқитиш услубиёти ихтисоси бўйича ҳозирги кунда ҳам долзарб бўлган, аҳамиятини йўқотмаган мавзу - "Олий ўқув юртларида рус тили ўқитиш жараёнида ижтимоий-сиёсий лексикани бойитиш"

мавзусида диссертация ёқлаб, педагогика фанлари номзоди унвонида сазовор бўлди. Қадрдон жамоасига ишга қайтган ёш олимани тез орада факультетлараро рус тили кафедрасига мудир этиб тайинлашади. Рус тилига катта эътибор берилган даврлар эди, шу боис бу кафедрага раҳбарлик қилиш шунга яраша муносабат, меҳнат талаб қиларди. Давр талаби даражасида ишлаш илмий-услубий изланишларни, ижодкорона меҳнатни талаб қилади. Педагогика фанлари номзоди, доцент Ҳайдарова ўн беш йилдан ортиқроқ раҳбарлик қилган кафедра доимо шу талаблар даражасида ортда қолмай ишлашга ҳаракат қилди. Машғулотларни мазмунли уюштириб бориш билан бир қаторда турли услубий семинар-учрашувлар, мулоқотлар, конференция ва фан олимпиадаларига талабаларни тайёрлаш ўзига яраша саъйи ҳаракат талаб қилади ҳар бир педагогдан. Бу соҳада эътиборли ишлардан яна бири бошқа турдош олий ўқув юртлари кафедралари билан тажриба алмашиб, ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш яхши йўлга қўйилган эди. Шундай ҳамкорликда Фарғона ва Наманган педагогика институтлари мутахассислари томонидан яратилган «Практический курс русского языка» ўқув қўлланмасидан республика олий ўқув юртларида кўп йиллар давомида фойдаланиб келинди. Бундан ташқари, М.Х. Мамажоновна бир неча ўқув-услубий қўлланма, ўнлаб мақолалар эълон қилиб, ўз касбий тажрибасини унда умумлаштирган.

- Мен ўзимни олим ҳисобламайман, - дегандилар бир суҳбатимизда Моҳира опа, - Олим дегани бу жуда юксак номдир. Биз бу даражага етганимиз йўқ. Менинг меҳнатим, ёзган озми-кўпми мақола ва қўлланмаларим маълум бир фойда келтирган бўлса, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

М.Мамажонованинг меҳнатлари раҳбарият томонидан раҳматнома ва ёрликлар билан бир неча бор тақдирланган. 1988 йили «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» унвонини олишга муяссар бўлганлар.

Сир эмас, аёл кишининг ўрни, аҳамияти, қадри, айниқса, оилада кўпроқ сезилади. Биз бу ҳақда Моҳира опанинг турмуш ўртоқлари Қодиржон ака Носировдан сўраганимизда, у киши кулимсираб:

- Агар ҳаммага таниш иборани ишлатиб, «у киши оиламизнинг тилсими» десак ҳеч ҳам муболаға бўлмайди.

Тўғри, бу иборани барча аёлларга нисбатан қўллаш мумкин ва керак ҳам. Шундай бўлса-да, менинг аёлимга кўпроқ тааллуқли бўлса керак. «Уй-жой қиламиз», «тўй қиламиз» деб аталмиш қувончли ташвишларда мендан кўп ҳаракат қилса қилганки, кам эмас. Оиладаги аёлга хос вазифаларни уддалабгина қолмай, гувала қўйсақ, гувала қўярди, қурилиш материаллари оладиган бўлсак, мен билан баробар тўсинликларни кўтаришарди. Ҳатто бозор қилиш ҳам кўпинча у кишининг елкасида. Мен эса хизмат соҳасида кўпроқ ташкилий, жамоатчилик ишларига берилиб кетаман. Қодир Носировнинг айтишларича, Моҳира опа моҳир паззанда ҳам бўлган эканлар. Лаззатли таомлар тайёрлаш билан чекланмай, ўз фарзандлари-ю келинларга унинг сирларини қунт билан ўргатган эканлар. Эътиборлиси шундаки, опа ҳеч эринмай телекўрсатувлардан, газета ва журналлардан паззандачилик рецептларини тўплаганлар. Қизларига ҳам, келинларига ҳам алоҳида-алоҳида паззандачилик альбомларини тайёрлаганлар.

Агар бу кўҳна дунёда ана шундай самимий ва фидойи кишилар бўлмаганда эди, бизнинг бугунги кунимиз бу қадар ёруғ, ҳаёт бу қадар файзли бўлмас эди.

Яратгандан Моҳира опа охиратлари ҳам обод бўлишини тилаб қоламиз.

**Акимбоева Файзихон
Холматовна**

*Тарих фанлари номзоди,
доцент. (1952-2002)*

Акимбоева Файзихон 1952 йил 18 августда Қирғизистон Республикасининг Ворошилов туманида туғилган. 1976 йилда Наманган Давлат педагогика институтининг тарих факультетини муваффақиятли тамомлагач, Наманган шаҳридаги қишлоқ хўжалик техникумида ёшларга тарихдан сабоқ бериш билан иш фаолиятини бошлади.

1979 йилдан буён Наманган Давлат университетида ишлаб келмоқда эди. Агар кимки университетнинг тарих факультетига алоқадор ёки бирор хизмат юзасидан у билан




мулоқотда бўлса, Файзихоннинг одамийлигига, ширинсуханлигига гувоҳ бўлиши аниқ эди.

80-йиллар опанинг илмий фаолиятида катта ва машаққатли ҳамда ибратли йўлни босиб ўтиши билан характерланади. Жумладан, опа ишдан ажралмаган ҳолда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг аспиранти бўлди. 1988 йилда Тошкент Давлат университети қошидаги олимлар кенгашида «Ўзбекистонда халқ депутатлари кенгашининг қишлоқ меҳнаткашлари турмуш маданиятининг оширишдаги роли (1959-1965 й.)» мавзусида номзодлик диссер таҷиясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Файзихон опа Наманган Давлат университети тарих факультетида талаба ёшларга илм сирларини ўргатиш билан биргаликда ўз устида тинимсиз ишлаши, кунт билан ижод қилиши, мустакил Ўзбекистонимизнинг тарихини ёритишда катта илмий-услубий ишларнинг ижодкори эканлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Масалан: «XV-XVI асрларда Ўзбекистон халқлари тарихидан лавҳалар», «Янгиланаётган давр ва аёл» рисолалари, шунингдек, марказий ва вилоят ойнома рўзномаларида, жумладан «Турмуш маданиятига эътибор» сингари кўплаб илмий ва илмий-услубий ишларини юксак баҳолаш керак.

Олима ёшларга илм сирларини ўргатиш билан биргаликда университет тарих факультети декан ўринбосари, факультет хотин-қизлар уюшмаси раҳбари, 1993 йилдан Ўзбекистон Халқ Демократик Партиясининг аъзоси сифатида жамоат ишларида фаол қатнашиб келмоқда эди.

Файзихон ҳузур-ҳаловатни, ўз ҳаётини илму фансиз ҳамда болаларсиз тасаввур қила олмасди. Билимини, меҳр қўри, юрак тафтини ана шуларга бағишлашда деб биларди. Шундан ўзини бахтиёр ҳис этарди. Бевақт келган ўлим уни орамиздан олиб кетди. НамДУ тарих кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди бўлган Файзихон Акимбоеванинг порлоқ хотираси ёдимизда сақланади.

A decorative border in shades of pink surrounds the page. It features a silver-colored wire frame with pearls at the corners and along the sides. The border is embellished with pink ribbons, floral motifs, and a bouquet of pink and white roses in the bottom-left corner.

***Кексалик гаштини
сураётганлар***

Фаткуллина Раиса Зокировна

Филология фанлари номзоди,
доцент



Раиса Зокировна 1935 йилда Куйбишев вилоятида таваллуд топган.

1955 йилда Намангандаги 1-ўрта мактабни битириб, шу йилнинг ўзида Наманган Давлат педагогика олий-гоҳининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди. 1960 йили олий-гоҳни битириб, шу ерда рус ва чет эллар адабиёти кафедрасида ўқитувчи сифатида иш бошлади.

1963 йили Қозон дорилфунуни қошидаги рус адабиёти мутахассислиги бўйича аспирантурага кирди.

1968 йили Қозон дорилфунунида «Л. Леоновнинг урушдан кейинги даврдаги ижодида романтика анъаналари» мавзусида диссертация ёқлади. Бу илмий ишнинг аҳамияти шундаки, мумтоз ёзувчининг ижодий фаолияти тўла-тўқис очиб берилди ва иккинчи томондан унинг ижодидаги умуминсоний қадриятлар ҳамон долзарблигича қолаётганини бор бўйи билан кўрсатилди.

1985 йили олимага доцент унвони берилди ва шу йилнинг ўзида у «Меҳнат ветерани» медали билан тақдирланди.

1988 йилда унга Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вълочиси нишони берилди.

Раиса Зокировна ўз меҳнат фаолиятини давом эттириш билан бирга ижодий изланишни изчил олиб борди. Унинг илмий ишлари қамрови ғоятда кенг: рус-ўзбек адабиёти алоқалари, ўзбек – Болтиқбўйи халқлари адабиёти алоқалари, кейинги вақтда эса Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари адабиётидаги узвий боғлиқлик муаммолари, қолаверса, А.П.Чехов ижодига доир мавзуларни ҳар томонлама ўрганиб, илмий хулосалар чиқарди.

Олима доимий равишда жамоатчилик иши билан ҳам шуғулланди. Узоқ йиллар факультет талабаларининг илмий ишларига раҳбарлик қилди. Кафедрадаги ёш педагоглар билан ишлади, гуруҳларга раҳбарлик қилди ва бошқа бир қатор жамоатчилик ишларида фаол иштирок этди.

Аёл меҳри қуёшга менгзалади. У қаерга кириб бормасин, қаерда меҳнат қилмасин, қуёш нурларидек туганмас меҳри билан ўз ўрни, мартабасига эга бўлади. Раиса Зокировна ана шундай ўз мартабасига эга бўлди. Университетда фаолият кўрсатиб келаётган ва худди шундай ҳислати билан ҳурмат-эътибор топган мураббийлардан бирига айланди. «Талаба ёшлар менинг ҳаётим мазмуни, қувонч ва шодлигим, десам ҳам бўлаверади. Уларнинг ҳар бирининг ўз олами бор. Яхши ўқиш, етук мутахассис бўлиш, комил инсон бўлиш орзуларини рўёбга чиқариш эса биз устоз мураббийлар вазифасидир»-дейди у. «Талабалар ўз фарзандларимдек азиз, уларга қараб қалбим руҳланиб кетади. Кўнглим кўтарилиб, устоз бўлганимга минг карра шукур қиламан.»

**Хўжаева Азизахон
Абдулазизхон қизи**

*Тиббиёт фанлари номзоди,
доцент*

Хўжаева Азизахон Абдулазизхон қизи Наманган шаҳрида 1940 йилда туғилган.

1964 йилда Тошкент медицина институтини тугаллаб, врач-педиатр бўлиб, Наманган шаҳридаги 1-болалар касалхонасига ишга келган. Тиббий билимларнинг алоҳида соҳаси бўлмиш гематологияга қизиқиб, 1968 йилда Москва шаҳридаги 2-тиббиёт институтининг аспирантурасига кириб, шу соҳа бўйича илмий иш олиб борди.

1968 йилдан 1971 йилгача ўнга яқин илмий мақолалар ёзди ва турли нашрларда чоп эттирди.

Москва шаҳрида бўлиб ўтган симпозиум ва конференцияларда маърузалар билан фаол қатнашган.

1971 йил июнь ойида «Болалар лейкоз касаллиги» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Илмий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, болалардаги лейкоз касаллиги оғир асорати бўлмиш қон кетиш ҳолларида беморни ўлимдан сақлаб қолишда қўлланиладиган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Қон



кетиш сабаблари цитохимиявий усул билан ўрганилиб, қон таркибидаги тромбоцит ва мегакариоцитлардаги сифат ўзгаришлари кузатилган.

Азизахон ая 1972 йил феврал ойидан Наманган Давлат университети физиология кафедрасига ишга келди. «Ўсмирлар физиологияси», «Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш», «Педиатрия асослари», «Болалар анатомияси, физиологияси, гигиенаси ва психологияси» фанларидан талабаларга чуқур билим бериб келди. Маъруза ва амалий машғулотларни илмий асосланган ҳолда, қизиқарли ва мазмунли олиб борди. Ўзининг чуқур билимдонлигини ҳаётий мисоллар билан боғлаб талабалар тарбиясига жуда катта эътибор берди. Биология факультети талабаларига мўлжалланган дастурга асосланиб, ўқув қўлланма, талаба-амалиётчи учун эслатма ва бошқа бир қатор илмий мақолалари нашр этилган.

Хўжаева Азизахон «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» мавзусида мақолалар ёзиб, маърузалар қилиб турди. Мунтазам равишда туманларга маъруза ва учрашувларга чиқди. «Узоқ умр кўриш сирлари», «Алкоголь ва авлод» каби мавзуларда маҳаллаларда, талабалар ётоқхонасида тез-тез маъруза, суҳбатлар ўтказди.

Талабаларнинг устозлари ҳақида ёниб, меҳр ила тўлиб-тошиб сўзлашаётганлигини эшитиб, беихтиёр профессор Раҳимжон Усмоновнинг: «Ўқитувчи хушбўй гулга ўхшайди, шогирдлари унга асаларидек ёпишиб, ундан ўзлари учун қимматли маънавий озиқ оладилар» деган пирмаъно гаплари ёдга тушади.

Ҳа Азизахон опа шогирдлари қалбига йўл топа олиш бахтига муяссар бўлган устоздир.



Кузнецова Надежна Мироновна

Педагогика фанлари номзоди, доцент

Талабалар ўз устозларининг барча хусусиятларини яхши билишади. Улар ўқитувчининг кайфиятига қараб, у бугун қандай дарс ўтади, нима сабабдан жаҳли чиқади ва нимадан ҳурсанд бўлиши мумкинлигини, билим савияси қандай, кийиниши, юриш-туриши-ҳамма-ҳаммасидан хабардор бўлишади. Надежда Мироновна, талабалар фикрича, ҳар соҳада мукамал эди. Унинг дарсларида талабалар доим катта қизиқиш билан ўтиришарди. Надежда Мироновна сира ҳам овозини кўтармайди, «айбдорларга» қаттиқ тегмайди ва ҳеч қачон дарсдан чиқариб юбормайди. У ёш қалбларни забт этувчи ажойиб бир фазилатга эга. Кийинишида, ўзини тутишда, овозида ички дунёсида ва ташқи кўринишида бошқаларга намуна бўладиган ўқитувчилардан. Энг асосийси, Надежда Мироновна жуда яхши педагог.

1947 йилнинг 12 августида Наманган вилояти Учқурғон туманидаги Қўғай қишлоғида туғилган Н. М. Кузнецова 1970 йили Наманган Давлат педагогика институтини битириб, 1971 йилдан шу ерда рус тили ва адабиётидан талабаларга дарс бериб келди. Кузнецова Надежна Мироновна 1988 йил «Миллий гуруҳларда талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш кўникмаларини назорат қилиш системаси» мавзусида диссертация ҳимоя қилди. К.Н.Мироновна шу соҳага катта эътибор бериб, 15 дан ортиқ илмий ва амалий қўлланмалар яратди. Диссертацияси ҳам миллий гуруҳларда таълим олаётган талабалар учун қўлланма бўлиб хизмат қиляпти.

Шу ишлар қаторида Надежна Мироновна оналик бурчини ҳам унутмади. Икки ўғилни тарбиялаб, вояга етказди. Иккала ўғли ҳам олийгоҳларда ўқишди. Улардан бири врач, иккинчиси – менеджер бўлиб ишляпти.

«Ўзбекистон менинг ватаним, - дейди у. – Мен шу ерда туғилганман. Шу ерда ўқидим, олим бўлдим. Умримнинг охиригача халқимизга хизмат қиламан!»



Н.М.Кузнецованинг ижодий фаолияти тини кузатиб: «Ўқитувчи қалбида қуёшнинг жўшқин ҳарорати, иродаси, пўлатнинг чидами, узоқни кўра оладиган бургутдек ўткир кўзи, ойнинг шаффоф нуридек ақл чироғи, зилол чашмадек, туганмас меҳр ва билим булоғи бўлмоғи керак»лигига яна бир бор амин бўлдик.

Мирзаабдуллаева Муножотхон *Педагогика фанлари номзоди, доцент*

1949 йили Учкўрғон туманидаги Қайқи қишлоғида туғилган.

1975 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтини битирган. 1984 йили Москва шаҳрида аспирантурани тамомлаб, «Беш ёшгача бўлган болаларнинг биргалиқдаги фаолиятларида ўзаро ёрдам муносабатларини тарбиялаш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

М. Мирзаабдуллаева Республикада «Мактабгача тарбия педагогикаси» фанини назарий жиҳатдан ривожлантиришда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Илғор ғоялар тарғиботчиси бўлган зиёкор ўқитувчи маданиятли инсон бўлиб, бу фазилат унинг юриш-туришида, кийинишида ва нутқ маданиятида ҳам ўз ифодасини топган.

Унинг тадқиқот ишида кичкинтойларда ўзаро ёрдам муносабатларини тарбиялаш ахлоқий тарбия назариясининг энг муҳим масалаларидан бирилиги изоҳланган. Болаларнинг мактабгача тарбия ёшидан бошлаб жамоа муносабатларида бир-бирларига нисбатан меҳр-шафқатли, диққат-эътиборли, ҳамдард ва топширилган ишга масъулиятли бўлиш асосида шаклланиши, тарбияланиши зарурлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

М. Мирзаабдуллаева кўп йиллик илмий текшириш, кузатишлари натижасида болаларнинг биргалиқдаги меҳнатини ташкил этиш ва унда уларнинг ўзаро ёрдам муносабатларини тарбиялашнинг бутун бир услубий тизимини яратди. Бу ишларга Россия, Украина, Куба ва Вьетнамда қизиқиш катта бўлди ва ўша мамлакатларда илмий мақолалари чоп этилди. У



«Педагогика ўқитиш методикаси», «Педагогика» дарслигининг «Эстетик тарбия» бўлимлари муаллифидир.

М. Мирзаабдуллаева университет- да мактабгача тарбия муассасаларига кафедраси мудир, мактабгача тарбия педагогикаси ва психологияси факультетининг декани бўлган. Доцент М. Мирзаабдуллаева педагогика факультети декани сифатида бир қатор ибратли ишларни амалга оширди. Унинг кўплаб шогирдлари Президент стипендияси совриндорлари, магистратура талабалари бўлишди.

Зукко олима икки қизни баркамол қилиб тарбиялади. Қизлари араб, инглиз, немис, француз, рус тилларида бемалол гаплаша олади. Муҳайё Англияда таълим олди. Сурайё Тошкентда ўқиди.

М. Мирзаабдуллаева Невада штатининг Лас Вегас шаҳрида таълим тизимини ҳам мукамал ўрганиб келди.

Бугунги кунда олима ўз ҳаётини набиралари қуршовида мазмунли ўтказмоқда.

Мусаева Саодатхон Илавуддиновна

Педагогика фанлари номзоди, доцент

1949 йил 18 январда РСФСР нинг Кемерово вилояти, Киселевск шаҳрида ишчи оиласида туғилган.

1950 йилдан ота юрти Ўзбекистонда яшай бошлади.

1966 йили Наманган Давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди ва 1970 йилда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси мутахассислигини олди.

1983 йилдан Наманган Давлат педагогика институтида меҳнат таълими методикасида сиртдан ўқиб, 1988 йилда иккинчи мутахассислик бўйича олий маълумот дипломини олди. Шу билан бирга меҳнат таълими методикаси бўйича илмий изланишда бўлди.

1995 йилда «Меҳнат таълими дарсларида бошланғич синф ўқувчиларига тежамкорлик хислатларини сингдириш» мавзусида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети



қошидаги илмий кенгашда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олди. 10 дан ортиқ илмий мақолалари журналларда чоп этилган.

С. Мусаева илмий ишининг назарий ва амалий қиймати шундан иборатки, ўқувчиларни кичик мактаб ёшидан бошлаб вақтни тежашга, турмушда керак бўладиган турли материалларни исроф қилмасликка ўргатиш, асбоб-ускуналардан унумли фойдалана олиш малакаси ва кўникмасини ҳосил қилиш тежамкорлик, тадбиркорлик, серҳаракатлилиқ, топқирлик, меҳнатсеварлик хислатларини таркиб топтиришдан иборатдир. Бу эса халқимиз ҳаётига ва давлат аҳамиятига молик ишдир.

Саодатхон Мусаева университетнинг педагогика факультети, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси кафедраси катта ўқитувчи, доцент вазифасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилди. Истеъдодли олима С. Мусаева меҳнат нафақасида бўлишига қарамай, Наманган шаҳри ва вилоят ёшларини касб-ҳунар ва тадбиркорликка йўналтириш борасида ибратли ишларни амалга оширди.

Инсон қанчалик бошқалар руҳиятини яхши тушунса, шунчалик одамларни яхши кўрадиган бўлади. Бундай одамларни қалби мусаффо инсон дейишади ва улар ана шу қалб мусаффолигини шогирдларига беришга интилишади. Чунки улар ҳамиша очиқ чеҳра билан, самимий, чин дилдан сизга яхшилиқ қилишга ҳаракат қилишади. Саодатхон оянинг шогирдларидан бири менга шундай дил сўзларини айтди:

«Ўзимдаги жуда кўп яхши фазилатлар учун, жумладан: меҳрибонлик, камтарлик, ҳақиқатгўйлик ва вафодорлик каби хислатлар учун мен Саодатхон ая Мусаевадан бир умр миннатдорман. Оя ўзларининг беғубор сўзлари билан, қалбимдаги энг нозик туйғуларни тарбиялай олдилар. Раҳмат сизга, ояжон».

Фахр ва ғурур билан шуни айтиш мумкинки, Саодатхон ая фарзандлари Соҳиба, Шоира, Нозимжон, Вазира ва набираларига ҳам шу хислатларни сингдириб, бахтли ҳаёт кечиряптилар.

Иброҳимова Феруза Мунировна
Педагогика фанлари номзоди, доцент

Феруза Мунировна 1956 йил 10 январда Наманган шаҳрида туғилди.

1977 йили Наманган Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини имтиёзли битирди. Шу ерда қолиб талабаларга рус тили ва адабиёти фанидан дарс бера бошлади.

1983 йили Ленинграддаги А. И. Герцен номли педагогика институтида «Выражение реляционных ситуаций при функционирования глагольных форма несовершенного вида современном русском языке» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олима дорилфунунда ишлаш жараёнида рус тилини ўқитишга доир кўплаб ўқув қўлланмалари, мақола ва тезисларни ёзиб чоп эттирди. Уларнинг 4 таси Санкт Петербург ва Тарту (Эстония) университетларида илмий мақолалар тўпламида босилиб чиқди. Илмий изланишларини давом эттириб, мустақил республикамизга малакали тилшунослар етиштириб беришда бутун куч-ғайрат, билимини сафарбар этди.

«Мен бахтли оилада катта бўлдим, - дейди Феруза Мунировна, ҳамиша яхши одамлар орасида яшадим. Ҳозир икки қизим бор. Саида Наманган Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқиди. Кенжа қизим Дамира ҳам олий маълумотли бўлди. Турмуш ўртоғим Равил Иброҳимов инженер-электрик. Менинг шу даражага етишимга дадам Ибрагимов Мунир Ҳасанович жуда катта ёрдам берганлар. Мен ҳамиша бахтли ҳаёт кечирганман. Бўш вақтимда гулларга қарашни яхши кўраман. Менга айниқса атиргуллар ёқади. Бир куни уйқум қочиб, балконга чиқиб, атиргулларга қараб ўтирганимда, пастда биринчи қаватда нотаниш одамлар кўриниб қолди. Биласизми, ўша пастдаги уйнинг эгаси бўлган аёл туғруқхонада эди. Ҳалиги шубҳали шахслар балкон орқали ичкарига кирмоқчи бўлишди. Мен тепадан туриб: «ҳой, кетинглар. Бўлмаса милиция чақираман», - деб уларга пўписа қилдим. Улар кетишди, лекин энди мен умуман ухлай олмадим.



Ярим кечада, ҳалиги ўғрилар яна қайтиб келишди. Шунда мен уларга: «Милиция чақирдим, мана ҳозир келишяпти», - дедим. Ўғрилар кетишди. Шундан бери қўшниларим ҳазиллашиб: «Оя, гулга қарайман деб, ўғриларни пойлайдилар», - дейишади. Ўша қўшним туғруқхонадан келгунча, бошқалардан эшитиб, менга миннатдорчилик билдирди. Албатта, булар балки айтишга арзимас, лекин ўзимнинг хурсанд бўлганимни айтмайсизми. Атиргуллар эса менинг жону дилим, уларни жуда-жуда яхши кўраман».

Қалби гуллардай гўзал бўлган Иброҳимова Феруза Мунировнага боқий умр, фарзандлари камолини кўришдек улкан бахт тилаймиз.

Каримова Роза Раимжоновна *Педагогика фанлари номзоди, доцент*



Муסיқа инсон руҳий оламига энг фаол ва бевосита таъсир этиши билан ажралиб туради. Шундай экан, халқ таълимини қайта қуришнинг муҳим вазифаларидан бири ёшлар ахлоқий ва эстетик тарбиясини барча чоралар билан такомиллаштиришдан иборат. Токи уларда гўзаллик ва нафосат оламига нисбатан онгли муносабат шаклланиб борсин. Бунда мусиқанинг роли ғоят юқори даражададир. Чунки мусиқа ўзининг бевосита эмоционал ҳиссий таъсир кучи билан бошқа фанлардан фарқ қилади. Мусиқа дарслари орқали ёшларнинг маънавий дунёсини эмоционал ва эстетик жиҳатдан бойитишни мақсад қилган Роза Каримова бу йўналишга ёшлигидан қизиқди.

1956 йил 14 апрелда Фарғона вилоятининг Қува қишлоғида туғилди.

1980 йилда Фарғона Давлат педагогика институтини тугатди. 1980-82 йилларда Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳрида мусиқа ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатди.

1982-84 йилларда Бухоро вилояти ижроия кўмитаси табиатни муҳофаза қилиш бўлимида масъул котиба вазифасида ишлади.

1984-90 йилларда Бухоро Давлат педагогика институтида ёшларга мусиқа сирларини ўргатди.

Илмга бўлган қизиқиш уни изланишга ундади. 1990-1994 йилларда аспирантурада ўқиди. Илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1994-97 йилларда Наманган шаҳрига қайтиб келиб, Давлатобод туманидаги 53-ўрта мактабда мусиқа ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатди.

1997-98 йилга қадар Наманган вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтидаги «Нафосат» бўлимида методистлик қилди.

1998 йилдан 2000 йилга қадар Наманган педагогика коллежида мусиқа ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатди. Сўнг Наманган давлат университетида нафақага чиққунга қадар фаолият кўрсатди.

Розахон ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини тарбиялашда мусиқанинг бой имкониятларидан фойдаланиш билан бирга республикаимизнинг етакчи бастакорларининг она Ватанни мадҳ этувчи асарларини ўргатишни лозим деб ўйлайди. Бу асарларни ўргатиш жараёнида ёшлар мусиқа асарларига бўлган ўз муносабатларини, қизиқишларини ижобий томонга қараб ўзгартиришларига ишонади.

Буюк бастакор Александра Пахмутованинг «Мусиқа бу буюк қуролдир, инсонларни бир-бирига бирлаштиради ёки тескариси бўлиши мумкин» - деган фикрларини қўллаб-қувватловчи Розахон Каримованинг педагогик фаолияти мазмунли ўтди.

Турабоева Нортожит

Мирабдуллаевна

*Иқтисод фанлари номзоди,
катта ўқитувчи*

1957 йилнинг 16 сентябрида Наманган шаҳрида туғилган.

2003 йил 2 сентябрдан:

1989 йилда Наманган давлат педагогика институти география бўлимини сирдан тугатган.



1979-1981 йилларда Наманган шаҳридаги «Булбулча» болалар боғчасида тарбиячи бўлган.

1981-1994 йилларда Наманган шаҳридаги 4-ўрта мактабда ўқитувчилик қилган.

1994-1998 йилларда Наманган давлат университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси ўқитувчиси бўлиб фаолият кўрсатган.

1998-2003 йилларда Наманган давлат университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси катта ўқитувчиси вазифасида ишлаган.

2003 йилдан нафақага чиққунча «Иқтисодиёт» кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида фаолият кўрсатган.

Тўрабоева Тожихон оилали. Турмуш ўртоғи Ахмедов Махмуджон Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси муовини лавозимида ишлайди. Ўғли Ахмедов Жавлонбек хусусий тадбиркор, 1-қизи Ахмедова Муаттар Марказий тугруқхона ҳамшираси, 2-қизи Ахмедова Мухайё Наманган давлат университетини тугатган. 3-қизи Ахмедова Муҳтарам педагогика ва иқтисодиёт коллежи ўқувчисидир.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладикки, улар ўзларининг бор маҳоратларини одамларга кўрсатишга, атрофдагиларга яхшилик қилишга сарфлайдилар. Устоз, беғубор қалб эгаси Тожихон ая ўзидаги бор имкониятни ёшларга хизмат қилишга бағишлади. Устоз илмли, маърифатли киши бўлгани учун ўзи ҳам шундай одамларга доим талпиниб яшади. Ўз олдига қўйган мақсад сари тинимсиз интилди. Ҳар қандай нарсанинг, ҳодисанинг яхши томонларини тезда илғай олди. Бу ҳам оққўнгиликдан нишона бўлса ажабмас. У киши ўзидаги яхши кайфиятни ҳар қандай вазиятда ҳам атрофдагиларга юқтира олади. Тенгдош дугоналарининг, укалари қатори ижодкорларнинг, фарзандлари тенги ҳамкасбларининг ютуқларидан қувонади. Улар ҳаётидаги қувончли кунлардан барчани огоҳ этишга уринади. Ҳамкасблари ўртасидаги ҳамкорликни, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ҳар доим, ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилади.

Опага хос миллий одоб, ширинсуҳанлик ҳар қандай суҳбатдошни ўзига ром этади. Бир бор у киши билан ҳамсуҳбат бўлган инсон яна бир бор мана шундай мулоқотни қўмсайди.

Иқтисод фанлари номзоди бўлган олима аёлга саломатлик ҳамда узоқ умр тилаймиз.

Пак Галина Ен-Урновна

Филология фанлари номзоди, доцент

1957 йил 5 октябрда Косонсойда туғилган. Ўрта мактабни битиргач, 1975-1980 йилларда Москва Давлат педагогика институтида таҳсил олган. Мутахассислиги рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

1986-90 йилларда Москвада аспирантурада ўқиган. «XIX асрдаги тарихий-адабий концепциялар» муаммоси устида ишлаган. Ҳозирги вақтда чет эл адабиёти ва ўқитувчининг нутқ маданияти муаммолари билан қизиқади.

Турмушга чиққан, турмуш ўртоғи Кан Тихон Михайлович 25-спорт мактаби директори. Ўғли Дмитрий НамМИИни битирган, инженер-механик.

Галина оя ҳақида жуда кўп гапларни айтиш мумкин. Муаллима биринчидан келишган, ақлли, қатъиятли аёл. Доимо ўзига ишонч ва қатъийлик билан иш қилади. Одамлардаги ҳалолликни, батартибликни, меҳнатсеварликни ёқтиради. «Ҳамма ишда ҳам юракдан хоҳлаб ҳаракат қилинса, битмайдиган иш йўқ», - дейди у.

Рус тили факультетидаги «Кўнгил наволари» клубига раҳбарлик қилади. Талабаларга уларнинг талантини янада ёрқинроқ намоён этишларига ёрдам беради.

Галина Ен-Урновна ниҳоятда масъулиятли шахс. Қатъий бир фикрга келибгина қарор қабул қилади. Лекин Галина Ен-Урновнанинг яна бир ажойиб хусусияти-ўзининг қадрига етади, шу билан бирга бошқаларни ҳам ҳурмат қилади.

Ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир одам, руҳан жуда ҳам таъсирчан, қалби гўзал ва атрофидагиларга нисбатан чуқур ҳурмат кўзи билан қарайди. Бу туйғу ривожланган кишилар, бошқаларнинг кўзидаги хафагарчиликни, дўстининг кайфиятидаги ташвишни, онасининг овозидаги чарчоқни сезиб оладилар. Бундай кишилар ҳеч қачон, томдан тараша тушгандай, ўзларини «гўё яқин кўрсатиб», ҳаётингизга бостириб



киришмайди. Улар доимо камтар бўлишади, ёрдам бергилари келиб турса ҳам, сизнинг кўнглингизни оғритиб қўймаслик учун қулай вазиятни кутиб туриб, зарур дақиқада ёрдамларини таклиф қилишади.

Бетховен ёшлигида Антонио Сальеридан дарс олган эди. Вақтлар келиб ўқувчининг шон-шуҳрати устозникидан ўтиб кетди. Кўп йиллар ўтгач, Бетховен Сельери олдига келди, лекин у уйда йўқ эди. Шунда Бетховен: «Олдингизга шогирдингиз келди» деган хат қолдирди. Бу сўзлар ортида камтарлик, устозга ҳурмат, юқори маданиятли инсон тарбияси бор эди.

Г.Е. Пак шундай ёшларни тарбиялайди.

Сиз берган билим зиёси ёшларнинг мураккаб ҳаёт синовлари ва турли машаққатлар олдида эсанкирамасдан, уларни сабот билан ёнгиб ўтишида куч ва мадад бўлади, умр йўллари бамисоли маёқ бўлиб ёритади.

Шу боис ёр юзида қанча қийинчилик, сурону тўфонлар рўй бермасин, сиз каби минглаб фидойи одамларнинг машаққатли ва ҳалол меҳнати, инсоний ибрати туфайли то хануз маърифат ва эзгулик завол билмай яшаб келмоқда.

Жамолова Маъмурахон Салоҳиддин ҳожи қизи

Филология фанлари номзоди, доцент

Жамолова Маъмурахон Наманган шаҳрида 1957 йил 7 апрелда зиёли оиласида таваллуд топди. Унинг оиласи Наманган шаҳрида маърифатпарвар оила сифатида маълум. Оталари Салоҳиддин Жамолов республика миқёсида таниқли олим, наманганлик биринчи Бобуршунос тадқиқотчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, халқ таълими аълочиси. Оилада улар 9 фарзанд-дир. Барчалари ота изидан бориб, келажагимиз эгалари бўлган ёшларга таълим-тарбия беришдек шарафли касб эгаси-педагоглар бўлиб етишдилар.

Уларнинг ҳар бир оилавий йиғинларини яхшигина педагогик кенгашга қиёслаш мумкин. Оилада келинлардан тортиб набираларгача илм йўлидан боришмоқда. Оиладаги



педагогик муҳит фарзандларни ҳам илмни қадрлашга, илм излашга, жамиятда ўз ўрнини топа билишга ўргатган.

Маъмураҳон 1972 йили тўлиқсиз ўрта мактабни битириб, Наманган мактабгача тарбия педагогика билим юртида ўқишни давом эттирди ҳамда имтиёзли диплом билан муваффақиятли тамомлади. Илмга бўлган интилиш, ота касбига бўлган ҳурмат ва ихлос туфайли 1976 йил Наманган Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга кириб, ўзбек тили ва адабиёти бўлимни битирди. 1989 йилгача Наманган шаҳридаги 22-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берди.

Мактабдаги ўқитувчилик фаолиятида илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганишга, янги педагогик технологияни дарс жараёнига татбиқ қилишга интилди. Шаҳар ва вилоят педагогик ўқишларида иштирок этиб, республика пед ўқишига тавсия этилди.

1987 йили XIV республика педагогик ўқишларида иштирок этиб, халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўқитувчилик даврида мутахассислигига оид илмий адабиётларни мунтазам ўрганиб, матбуот ва илмий тўпламларда мақолалари билан иштирок этди. «Мактабда она тили таълими самарадорлигини ошириш» мавзусидаги илмий мақоласи республика миқёсидаги илмий тўпламга киритилди.

1989 йилдан Наманган Давлат университетининг Бошланғич таълим методикаси кафедрасида, 1994 йилдан бошлаб филология факультети ўзбек адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади.

Ота изидан бориш, отаси сингари мумтоз адабиёт сирларини ўрганиш орзуга айланди. Наманган Давлат университетида ўтказиладиган илмий-назарий анжуманлардаги иштироки орзусининг мақсадга айланишига йўл очди.

Оилада илмий муҳитнинг шаклланишида ҳам отаси Салоҳиддин Жамоловнинг тарғибот ва намуналари беқиёс.

Оилада икки фарзанд илмий изланиш сари интилди. Синглиси Замираҳон физика фанини ўқитиш услубиёти бўйича, Маъмураҳон эса ота изидан бориб, ўзбек мумтоз адабиётининг сирларини тадқиқ қилишга киришишди. Ниҳоят, 1992 йил Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги А. Навоий номидаги адабиёт илмий-тадқиқот институтининг «Адабиёт тарихи»

бўлимида филология фанлари доктори Содир Эркинов раҳбарлигида «XIV-XV аср ўзбек номаларининг жанр хусусиятлари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Ушбу ишни юзага чиқаришда, аввало, ота-онаси, оиласи, ҳамкасблари, устозлари самимий ва беғараз ёрдам беришди. Аёл кишининг бир вақтнинг ўзида ўқитувчи, тадқиқотчи, она вазифасини уддалай олиши оила, болаларнинг ташвишларидан ортиб илмий иш қилиши осон иш эмас. Фақат ирода, сабр ва меҳнат билангина мақсадга эришиш мумкин.

Маъмурахон ҳамиша тўғри тушунадиган, оққўнғил одамларга суюниб, уларнинг меҳр ва мададларидан баҳра олиб яшаётганлигидан мамнун. Асосийси, ота касбини эгаллади, отаси изидан бориб, адабиётшунос олима бўлди. Шунинг ўзи ҳам катта бахт. Илмий изланишларини давом эттирмоқчи. Ҳозирга қадар 20 га яқин илмий мақолалари чоп этилди. Илмий иши мазмуни илмий-оммабоп рисола тарзида китоб ҳолида нашр этилган. Турмуш ўртоғи Раҳимов Абдуллажон, инженер-технолог ихтисослигига эга. Шу билан бирга адабиёт ихлосманди. Матбуот саҳифаларида шеърлари чоп этилган. Битта шеърий тўплами нашр этилган. Беш фарзанд, тўрт набира бор. Бир фарзанди – ўқитувчи. Ота касби бўлган ўқитувчиликни ардоқлагани боисми, ота изидан боргани сабаблими ҳар қалай маҳалладагилар, мактаб ва университет талабалари орасида «оя» деган номга сазовор бўлди. Ҳамкасблари даврасида янги илмий изланишлар иштиёқида таълим-тарбия соҳасига кўлидан келганча ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Мамадалиева Мавлудахон

Филология фанлари номзоди, доцент

Мавлудахон Мамадалиева 1957 йилда Наманган туманида туғилган. 30-ўрта мактабни 1974 йилда олтин медаль билан тугатди.

1974-78 йилларда Наманган Давлат университетининг тарих-филология факультетида таҳсил олди ва кўп йиллар



ўрта умумтаълим мактабларида ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ берди.

Мавлудахон Мамадалиеванинг илмий мақолалари талабалик йилларидаёқ нашр этилган.

1997 йилда филология фанлари доктори, профессор Абдулҳамид Нурмонов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У Наманган Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзодидир.

Талабаларга ҳозирги ўзбек адабий тили фанидан қизиқарли маълумотлар ўқийди ва амалий машғулотлар олиб борди.

Изланувчан олима бир неча илмий-оммавий, методик ва илмий-назарий мақолалар муаллифи. Мавлудахон Мамадалиеванинг «Ўзбек тили» китоби рус гуруҳлари талабалари учун муҳим қўлланма вазифасини бажармоқда. Тиниб-тинчимас олима, ҳозирги кунда докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда. Докторлик мавзуси юзасидан бир неча илмий мақолалар эълон қилди. «Сўзнинг семантик структураси», «Ном ва борлиқ», «Асал сўз асабни асрайди» каби мақолалари кўпчиликнинг эътиборига тушган. Олиманинг илмий тадқиқотлари махсус курс ва семинарлар ўтишда, ўзбек тилини систем аспектда ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўз устозларига меҳрибон ва садоқатли олиманинг «Илмнинг ёрқин йўли» номли рисоласи профессор Абдулҳамид Нурмоновнинг 40 йиллик илмий-педагогик фаолиятига бағишланган бўлиб, шогирднинг устозига бўлган ҳурмати ифодасидир.

М. Мамадалиева Наманган вилояти Олима аёллар ассоциациясининг фаол аъзоларидан. У меҳрибон ва талабчан устоз. У раҳбарлик қилаётган гуруҳ талабаси Доно Раҳимова Президент стипендияси совриндори бўлди.

Виждон амри билан яшайдиган инсон ҳамиша бахтли бўлади. Мавлудахон опанинг катта ўғиллари халқаро ҳуқуқшунос бўлиб ишлаяпти.

Иккинчи ўғли Отабек ва учинчи ўғли Авазбек ҳам яхши касб эгаси бўлишган.

Катта келинлари Дилшодахон ўзбек филологияси факультетини битирган.

Кейинги келинлари Шохистахон шу факультет талабаси.

Набиралари Юсуфжонни еру кўкка ишонишмайди.

Ҳалол инсон ҳеч қачон, ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқатга қарши бормайди. Камтарин инсон Мавлудахон Мамадалиева ҳам бутун ҳаётини, борлигини ёшларга бағишлаб таълим берди.

Бобохонова Дилором Ахматхоновна

Филология фанлари номзоди, доцент

Талабалик остонасига қатъий мақсад билан қадам қўйган Дилоромнинг II курслик даври. Деканатдан унга Бухорода бўладиган фан олимпиадасига боришини айтишганда қувончи чексиз бўлди. БДУнинг ҳашаматли залида профессор Ҳамид Неъматов олимпиада қатнашчиларига «Фахрий ёрлиқлар» топширади. Унинг: «Сиз ёшлар, тилшунослик фанининг келажагисиз!» деган хитоблари Дилоромни тўлқинлантириб юборди. У янада кўпроқ китоб ўқир, талабалар конференцияларида қатнашарди.



Ҳаммаёқ жимжит, осуда, фақат бўрнинг тикирлаши эшитилади. Аудиторияда имтиҳон кетмоқда. Якуний Давлат имтиҳони. Талаба доскага мисолни ва унинг таҳлилини ёзиб бўлди. Имтиҳончилар бирин-кетин савол бера бошладилар. Талаба барча саволларга тез ва аниқ жавоб қайтарарди. Имтиҳонга Андижондан раис бўлиб келган профессор Иномжон Расулов Дилоромнинг жавобларидан хурсанд бўлиб кетди ва «Аъло» бу қизимга, тиришқоқлиги, зукколиги сабабли бу қиз насиб қилса, ҳали аспирантурада ҳам ўқийди, илмий иш ҳам қилади, - деди.

Дарҳақиқат, ҳаёт Дилоромни илмнинг машаққатли йўллариغا бошлади, у 27 ёшида олима бўлди.

Дилором Ахматхоновна Бобохонова 1958 йил 23 январда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

Дилором ўзининг бу даражага етишида отаси – олий тоифали врач Бобохонов Ахматхон Ахунбаевични, онаси – ҳамшира Бобохонова Тошхон Бозорбоевнанинг хизматлари

беқиёс, деб билади. Ота-онаси ақлли, иродали, меҳрибон, меҳнаткаш ва ҳалол инсонлар бўлишган.

Дилоромхон Бобохонованинг фикрича: «Инсон бахт деб аталмиш юсак орзуга фақат тинимсиз меҳнат орқалигина эришиши мумкин».

У устозлари филология фанлари номзодлари Т.Акрамов, А. Абдуллаев, Т.Нуъмонов, Б. Турдиалиевларнинг шогирди бўлгани билан ғурурланади.

1976 йили 4-ўрта мактабни тамомлаган Дилором Бобохона шу йили Ҳ. Ҳ. Ниёзий номи НДПИ тарих-филология факультетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кириб, 1980 йили институтни имтиёзли дипломга тамомлайди, шу факультет қошида янги очилган БТМ кафедрасида лаборант бўлиб иш бошлайди, айна пайтда илмий ишга мавзу олиб, номзодлик минимумларини топира боради. 1982-1986 йилларда Тошкентдаги Ўзбекистон Фанлари Академияси Тил ва адабиёт институти қошидаги мақсадли аспирантурада ўқийди. 1987 йили филология фанлари доктори, профессор Азим Пўлатович Ҳожиёв раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг расмий-иш услуби» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Ишнинг мавзуси долзарб бўлиб, ўзбек тилшунослигида, ҳатто туркологияда алоҳида илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Унда расмий-иш стилининг, умуман, функционал услублар доирасида тутган ўрни, унинг бошқа нутқ стилларига муносабати, ўзига хос лингвистик белгиларини ўрганиш биринчи марта диссертант томонидан амалга оширилди. Шу жиҳатдан ҳам иш назарий, ҳам амалий аҳамиятга моликдир.

Диссертация уч бобдан иборат бўлиб, унда расмий – иш стилига оид ҳужжатларнинг лексик-семантик, морфологик ва синтактик жиҳатдан ўзига хос лингвистик хусусиятлари аниқланади. Изланишнинг натижаларидан ҳозирги ўзбек адабий тили, назарий ва амалий услубият, нутқ маданиятига доир ўқув қўлланмалар тузишда ҳамда олий ўқув юртларининг филология, журналистика факультетларида маъруза ва махсус курс, семанарлар ўтишда фойдаланиш мумкин.

Д. А. Бобохонова 1986 йилдан ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи вазифасида ишлайди.


«Ҳозирги ўзбек адабиёт тилининг расмий-иш услуби» номли монографиясини нашрга тайёрлади, қатор мақолалар эълон қилмоқда.

1993 йили Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация ҳайъати Дилором Ахматхоновна Бобохоновани Ўзбек тилшунослиги бўйича доцент илмий унвонига тасдиқлади.

Олима «Тилшунослик ва табиий фанлар», «Ижтимоий тилшунослик», «Ўзбек нутқи маданияти» фанларидан маъруза ва амалий машғулотлари олиб боради. Унинг доцент Т. Нуъмонов, М. Саидовалар билан ҳамкорликдаги «Мақол ва ҳикматлар она тилимиз дуру жавоҳиридир» номли илмий методик қўлланмаси китобхонларга манзур бўлди.

У фарзандлари Акрамали ва Дурдонахонларнинг ҳам эл ҳавас қиладиган комил инсонлар бўлиб етишишларини орзу қилади.





**Олийгоҳда фаолият
кўрсатаётганлар**

Ташбаева Дилбар Хаджиевна

Фалсафа фанлари номзоди

Бугун жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларида хотин-қизларнинг тутган ўрни ва мавқеи ҳар қачонгидан юксалди.

Ўқитувчилик фахрли ва масъулиятли касблардан бирига айланди. Бу соҳанинг этагини тутиб, унинг қувончларига ошно бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ўқитувчи доим ўз устида ишлаши, ўқиши, изланиши керак бўлади. Устозлик касбига меҳр қўйишни, талабаларга меҳр-муҳаббат, ҳурмат билан ёндашишни талаб қилади. Ўқитувчи азал-азалдан эл-юрт ва жамият манфаати учун яшаб келган ва шундай бўлиб қолади. Инсон ким бўлишидан қатъий назар, ҳаётда бирор нарсага эришар экан, энг аввало, ўқитувчи-устозлар сабаб.



Наманган давлат университетида ўқитувчилик касбини эъзозлаб, ўз меҳнати билан обрў орттирган, истеъдодли, маориф, фан йўлида фидокорона хизмат қилиб, инсон камолоти йўлида қайғураётган олималар - профессор-ўқитувчилар кўпчиликини ташкил этади. Хотин-қизларнинг оила юмушлари, жамоат ишлари, педагогик фаолиятидан ташқари вақт топиб, ўзи танлаган мутахассислик соҳаси бўйича салмоқли илмий ютуқларни қўлга киритаётганликлари диққатга сазовор. Университетда фаолият кўрсатаётган Ташбаева Дилбар Хаджиевна шулар жумласидандир.

Ташбаева Дилбар Хаджиевна 1949 йилнинг 28 июнида Россия Федерацияси Қозон шаҳрида таваллуд топган.

1975 йилда Тошкент давлат консерваториясини тугатган ва махсус фортепиано ўқитувчиси мутахассислигини олган.

1972-1975 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа факультетида концерт-мейстер вазифасида ишлаган.

1975-1995 йилларда Наманган давлат мусиқа билим юртида махсус фортепиано ўқитувчиси лавозимида ишлаган.

1995-2003 йилларда Наманган давлат университети “Этика, эстетика ва мусиқа таълими” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатган.

2003-2011 йилларда Наманган давлат университети “Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси вазифасида ишлаган.

Ташбаева Дилбар Хаджиевна оилали. Турмуш ўртоғи Каземир Александр Лукьянович Россия Федерацияси фуқаро авиация учувчиси бўлган. Ҳозир пенсияда. Қизи Афанасьева Джульетта Александровна ва ўғли Каземир Антон Александрович Ўзбекистон Миллий университет талабалари.

Фидойи бўлиш, уни умр мазмуни деб ҳисоблаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Дилбар Ташбаева тимсолида аёллардаги соддалик, беғуборлик, майинлик, сокинлик, орас-талиқ, меҳр-оқибат, ўзгалар фикрини ҳурматлаш, суҳбатдошни сабр билан тинглай олиш, иззат-ҳурмат сингари олижаноб туйғулар мужассамини кўрамиз. Бугун олима Наманган давлат университетининг “Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, фалсафа” кафедрасининг катта ўқитувчиси лавозимида фидойилик билан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Фалсафа фанлари номзоди Д. Ташбаеванинг ўқув-услубий қўлланма ва тавсияларидан намуналар:



Раҳимбоева Дилбархон Абдулҳамитовна

Фалсафа фанлари номзоди, доцент

1954 йил 10 сентябрда Сирдарё вилояти Сирдарё шаҳрида ишчи оиласида туғилган.

1976 йилда Наманган шаҳридаги 7-ўрта мактабни тамомлаган. Шу йили Наманган Давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирган. 1976 йилда факультетни тугатиб, 1979 йилдан 1980 йилга қадар Наманган шаҳридаги 20-ўрта мактабда ишлаган.

1979-1981 йилларда Наманган давлат педагогика институти "Психология" кафедраси лаборанти, 1981-1982 йилларда "Фалсафа" кафедраси кабинет мудир, 1982-1993 йилларда "Фалсафа" кафедраси ўқитувчиси, 1993-2002 йилларда "Фалсафа" кафедраси катта ўқитувчиси, 2002-2006 йилларда "Фалсафа" кафедраси доценти вазифаларида ишлаган.

2006-2011 йилларда "Фалсафа" кафедраси мудир сифатида самарали фаолият кўрсатган.

2011 йилдан буён ҳозиргача "Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, фалсафа" кафедрасида доцент лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Раҳимбоева Дилбархон оилали. Турмуш ўртоғи Пўлатов Баҳодиржон Наманган шаҳар ички ишлар бошқармаси хўжалик бўлими ходими лавозимида ишлаган. 1-фарзанди Пўлатов Фурқатжон Намаган шаҳридаги «Эдем» фирмаси ходими, 2-ўғли Пўлатов Шухратжон Наманган шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими, қизи Пўлатова Ёрқиной уй бекаси.

Раҳимбоева Дилбархон Фалсафа кафедрасида ўзининг илмий-педагогик фаолиятини бошлаган.

1985 йилда фалсафа ва ҳуқуқ институтида тадқиқотчи бўлган.

1993 йилда "Ёшлар миллий онгининг шаклланишида оилавий-турмуш аънаналарининг аҳамияти" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Раҳимбоева Дилбархон кирган давраларга файз киради. У яхши суҳбатдош, каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам сўзини




бўлмасдан, сабр-тоқат, ҳурмат билан тинглайди. Унда бошқаларни тинглаш маданияти бор. Уни ўзбек аёлининг тимсоли дейиш мумкин. Юз-кўзидан илму-маърифат нури ёғилиб туради, фикру-зикри шогирдларига фан ютуқларини чуқур ўргатиш билан банд, гўзал табассуми, кийган либоси ҳам зиёлилигини эслатиб туради. У юксак маънавиятли инсон.

Ўз касбини сидқидилдан севган, мулоҳазали ва мушоҳадали Раҳимбоева Дилбархоннинг машғулотларини кузатар экансиз, унинг педагогик маҳоратига қойил қоласиз. Унинг маърузалари доимо мазмунли, қизиқарли, ҳаётий мисолларга бой бўлади. У қайси мавзуда маъруза ўқимасин, фикр-мулоҳазалари, хулосалари ҳаётга боғланади. Ажойиб нотик, моҳир маърузачи Дилбархоннинг кўзларида табиийлик, самимийлик балқиб туради.

Д. Раҳимбоева ўз фанини севган, фидойи педагоглардан бири бўлиб, университет жамоаси олдида ҳам, талабалар ўртасида ҳам алоҳида ҳурматга эга.

Фалсафа фанлари номзоди, доцент Д.Раҳимбоеванинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



Маҳмудова Манзура Жўраевна
География фанлари номзоди, доцент

1956 йил 12 апрелда Чуст туманидаги Олмос қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. 1973 йилда Чуст туманидаги 14-ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаган.

1977 йилда Наманган Давлат педагогика институтининг география-биология факультетини имтиёзли тугатиб, география-биология мутахассислигига эга бўлди. 1977-1979 йилларда Чуст туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатди.

1979-1981 йилларда Наманган давлат педагогика институтининг "География-биология" кафедраси катта лаборанти, ўқитувчиси вазифаларида, 1981-1990 йилларда "География" кафедраси ўқитувчиси, 1990-2007 йилларда "География" кафедраси катта ўқитувчиси вазифаларида фаолият кўрсатди.

2007 йилдан ҳозирги кунгача "География ва экология асослари" кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

Маҳмудова Манзура оилали. Турмуш ўртоғи Фаязов Набижон Наманган вилоят прокуратура департаменти бўлим бошлиғи лавозимида ишлайди. Салкам 40 йилдан бери бахтли ҳаёт кечириб келмоқда. Икковлари аҳилликда икки фарзандни катта қилиб вояга етказишди. Ўғиллари Фаязов Улуғбек тадбиркор сифатида фаолият кўрсатса, қизлари Фаязова Нилуфархон ҳам ҳуқуқшунос. Унинг ҳам икки фарзанди бор. Келинлари Дилнозахон фарзанд тарбияси билан машғул.

Маҳмудова Манзура Жўраевна 1985-1993 йиллар давомида ишдан ажралмаган ҳодда "Фарғона водийсида боғдорчилик-узумчиликни ривожланиши ва ҳудудий ташкил қилишни такомиллаштириш муаммолари" мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб борган.

1993 йилда Тошкент Давлат университети ихтисослашган илмий кенгашида иқтисодий-ижтимоий география ихтисоси бўйича республикамиз олима аёлларидан биринчи бўлиб номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва география фанлари номзоди илмий даражасини олди. Илмий



тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти Шундаки, Фарғона водийсининг ўзига хос табиий, иқтисодий, ижтимоий географик шароитида боғдорчилик ва узумчиликнинг ривожланиши ҳамда ҳудудий ташкил қилишни такомиллаштириш хусусиятлари тадқиқ қилинганлигидир. Фарғона водийси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркиби ва ҳудудий жиҳатдан такомиллаштириш асосида такрорланмас агроиқлимий омиллар, ер, сув ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ривожлантириш, мева, узум маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг истиқбол йўналишлари ишлаб чиқилган. Диссертация натижаларидан НамДУ география факультети талабаларига «Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси», «Фарғона водийси иқтисодий ва ижтимоий географияси» ва «Вилоят географияси» фанлари ва махсус курсларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Олима ўзининг илмий-ижодий фаолияти давомида 90 га яқин илмий ишлар ва мақолалар эълон қилган. Унинг қаламига мансуб «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш асослари» (1995), «Араб тилли мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий географияси» (1996), «Наманган вилояти олималари» (1996), «Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси. Амалий машғулотлар» (2007), «Тестлар тўплами», «Табиий ресурслардан фойдаланишнинг географик асослари» (2015) каби ўқув-услубий қўлланма ва кўрсатмалар талабаларнинг географик билимини оширишга, географик дунёқарашини шакллантиришга озми-кўпми ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Ҳозирги кунда ҳам олима талабаларни таълим ва тарбиясига оид машғулотларда фойдаланишлари учун ўқув қўлланма, ўқув услубий қўлланмалар устида ишламоқда ҳамда «Фарғона агросаноат ишлаб чиқариши, ривожланиши ва ҳудудий ташкил қилиш муаммолари» мавзуида илмий-тадқиқот ишларини давом эттирмоқда.

Ҳар йили ўтказиладиган профессор-ўқитувчиларнинг илмий-назарий анжуманларида фаол иштирок этиб келади. М.Махмудова узоқ йиллик меҳнат фаолиятлари давомида «Хорижий мамлакатлар иқтисодий-ижтимоий географияси», «Географиянинг асосий муаммолари» магистрлик йўналишида «Табиий ресурслардан фойдаланишнинг географик асослари» каби мутахассислик ва махсус фанлардан ҳамда универ-

ситетнинг бир қатор бошқа йўналишларида “География” ва “Марказий Осиё географияси” фанлардан маҳорат ва тажрибалари асосида замонавий фан ютуқларидан фойдаланиб дарс бериб, фан сирларини чуқур ўргатиб келмоқда. Талабаларнинг илмий фаолиятларига, БМИ ва МДга раҳбарлик қилиб, уларнинг яхши натижаларга эришишларига ҳам муваффақ бўлмоқда.

Талабаларнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлган янгиликка интилувчи устоз М.Махмудова кейинги 30 йил давомида талабаларнинг педагогик амалиётига раҳбарлик қилди. Таълим жараёнида олган билимларини амалиётда қўллаш, касбий малака ва маҳоратларини шакллантиришларида услубий жиҳатдан маслаҳатлари ва кўрсатмаларини бериб келмоқда.

Шунингдек, олима бир неча шогирдлар авлодига эга бўлган устоз ҳамдир. Шогирдлари мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли тармоқларида ва таълим тизимларида меҳнат қилиб, фан чўққиларини эгалламоқда. Етук мутахассис, олим даражасига етишмоқда. Улар қаторида б.ф.д., профессор (Сенатор) Т.Мадумаров., и.ф.д., профессор С.Эрназаров., и.ф.н., доцентлар М.Ғаниев, У.Муминов, б.ф.н., доцентлар Э.Икромов, В.Азизов, г.ф.н., доцентлар А.Назаров., Ш.Жумаханов., Х.Мирзаахмедов, А.Баратов, О.Мирзамахмудов, Э.Солиев ва бошқаларнинг борлиги устозни қувонтиради.

М. Махмудова талабаларга сабоқ бериш, илмий изланиш олиб бориш билан бирга жамоат ишларини ҳам бажариб келмоқда, университет хотин-қизлар кенгаши, вилоят олималар уюшмаси ишларида фаоллик кўрсатмоқда.

М.Махмудова талабаларнинг амалий машғулотларида фойдаланишлари учун тавсия, қўлланмалар тайёрлашни, таълим-тарбияга оид тўпламларга оммабоп мақолалар ёзишни режалаштирган. Профессор- ўқитувчиларнинг илмий-назарий конференциясида илмий маърузалари билан иштирок этишни, янада кўплаб шогирдларини илмга йўналтиришни мақсад қилган.

География фанлари номзоди, доцент М.Маҳмудованинг ўқув-усlubий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



Методик тавсия.
Наманган. 1988 йил.



Оммабop рисола.
Ҳамкорликда. Наманган.
1998 йил.



Методик тавсия.
Наманган. 2007 йил.



Ўқув-усlubий қўлланма.
Наманган. 2010 йил.



Ўқув-усlubий қўлланма.
Ҳамкорликда. Наманган.
2014 йил.



Ўқув-усlubий қўлланма.
Наманган. 2015 йил.



Усмонова Хуринисо Шараповна

Филология фанлари доктори,
доцент



Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда буюк зот –ўқитувчи ва мураббийларга суюнамиз ва таянамиз. Эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда устозларнинг хизмати беқиёсдир. Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларига нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Чунки, инсон яшаркан, ҳаракатда бўларкан, муҳим бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Агар буни устозлик, мураббийлик фаолияти билан боғлайдиган бўлсак, устоз ва мураббий талабаларнинг меҳрини қозониш, Устоз деган номга лойиқ бўлиши керак. Ўзининг табаррук ёшдаги отасига, устозларига, ҳамкасбларига катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб келаётган олималаримиздан бири филология фанлари доктори Хуринисо Усмоновадир.

Ҳаёт чархпалакка қиёсланса, инсон умри оқар дарёдай гап. Кимдир яратганинг инояти билан берилган умрнинг энг сермазмун, ёшлик ғайратига тўла йилларини халққа, ёшлар таълим-тарбиясига, илмга бағишлайди. Яна биров эса қалбида яхшилик нақшланган бўлади-ю, уни амалга оширишга улгуролмайди. Бошқа бир тоифа инсонлар эса бесамар ҳаёт кечиради.

Филология фанлари доктори Хуринисо Усмонова биз юқорида тилга олган биринчи гуруҳдаги инсонлар сирасига киради. “Чидамли, бардошли, меҳнаткаш деб кимни кўрсатасиз” дейишса, мен Хуринисони айтардим. “Тиришқоқ, оилапарвар, бағри кенг деб кимни айтасиз” деб сўралса, яна шу аёлни кўрсатардим.

Дарҳақиқат, ўзбек аёллари жаҳон илм-фани ривожига ўлмас ҳисса қўшган Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Имом Исмоил Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари алломаларни тарбиялаб вояга етказган. Биз бундай аёлларимиз сирасига Туркун Хотун,

Сароймулк Хонум, Гавҳаршодбегим, Қутлуғ Нигорхоним, Нодирабегим каби аёлларимизни мисол қилиб келтирамиз. Бу ўзбек аёллари оила илмини ҳам пухта ўрганишган. Алломалар уқтиришганидек, оилада қут-барака яхши муносабат, тўғри ва самимий муомала натижасида яратилади. Бу ўринда ҳам аёл асосий ўрин тутуди. Ҳазрат Навоий бобомизнинг айтишларича: “Яхши хотин—оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам-осойишталиги ундан. Хуснли бўлса, кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса, жон озигидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради. Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса ва бундай бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас маҳрамга эга бўлади. Турмушда бошингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамдардинг у, тескари айланувчи фалақдан бошингга ғам юзланса, у ҳам ғамнок, кўмакдошинг у. Баданингга хасталик ва заифлик етишса, унинг ҳам жони ҳалак”.

Усмонова Ҳуринисо 1959 йил 5 февралда Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Нанай қишлоғида туғилган. 1990 йилда Наманган давлат педагогика институтини тамомлаб, шу институтнинг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи лавозимида иш бошлаган.

1992-1994 йилларда Андижон давлат университетиде стажёр-тадқиқотчи бўлган.

Ҳ.Ш.Усмонова 1994 йилда “Дескрипция (Мураккаб ном) ва унинг гап тузилишидаги ўрни” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1995 йил 25 январда филология фанлари номзоди илмий даражасини ва 2001 йилда доцентлик унвонини олган.

1996-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига қарашли Тил ва адабиёт институти докторантурасида таҳсил олган.

1999-2013 йилларда ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудирини лавозимида ишлаган. Ўтган йиллар мобайнида кафедрада соф ижодий муҳитни шакллантиришга, ёш тадқиқотчилар сафини кенгайтиришга уринган. Катта авлод олимлари - Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби, филология фанлари доктори, профессор И. Абдуллаев; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, филология фанлари номзоди, доцент Т.Нўъмонов, филология


фанлари номзоди, доцент Ш.Эгамбердиева, филология фанлари номзоди, доцент М.Муҳаммадиева каби қатор устозларни эъзозлашга, уларнинг ҳаётий тажрибаларидан, иш усулларидан кафедра аъзоларини, ёшларни баҳраманд қилишга ҳаракат қилган. Устозларнинг таваллуд аёмларини нишонлашга бошқош бўлган.

Усмонова Ҳуринисо оилали. Турмуш ўртоғи Баҳриддинов Замириддин Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатган, ҳозир нафақада. 1-ўғли Баҳриддинов Ойбек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент вилояти махсус инспекция бўлими бошлиғи, 2-фарзанди Баҳриддинова Хуснида ЎзЛидеп "Аёллар қаноти" бўлими бошлиғи, 3-фарзанди Баҳриддинов Нодирбек АҚШнинг Линкольн университети банк ва бизнес факультетида ўқиди, ҳозирда НамДУ иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси.

Усмонова Ҳуринисо 2009 йил 15 майда «Ўзбек тилидаги гап бўлақларининг позицион структураси» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2010 йил 25 февралда филология фанлари доктори илмий даражасини олган. Унинг раҳбарлигида Ким Светлана 2011 йилда ўтказилган Республика фан олимпиадасида ўзбек тили фанидан 1-ўринни эгаллаган. "Илм юлдузлари" конкурси иштирокчиси Ҳ.Эргашева Ҳ.Усмонова раҳбарлигида республикада 3-ўринни олди. Сўнгги 5 йил ичида 5 та услубий қўлланма ва 30 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган. 2010 йилдан Вилоят Хотин-қизлар "Олима" уюшмаси, 2015 йилдан Наманган давлат университети хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида ишлаб келмоқда.

Икки нафар шогирди Қозоқова Нозима ва Мирабдуллаева Маликаларнинг докторлик диссертациясига раҳбарлик қилмоқда.

**Филология фанлари доктори, доцент Ҳ.Усмоновнинг ўқув-
услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:**



Metodik qo'llanma.
Namangan. 2014. 4,3 b.t.



Uslubiy qo'llanma
Namangan. 2014. 6,5 b.t.



Uslubiy qo'llanma.
Namangan. 2015. 6.25 b.t.



Uslubiy qo'llanma. Namangan.
2015. 3.5 b.t.



Uslubiy qo'llanma. Namangan.
2015. 4 b.t.

Каримова Фарида Исаковна

*Филология фанлари номзоди,
доцент*



Каримова Фарида Исаковна 1959 йилда Норин туманидаги Учтепа қишлоғида туғилган.

Ёшлигидан адабиёт фанига ихлос қўйди. Гулсорохон Тожибоева, Султонали Тўйчибоев каби устозларнинг берган билим ва ўғитларини ўзлаштирди. Республика фан олимпиадаларида бир неча бор ғолибликни қўлга киритди. Адабиётга бўлган муҳаббат уни Тошкент давлат университети етаклади. Олий даргоҳда профессорлар Фулом Каримов, Субутой Долимов, Бегали Қосимов, Анвар Ҳожиаҳмедов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов каби ўзбек адабиётшунослигининг дарғалари қўлида таҳсил олди. 1981 йилда университетни имтиёзли диплом билан тамомлагач, Тошкент давлат маданият институти Наманган филиалида иш фаолиятини бошлади. Сиртқи аспирантурада таҳсилни давом эттирди. Илмнинг юксак чўққиларини эгаллашга интилиш йўлида барча қийинчиликларни енгиб ўтди.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилдан бошлади. 1982 йилгача Тошкент давлат маданият институти катта лаборанти вазифасида, 1981-1987 йилларда Тошкент давлат маданият институти "Ўзбек адабиёти" кафедраси ўқитувчиси вазифасида, 1987-1988 йилларда Наманган педагогика билим юрти ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1988-1993 йилларда Наманган давлат педагогика институти "Бошланғич таълим методикаси" кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси; 1993-1995 йилларда Наманган давлат университети "Ўзбек адабиёти" кафедраси катта ўқитувчиси вазифаларида ишлади. 1995-1998 йилларда "Ўзбек адабиёти" кафедраси доценти вазифасини бажарувчи, 1998-2005 йилларда "Ўзбек адабиёти" кафедраси мудири лавозимларида ишлаган. 2005-2013 йилларда "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси доценти, 2013-2014 йилларда "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси мудири вазифасини бажарган.

Каримова Фаридохон оилали. Турмуш ўртоғи Тўраев Икромжон Наманган вилояти ички ишлар ходими, қизи Тошпўлатова Дилдора олий таълимда ўқитувчи, ўгли Тошпўлатов Сардорбек Наманган туман прократураси ходими лавозимларида ишлашади. Фикримизча, ажойиб уй бекаси бўлиш, муаллиманинг обрўсига обрў қўшади. Фаридохон бекаликда ҳам талабаларига ибрат бўлишга арзийди. Бу, аввало, унинг уй-жойини саранжом-саришта тутишида, оила аъзоларига муносабатида, фарзанд тарбиясида кўзга ташланади. Инсон камоли одобдан. Фаридохон бахтини сеvimли касбида, бажараётган ишида, оилада, фарзандлари камолотида, деб билади. У бахти тўқис аёл, у уйда – меҳрибон она, ҳавас қилса арзигулик уй бекаси, сеvimли бувижон, ишда эса – масъулиятли ходима. У ишда ўз вазифасини бажариш билан бирга, оиладаги бурчини ҳам унутмайди. Турмуш ўртоғига алоҳида меҳр билан қарайди, ардоқлайди, улар бир-бирларини тушунишга, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиладилар. Уларнинг биргаликдаги ҳаёт йўллари оддий, лекин ҳавас қилса арзигуликдир.

Ф.Каримова университет, факультет ва кафедра билан боғлиқ топшириқларга масъулият билан ёндошиб, уларни жамоа билан биргаликда бажаради. Меъёрий ҳужжатларни яхши тушунади ва талаб даражасида расмийлаштирилишини таъминлайди.

Ф.Каримова филология фанлари доктори, профессор А.Ҳайитметов раҳбарлигида 1993 йилда “Ўзбек адабиётида дебоचा” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ва филология фанлари номзоди илмий даражасини олган. 2001 йилда доцент илмий унвони берилган.

У “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи”, “Адабиёт назарияси”, “Аруз вазни” каби мутахассислик фанларидан маъруза ва амалий машғулотлар олиб боради. Дарсларни чуқур илмий ва янги педагогик технологияларга асосланган ҳолда олиб бориши билан талабалар орасида катта обрў қозонган. Ф.Каримова ёш авлодга билим бериш билан бирга, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида тинимсиз фаолият олиб боради. У вилоят ва университет миқёсидаги навоийхонлик, бобурхонлик, машрабхонлик, шунингдек, замондош ижодкорларимизнинг таваллуд айёмлари муносабати билан ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг фаол ташкилотчисидир. Шу билан бирга, республика, вилоят радио ва телевидениеси

орқали намойиш этилаётган кўрсатувларда фаол иштирок этади. “Навоийни англаш” (ЎзТВ), “Навоий лирикаси” (НТВ), “Назм ва наво” (“Олтин замин” вилоят радиоси) шулар жумласидандир. У Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими адабиётшунослик кенгаши раисидир.

Унинг 80 га яқин илмий ва илмий-услубий, ахлоқий-таълимий мақолалари, «Алишер Навоий дебочалари адабий манба сифатида», «Навойдан кейинги даврда яратилган дебочалар» услубий қўлланмалари ва «Ўзбек адабиётида дебоча» номли монографияси чоп этилган. “Бешиқдан қабргача илм изла” ҳадисини ўзига шиор қилиб олган олима “Шарқ адабиётида дебоча ва унинг поэтикаси” мавзuidaги докторлик диссертациясини яқунлаш арафасида.

Ф.Каримова ўзига топширилган вазифани сидқидилдан ва сифатли бажаришга интилади. Ўз соҳаси бўйича етук мутахассис, яхши нотик, салоҳиятли педагог сифатидаги фазилатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Филология фанлари номзоди, доцент Ф.Каримованинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:




Услубий қўлланма.
“Наманган” нашриёти,
2000 йил.



Рисола, “Наманган”
нашриёти, 2007 й.



Монография, Тошкент.
“Мумтоз сўз” нашриёти,
2008 йил.



Ўқув-услубий
қўлланма.Наманган,
2014

Исманова Малуда Мамадалиевна

Филология фанлари номзоди

Исманова Малуда 1956 йилнинг 30 октябрида таваллуд топган.

1974 йилда Москва давлат педагогика институти талабаси бўлган. 1979-1981 йилларда Наманган давлат педагогика институтининг “Рус тили ва адабиёти” кафедрасида ўқитувчи вазифасида ишлаган. 1981-1983 йилларда Москва давлат педагогика институти “Рус тили ва адабиёти” кафедрасида тадқиқотчи изланувчи бўлган.

1983-1984 йилларда Наманган давлат педагогика институтининг “Рус тили ва чет эл адабиёти” кафедрасида катта лаборант вазифасида ишлаган. 1984-1989 йилларда Москва давлат педагогика институтининг кундузги бўлим аспирантурасида ўқиган.

1989-1990 йилларда Наманган давлат педагогика институтининг “Рус тили ва чет эл адабиёти” кафедраси ўқитувчиси, 1990-1992 йилларда кафедра катта ўқитувчиси вазифасида ишлаган. 1992-1998 йилларда кафедра доценти лавозимларида фаолият кўрсатган. 1998-2008 йилларда Наманган шаҳар 48-ўрта мактабда логопед ўқитувчи бўлиб ишлаган. 2008 йилдан буён Наманган давлат университетининг “Рус тили ва адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси сифатида ишлаб келмоқда.

Исманова Малуданинг бир нафар фарзанди бор. Ўғли Ҳакимов Ёдгор Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ходимидир.

Исманова Малуда Мамадалиевна 1989 йилда Москва Давлат педагогика институтининг рус адабиёти кафедраси қошидаги кундузги аспирантурани тугатди ва 1989 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Аспирантурада ўқиган йиллари педагогик амалиётни муваффақиятли ўтади, номзодлик минимуми имтиҳонларини топширди. Москва шаҳрида ўтказилган бир қатор илмий анжуманларда ўз маърузалари билан қатнашди.



"В.П.Полонскийнинг адабий танқидчилик фаолияти" мавзусида ёзган номзодлик диссертациясининг назарий аҳамияти шундан иборатки, унда таниқли адабиётшунос ва танқидчи В. П. Полонскийнинг кўпчиликка маълум бўлмаган адабий-танқидий асарлари биринчи марта таҳлил этилди. Тадқиқот муаллифи томонидан В. П. Полонскийнинг адабиётшуносликда маълум бўлмаган адабий тахаллуслари ва ушбу тахаллуслар билан чоп этилган асарлари топилди. Бу эса ўз навбатида В. П. Полонский асарларининг тўлиқ рўйхатини ишлаб чиқишга имконият беради. Олиманинг тадқиқоти катта амалий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, ундан 20-йиллар адабий жараёнини тадқиқ этишда, адабий энциклопедиялар ва адабий тахаллуслар луғатларига сезиларли қўшимчалар киритишда ҳамда дарсликлар, ўқув қўлланмалар тузишда фойдаланиш мумкин.

Филология фанлари номзоди Исманова Малуда Мамадалиевна 15га яқин илмий мақолалар чоп эттирган. Ҳозирги пайтда у рус тили ва адабиёти кафедрасида доцент лавозимида ишламоқда ва илмий изланишларини давом эттирмоқда.

Азизова Рушен Исмаиловна

доцент

1959 йилнинг 20 майида Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1981 йилда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг Педагогика факультетини "Жисмоний тарбия ўқитувчиси" мутахассислиги бўйича тамомлаган.

НамДУда 1994 йилдан иш фаолиятини бошлаган. НамДУ кадрлар бўлими катта назоратчиси, кадрлар бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган.

2000 йилдан Наманган давлат университети "Жисмоний маданият назарияси" кафедрасида ўқитувчи лавозимида иш бошлади. 2003 йилгача шу кафедранинг ўқитувчиси, 2003 йилдан 2007 йилгача "Спорт турларини ўқитиш услугиёти", "Жисмоний тарбия назарияси ва амалиёти" кафедраларида катта ўқитувчи лавозимида фаолият олиб борди.



Иш фаолияти давомида 1 та ўқув қўлланма, 5 та ўқув-услубий қўлланма, 1 та намунавий дастур, 40 дан ортиқ тезис ва илмий мақола ёзган. Жумладан 2 таси халқаро, 5 таси ОАК рўйхатидаги журналларда чоп этилган.

2009 йилда Азизова Р.И. доцент илмий унвонига эга бўлди.

Р.Азизованинг назарий ва амалий машғулот ўтказадиган фанлардан тайёрлаган ишчи ўқув дастурлари, амалий машғулотлар учун тайёрлаган услубий кўрсатмалари ҳамда «Гандболчининг техник тайёргарлиги», «Гандбол (Мусобақа қоидалари, уларни ташкил этиш ва ўтказиш тизими)», «Қўл тўпи ўйини тактикаси» номли услубий қўлланмалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг рухсати билан нашр қилинган «Спорт ва ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси» деб номланган ўқув қўлланмаси ўқув жараёнида қўлланилмоқда.

2009 йилда Ўзбекистон гандбол Федерацияси томонидан тасдиқланган ва нашр этиш учун тавсия қилинган болалар-ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ) ва болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаблари (БЎОСМ) лари учун нашр қилинган гандбол бўйича намунавий дастур (айниқса, лотин ёзувида нашр қилингани) спорт мактабларидаги ўргатиш жараёнини тўла-тўқис ёритиб бериб, шу спорт турининг халқаро миқёсидаги истиқболини таъминлайди. Р.Азизованинг 2 та шогирди магистратура йўналиши бўйича ўқишни тамомлагач, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.


Р.И.Азизова жамоат ишларида фаол қатнашади, ўз устида мунтазам изланади. Профессор – ўқитувчи иш фаолиятини тартибга солувчи қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларини билади ва ўз фаолиятида қўллай олади. Берилган вазифа, топшириқларни ўз вақтида сифатли бажаради.

Азизова Рушен оилали. Турмуш ўртоғи Азизов Собит Валиевич Наманган давлат университети Педагогика ва жисмоний маданият факультетида декан ўринбосари лавозимида ишлайди. 1-фарзанди Азизова Динара Тўрақўрғон туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, 2-фарзанди Азизов Азизбек Намангандаги «Кока-кола» фирмаси катта аудитори, 3-фарзанди Азизова Гулнора Уйчи туманидаги 6-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлашади.

Доцент Р.И.Азизова мунтазам равишда республика миқёсида ўтказиладиган гандбол бўйича мусобақаларни ташкил қилишда ва ўтказишда фаол қатнашади. Унга Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2004 йил 24 майдаги 522-сонли буйруғига асосан “Олий тоифадаги ҳакам” унвони берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да белгиланган назифаларни университет, факультет ва кафедра миқёсида бажаришда доцент Р.Азизова ўзи олиб бораётган назарий ва амалий машгулотларининг илмий методик савиясини юқори даражага кўтариш учун янги педагогик технологиялар устида мунтазам иш олиб бормоқда.


Доцент Р.Азизованинг ўқув-услубий қўлланма, таъсияларидан намуналар:



Маърузалар матни.
1-қисм. Наманган. 2005
йил. 9,7 б.т.



Маърузалар матни.
2-қисм. Наманган.
2006 йил. 8 б.т.



Услубий қўлланма.
Наманган. 2006. 3.3 б.т.



Услубий қўлланма.
ЎзДЖТИ. 2007 йил.
3,3 б.т.



Услубий қўлланма.
Наманган. 2008. 4 б.т.



Намунавий астури. Ҳам-
корликда. Ўзб. гандбол
Федерац. тасдиқлаган.
2009. 6,4 б.т.



Ўқув қўлланма. Тошкент:
“Фан ва техноло-
гия” нашриёти. 2009. 6,5 б.т.



Ўқув қўлланма. Тош-
кент: “Янги аср” наш-
риёти. 2010. 6,5 б.т.

Саидова Муҳаббат Шукруллаевна

Филология фанлари номзоди, доцент

Саидова Муҳаббат 1959 йил 5 февралда туғилган.

Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Тўрақўрғон тумани 9-ўрта мактаб ўқитувчиси сифатида бошлаган. 1981-1988 йилларда Уйчи тумани 31-ўрта мактаб ўқитувчиси, 1988-1992 йилларда Наманган давлат педагогика институти “Педагогика ва психология” кафедраси ўқитувчиси, 1992-1996 йилларда Наманган давлат педагогика институти “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси ўқитувчиси, 1996-1999 йилларда “Ўзбекистон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси вазифаларида ишлаган.

1999-2002 йилларда Ўзбек филологияси факультети декан ўринбосари, 2002-2005 йилларда “Факультетлараро ўзбек тили” кафедраси мудири, 2005-2007 йилларда “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси доценти, 2007-2008 йилларда илмий бўлим мудири лавозимларида фаолият кўрсатган.

2008 йилдан “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси доценти, 2011-2012 ўқув йилида филология факультети декан ўринбосари вазифаларида ишлаган.

2015 йилдан рус тили ва адабиёти кафедрасида мудар в.б. лавозимларида ишламоқда.



1989-1995 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёти институтида стажёр-тадқиқотчи бўлган.

1995 йил 3 ноябрда “Наманган ўзбек шеваларидаги қариндошлик терминларининг лексик-семантик хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1995 йил 25 майда филология фанлари номзоди илмий даражасини ва 2003 йилда доцентлик унвонини олган.

М Саидова оилали. Бир ўғил, икки қизи бор. Турмуш ўртоғи Тўхтабоев Шухратжон Уйчи тумани 31-мактаб ўқитувчиси. Қизи Тўхтабоева Шаҳноза НамДУ магистранти. Ўғли Тўхтабоев Шерзод муҳандис. Қизи Тўхтабоева Саида НамДУ талабаси.

Муҳаббат Саидова фаол, жамоатчи аёл. Бир қатор ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ҳам бажариб келмоқда:

1. Вилоят олимпиада хайъати (ўзбек тили –давлат тили) раислиги.
2. Вилоят тарғиботчи аёллар гуруҳи аъзолиги.
3. Университет хотин –қизлар қўмитаси раисалиги.(2011-2013 йиллар)

Вилоят, университет, факультет миқёсида ўтказиладиган барча тадбирларда иштирок этиб, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий жиҳатдан етук инсон бўлиб ўсишларида ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида Левченко Наташа, Тян Мария, Ҳабибова Шаҳноза каби иқтидорли талабалар Республика Фан олимпиадаси 2-босқичида ўзбек тили фанидан фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашган. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғини олган. 2007 йилда “Истеъдод” жамғармасининг грант соҳиби бўлган.

Ҳозирда талабаларга “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Ўзбек тили” фанларидан маъруза ва амалий машғулотлар ўтиб келмоқда. 2012 йилда “Ўзбек тили” номли ўқув-услубий қўлланма чоп эттирди. Шу давр ичида 3та услубий қўлланма ва 60 га яқин илмий мақолалар чоп эттирган.

Одамлар ўртасидаги муносабатни белгилайдиган муомала инсон юрагини кўзгуда акс этгандек намоён этади. Кишининг сўзидан, муомаласидан унинг қандай инсонлигини билиш қийин эмас. Инсон камолотида, ҳаёт ривожиди, иш юритишда муомала асосий омилдир. «Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин» дейди халқимиз. Ана шундай буғдой сўзли бўлган ширин тил, мулоҳазали, самимий муомалада бўлишга

одатланган Муҳаббатхоннинг фазилати барча аёлларга ибратдир.

М. Саидова илмий изланишларини давом эттириб «Ўзбек шеваларидаги қариндошлик номларининг ареологик таҳлили» мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

Филология фанлари номзоди, доцент М. Саидованинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:




Услубий курсатма.
Наманган. 2003 й. 6 б.т.



Методик қўлланма.
Ҳамкорликда. 2008 йил,
Наманган. 5,3 б.т.



Uslubiy qo'llanma,
hamkorlikda.
Namangan 2010. 9.2 b.t



Uslubiy qo'llanma, hamkorlikda.
Namangan 2015. 7.3 b.t

Муҳаррирлик ишларидан намуналар



Илмий-оммабоп мақола-лар тўплами. Наманган.
2009 йил. 6 б.т.



Илмий амалий анжуман материаллари. 12 б.т.
Наманган. 2015 йил.

Жамалова Замирахон Салоҳиддин ҳожи қизи

Педагогика фанлари номзоди, доцент

Инсон ҳаёти ҳамиша ҳам бир текисда кетавермайди.

Баъзан тақдирнинг шундай оғир зарбаларига дуч келадики, бундан одам эсанкираб қолиши, тушкунликка тушиши, дунё эса кўзига тор бўлиб кўриниши мумкин. Аммо ана шу зарбаларга дош бериб, сабот ва матонат билан олдинга интилган яшашган инсонлардан бири матонатли аёл Замирахон Жамаловадир.

Жамалова Замирахон 1959 йил 4 августда Наманган шаҳрида зибли оилада таваллуд топган.

1975-1979 йилларда Наманган давлат педагогика институти физика-техника факультети талабаси бўлган.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда "Физика" кафедраси лаборантлигидан бошлаган. 1985-1988 йилларда Наманган давлат педагогика институти 2-бўлимда кичик илмий ходим бўлиб ишлади.

1989 йил 5 июлда Москва давлат педагогика институтининг Илмий Кенгашида «Педагогика институтларини битирувчи бўлажак физика ўқитувчиларини қишлоқ ПТУларида (ҳозирги



коллежларда) ишлашга тайёрлаш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳимоя қилинган иш жуда долзарб мавзу бўлиб, педагогика институтларида бўлажак ўқитувчиларга ПТУ лар ҳақида маълумот берилмас, ўзига хос ўқитиш услубларини ўргатилмас эди. Лекин ПТУларда фан ўқитувчиси бўлиб айнан институтларни тугатганлар ишлар эди. Ишнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, илмий кенгаш унга бир овоздан педагогика фанлари номзоди илмий даражасини беришди.

1988-1989 йилларда “Физика ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси, 1989-1994 йилларда катта ўқитувчи, 1994-2000 йилларда экспериментал “Физика” кафедрасида доцент вазифасини бажарувчи, 2000-2005 йилларда Наманган давлат университети экспериментал “Физика” кафедраси доценти вазифаларида ишлади.

2005-2007 йилларда Наманган давлат университети физика-техника факультети декан ўринбосари, 2007 йилдан ҳозиргача “Физика” кафедраси доценти лавозимларида ишлаб келмоқда.

Жамалова Замирахон оилали. Турмуш ўртоғи Раҳимов Наимжон узоқ йиллар Наманган давлат университетида раҳбар лавозимларида ишлаганлар, физика-математика фанлари доктори, профессор бўлганлар. 2012 йилда вафот этганлар. Фарзандлари: ўғли Жамалов Зухриддин хусусий тадбиркор, ўғли Раҳимов Шухратжон Наманган шаҳар Ички Ишлар Бошқармаси ходими, қизи Раҳимова Умидахон Наманган давлат университети хорижий филология факултети талабаси, ўғли Раҳимов Муҳаммадраҳимбек Наманган давлат муҳандислик иқтисодиёт институти талабасидирлар. Ҳозирги кунда 7 фарзандга оналик меҳрини бериб, ҳам ота, ҳам она бўлиш уддасидан чиқяпти.

Дунёда инсондан фақат яхшилик қолади. Қўлидан келганича яхшилик қилишни ўз олдига мақсад қилган Замирахон 2002 йилда Америка Халқаро Ривожланиш Агентлиги (VSAID) томонидан молиялаштирилган Каунтерпарк Консорциумнинг кичик грантини ютиб олди ва бу маблағ билан маҳалласидаги хотин-қизларга ҳунар ўргатадиган марказ ташкил этди. Маҳалласидагиларни иш билан таъминлади.

Ўзгаларнинг ташвиши ва қувончларига шерик бўлиб яшаш, бошқалар қалбидаги оғриқни ҳис қилиш ва уларга ёрдам қўлини

чўзиш, шу билан бирга, илмий-ижодий ишлар билан шуғулланиш - Замирахоннинг энг юксак фазилатига айланган.


Педагогика фанлари номзоди, доцент З.Жамалованинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:




**Методик тавсия,
Наманган, 1987 йил.**



**Методик тавсия,
Наманган, 1988 йил**



**Методик тавсиялар,
Наманган, 1988**



**Методик тавсиялар,
Наманган, 1998 йил**



**Методик қўлланма,
дамкорликда, Наманган,
1998 йил.**



**Услубий қўлланма,
Наманган, 1999**



**Маъруза матнлари,
Наманган, 2001 йил**



**Методик қўлланма,
Наманган, 2005 йил**



**Методик қўлланма,
Тошкент, "Ўзбекистон",
2006 йил**

Педагогика фанлари номзоди, доцент З.Жамалованинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



**Услубий қўлланма,
Наманган, 2006 йил**



**Услубий кўрсатма,
Наманган, 2007 йил**




**Методическая указания,
Наманган, 2008 год**



**Услубий кўрсатма,
Наманган, 2008 йил**



**Услубий кўрсатма,
Наманган, 2008 йил**



**Услубий кўрсатма,
Наманган, 2011 йил**



Наманган, 2012 йил



**Оммабоп рисола,
Наманган, 2013 йил**



**Оммабоп рисола,
Наманган, 2013 йил**

Собирова Маҳбубахон Юсуфжонова

Педагогика фанлари номзоди, доцент

Собирова Маҳбубахон 1960 йил 4 июнда Наманган шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Мактабни тугатгач, 1977 йилда Наманган Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кириб, уни 1981 йилда имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1981-1991 йилларда Наманган шаҳридаги 11-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1991 йили Наманган давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедрасига танлов асосида ишга қабул қилинган.

1994 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Россия Федерацияси Таълим Академиясининг ҳақиқий аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Мазлума Асқарованинг илмий раҳбарлигида "Ўзбек мактабларининг юқори синф ўқувчиларига синтаксисни мунозара усулида ўргатиш" мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган.

1998-2000 йилларда Тошкент давлат педагогика университетининг докторантурасида таҳсил олган.

2000 йил 29 июнда доцент унвонига сазовор бўлган.

2000-2005 йилларда филология факультети хотин-қизлар қўмитаси раиси, 2005-2006 йилларда университет хотин-қизлар қўмитаси раиси, шу билан бирга, 2000 йилдан 2011 йилгача Наманган вилояти "Олима" уюшмаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатган.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича вилоят комиссияси (таълим йўналиши) раислиги ва аъзолиги, вилоят фан олимпиада ҳайъати (ўзбек тили, давлат тили) раислиги, филология факультети ўзбек тили йўналиши битирувчи курс талабаларининг педагогик амалиётига умумий раҳбарлик каби жамоатчилик топшириқларини ҳам талаб даражасида бажаришга ҳаракат қилади.



Собирова Маҳбубахон оилали. Турмуш ўртоғи Мунавваров Абдурашид Наманган давлат университетини битирган собиқ талабалардан 1-фан доктори, профессор бўлган. 4 нафар фарзанди бўлиб, 1-қизи Мунавварова Маъмура ўқитувчи, 2-қизи Шоира олий тоифали ҳамшира, 3-қизи Замира ўқитувчи ва ўғли Давронжон Марказий банк вилоят Бош бошқармасида бўлим бошлиғи вазифасида ишлайди.

М.Собирова маҳоратли мураббий ва методист ҳамдир. Унинг раҳбарлигида Курова Анастасия 2010 йилда ўтказилган Республика фан олимпиадасида ўзбек тили фанидан 1-ўринни эгаллаган. Шогирдларидан 2 нафари: Исоқова Раънохон 2006 йилда, Абдурахмонова Санобар 2012 йилда республика миқёсидаги “Йил ўқитувчиси” танловида ғолиб бўлишган. Ўзбек тили йўналиши магистратурасида таҳсил олган шогирди Зайниддинова Зулайҳо 2009-, 2010-, 2011-, 2012 йилларда “Меҳр нури” таълим гранти совриндори, 2011 йилда “Келажак овози” танлови ғолиби бўлган ҳамда 2012 йилда “Мустақиллик” медали, 2015 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.

Республика ва вилоятлар миқёсида ўтказилган илмий-методик анжуманларнинг фаол иштирокчиси бўлгани учун доцент М.Собирова 2 марта - 2009 йилда ва 2011 йилда вазирликнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Олиманинг шу кунгача 160 га яқин илмий-ижодий ишлари матбуотда эълон қилинган. Таълим масканларида ўқитишни жаҳон стандартлари даражасига етказиш борасида изланишлар олиб бормоқда.

Педагогика фанлари номзоди, доцент М.Собированинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



Методик тавсия.
Наманган. 1995 й., 4,5 б.т.



Ўқув қўлланма.
Муаллифлар жамоаси.
Тошкент, «Ўқитувчи»
нашриёти.
1996 йил. 12 б.т.



Оммабоб рисола.
Ҳамкор-ликда.
«Наманган» нашриёти,
1998 йил, 2 б.т.



Услубий қўлланма,
Наманган. 2003 йил, 4 б.т.



Оммабоб рисола.
Ҳамкор-ликда. «Наманган»
нашриёти,
2005 йил, 7 б.т.



Услубий тавсия.
«Наманган» нашриёти,
2005 йил, 1 б.т.



Услубий қўлланма.
Ҳамкорликда. Тошкент,
2007 йил. 4 б.т.



Услубий қўлланма.
Наманган, 2007 йил. 4 б.т.



Методик қўлланма.
Ҳамкорликда. 2008 йил,
Наманган. 5,3 б.т.

Педагогика фанлари номзоди, доцент М.Собированинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



Методик тавсия.
Наманган. 2009 й., 3,5 б.т.



Услубий қўлланма.
Ҳамкорликда. Наманган,
2009 йил. 4 б.т



Рисола. Наманган. 2010
йил. 8,5 б.т.



Оммабоп рисола.
Наманган. 2010 йил. 7 б.т.



Проф.А.Мунавваров
ҳақида рисола.
Наманган. 2010 йил. 8,5
б.т.



Методик қўлланма.
Ҳамкорликда.
Наманган. 2013 й. 4,5 б.т.



Методик қўлланма.
Ҳамкорликда
Наманган. 2013 йил. 6 б.т.




Методик қўлланма.
Наманган. 2014. 4 б.т.



Оммабоп рисола.
Наманган. 2014 й. 3,8 б.т.

Муҳаррирликдаги ишлари:



Оммабон рисола.
Наманган.
1995 йил, 7 б.т.



Илмий-методик
мақолалар тўплами.
Наманган. 1996 йил. 20
б.т.



Оммабон рисола.
Наманган.
1997 йил, 7,7 б.т.



Илмий-методик
мақолалар тўплами.
Наманган.
1997 йил. 14 б.т.



Оммабон рисола.
Наманган.
2003 йил, 6 б.т.



Илмий-методик
мақола-лар тўплами.
Наманган.
2008 йил. 7 б.т.



Илмий-оммабон
мақолалар тўплами.
Наманган.
2009 йил. 6 б.т.



Республика илмий-
амалий анжумани
материаллари.
Наманган. 2011 й. 12
б.т.



Илмий ва илмий-
усlubий мақолалар
тўплами. Наманган.
2014 йил. 10,7 б.т.

МАХСУДОВА МЎЪТАБАР АБДУСАЛАМОВНА

*Психология фанлари номзоди,
доцент*



Мўътабархон Махсудова 1960 йил 29 августда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида хизматчи оиласида туғилган. 1977 йилдан 1982 йилгача Тошкент давлат университетининг Фалсафа-иқтисод факультети Психология бўлимида таҳсил олган. 1982 йилда Наманган давлат педагогика институти педагогика-психология кафедрасига йўлланма асосида ишга қабул қилинган.

1984-89 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида аспирантура бўлимида ўқиган. 1993 йил 20 апрелда Республикада 1-бўлиб иш бошлаган Ихтисослашган Илмий Кенгашда ўзбек (давлат) тилида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби, профессор М.Г.Давлетшин раҳбарлигида «Таълим жараёнида биринчи синф ўқувчиларида билишга бўлган қизиқишларни ривожлантириш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Диссертациянинг илмий аҳамияти шундаки, биринчи марта қишлоқ мактаблари ўқувчиларидаги билишга бўлган қизиқишлар тадқиқот асосида ўрганилган.

1996 йилда доцентлик унвонини олган.

2000 йилда «Ижтимоий психология» кафедрасига мудир этиб тайинланган. 2004 йил август ойида «Истеъдод» жамғармаси танлови совриндори сифатида Кореянинг Чунгбук миллий университетида малака оширган.

2004 йилда профессор-ўқитувчилар ва ходимлар касаба уюшма кўмитаси раиси этиб сайланган. 2014 йилда «Мактабгача таълим» кафедрасига мудир этиб тайинланди. Ҳозирги кунда шу лавозимда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мўътабархон нафақат дарс ўтади, илмий изланишлар қилади, шу билан биргаликда, оммавий ахборот воситаларида ҳам тез-тез чиқишлар қилади. Вилоят телевидениесига чиқишларида кўтарилган назарий масалалар далилларга асосланганлиги билан, амалиётдан мисоллар келтирил-

ганлиги билан ўзининг ҳаётийлигини намойиш қилади. Таълим ва тарбия мазмунини инсонпарварлаштириш, оила муаммолари ва унинг ечимлари, ёшлар ахлоқига ижобий таъсир этиш, уларни фикрлашга ундаш, ёшларда инсоний фазилатларни тарбиялаш, таълим билан тарбияни узвий боғлиқликда олиб бориш, талабаларнинг катталар, ота-оналари ва устозлари олдидаги бурчларини ҳис этишни ўргатиш каби масалалар бўйича далилларга асосланган ҳолда илмий фикр юритади.

У 2013 йилда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг «Фахрий ёрлиги» билан, бир неча марта Вилоят ҳокимлиги, Вилоят қасаба уюшма кўмитаси кенгаши, «Олима аёл» уюшмаси томонидан «Фахрий ёрлиқ»лар билан тақдирланган.

М.Махсудова оилали, 3 нафар фарзанди, 3 нафар набиралари бор.

Шу кунгача 60 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалар, 10 дан ортиқ услубий қўлланма, 1 та ўқув қўлланма нашр эттирган. "Мулоқот психологияси" ўқув қўлланмаси Вазирлик тавсияси асосида нашр этилиб, Республика олийгоҳларига тарқатилган. Республика ва Халқаро миқёсда ўтказиладиган анжуманларда фаол иштирок этиб келади. М.Махсудова муаллифлигида Вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими Бошқармаси томонидан буюртма асосида «Психолог-инспекторлар учун услубий қўлланма» тайёрланган ва чоп этилган. Шунингдек, барча академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун «Психологик ташхис дафтари» тайёрлаб нашр этилган. Бугунги кунда ана шу ташхис дафтари асосида ўқувчиларнинг руҳий ҳолатлари аниқланиб, таълим-тарбия жараёни яхшиланиб бормоқда.

Айни вақтда М.Махсудова «Педагогик мулоқотни ривожлантиришнинг психологик асослари» мавзусида докторлик диссертацияси устида илмий тадқиқот олиб бормоқда.



Психология фанлари номзоди, доцент М. Махсудованинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:




Наманган, 2000 йил



Наманган, 2004 йил



Услубий қўлланма.
Наманган. 2006 й.5,6 б.т



Ўқув қўлланма.Тошкент:
"Турон-иқбол".2006.6 б.т



Муаммоли маъруза
матни, Наманган, 2010 й.



Методик тавсия,
Наманган, 2010 йил



Маърузалар матни,
Наманган, 2011 йил



Маърузалар матни,
Наманган, 2015 йил



Наманган - 2009

Акаева Марапат Абдуҳаликовна

Юридик фанлари номзоди

Тарихий манбаларга эътибор берсак, ижтимоий ҳаётнинг бутун жабҳаларида турли кўринишдаги синовлар дунёни тебратувчи аёл бошида ҳам чарх урганлигига амин бўласиз. Аёл ва жамият масаласи тарихимиз силсилаларида ҳам ўз ютуқ ва камчиликларидан иборат бўлган. Аёллар гоҳо бутун салтанат тузугини қўлга олиб, жамиятнинг сардорларига айланган вазиятни кўрсак, гоҳо жабру жафолар гирдобига гирифтор бўлганлигини кўрамиз. Шарқда ҳукмдор, олима, шоира аёлларнинг тарихдаги ўрни беқиёсдир. Аёл қаҳрамонлик ва матонат тимсоли эканлигига ўтмишимизда кўп мисоллар бор. Ўзбек аёли ҳар бир даврда жамиятнинг ўзига хос уқубатли синовларида миллий, маънавий ва ахлоқий салоҳияти билан юксак ижтимоий нуфузга эга бўлган.



30 йилдан кўп вақтдан буён ёшларнинг ҳуқуқий билимлари ошишига катта ҳисса қўшиб келаётган олима Маърифатхон ҳам олий таълим даргоҳимизда алоҳида ўринга эга. Акаева Маърифатхон ёшларнинг ҳар бирида мамлакатимизни юксак тараққиётга етакловчи инсонларни кўради. Устоз уларни комил инсон этиб тарбиялаш учун бор кучи, билими, маҳоратини сарфлашга тайёр жонқур инсон. Қолаверса, у ёш авлоднинг илланувчан, мустақил фикрлайдиган, дадил ҳаракат қиладиган шижоатли шахслар бўлиб өтишиши учун астойдил ҳаракат қилади. Зеро, унинг ўзида ҳам ана шундай фазилатлар мужассам.

Акаева Марапат Абдуҳаликовна 1960 йил 3 сентябрда Андижон вилояти, Кўрғонтепа тумани, Кўрғонтепа ҚФЙ, Ижтимоят участкасида ишчи оиласида туғилган.

Отаси—Акаев Абдуҳолиқ 1927 йилда туғилган бўлиб, Кўрғонтепа электр корхонасида электрик бўлиб ишлаган, 2001 йилда вафот этган. Онаси—Акаева Турғуной, 1930 йилда туғилган, Кўрғонтепа тумани мактабгача тарбия муассасида ишлаган, 2007 йилда вафот этган.

М.Акаева оилали, бир нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи – Зайнобидинов Мўминжон, 1953 йилда туғилган, Тошкент шаҳри Ички ишлар бошқармасида ишлаган. 2010 йилда вафот этган.

Ўғли Зайнобидинов Мадийрбек, 1993 йилда туғилган. Ҳозирда Андижон Давлат Тиббиёт институтида таҳсил олмоқда. Уйланган.

Акаева Марапат 1967 йилда Қўрғонтепа тумани, 13-мактабни тамомлаб, 1987 йилда Тошкент давлат университетининг юридик факультетига ўқишга кирган ва шу университетни 1992 йилда тамомлаган.

1992-1998 йилларда Андижон давлат университети «Ҳуқуқшунослик» кафедрасида катта ўқитувчи, 1998-2003 йилларда Фарғона давлат университети «Хўжалик ҳуқуқи» кафедрасида катта ўқитувчи, 2003-2010 йилларда Наманган давлат университети «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедрасида катта ўқитувчи вазифаларида ишлаган.

2010-2011 йилларда Наманган давлат университети «Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси» кафедраси мудири лавозимида ишлаган.

2014 йилдан бери «Миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ асослари» кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишлаб келмоқда.

Ҳозирги кунда Миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ асослари йўналиши талабаларига «Ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш», «Халқаро ҳуқуқ, Хорижий мамлакатлар Конституциявий ҳуқуқи» фанларидан дарс бериб келмоқда. Ушбу фанлардан тайёрлаган маъруза матнлари, амалий машғулотлар учун ишланмалар, электрон ўқув-услубий мажмуалари ўқув жараёнига татбиқ этилган.

2001 йилда «Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида илмий-тадқиқот ишини ҳимоя қилган. 2007 йилда доцент илмий унвонини олган. Олима илмий-педагогик фаолияти давомида 1 та дарслик, 20 га яқин илмий, ўқув-услубий ишларини чоп эттирган.

Юридик фанлари номзоди М. Акаеванинг ўқув-услугий қўлланма ва тавсияларидан намуналар:



**Услугий қўлланма.
Наманган. 2007 йил.**



Дарслик. Тошкент. 2009 йил

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM VAZIRLIGI
Ўزбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги

М. Акаев

**Қишлоқ
хўжалик ҳуқуқи**
(Ўқув қўлланма)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM VAZIRLIGI
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги
2007

**Ўқув қўлланма.
Наманган. 2007 йил.**



**Ўқув-услугий қўлланма.
Наманган. 2014 йил. 84 бет.**



Раҳматова Хайрихон Аширалиевна

Педагогика фанлари номзоди, доцент



Раҳматова Хайрихон 1960 йил 7 сентябрда Наманган вилояти Поп туманидаги Ғурумсарой қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. Шу қишлоқдаги 16-сонли ўрта мактабда ўқиган ва Чуст педбилим юртига ўқишга кирган. У ерни 1979 йили намунали тамомлаб, ўзи ўқиган мактабда педагогик фаолиятини бошлаган. Ишдан ажралмаган ҳолда 1981 йил Фарғона давлат университетининг биология йўналишига ўқишга кириб тугатган. 1979 йилдан 2005 йилгача 16-мактабда педагогик фаолиятини олиб борган.

Раҳматова Хайрихон оилали. Турмуш ўртоғи Ғайбердиев Мўсинали Поп туман Меҳнат бўлимида инспектор вазифасида ишлаган. 1-қизи Турсунова Гулбахор Тошкент шаҳар Сирғали туман шифохонасида ҳамшира. 2-қизи Гулҳумор ўқитувчи, 3-фарзанди Севара Низомий давлат университети талабасидир.

1991 йили “Халқ маорифи аълочиси” бўлган. 1997 йилда “Шухрат” медали билан мукофотланган.

1991 йил Республикада ўтказилган педагоглар ўқиши-даги ёритган мавзуси ҳакамлар томонидан юқори баҳола-нади ва шу мавзуда илмий иш қилишга тавсия қилинади. Бошлаган илмий ишини 2005 йилда Қори Ниёзий номли илмий текшириш институтида “Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишлари жараёнида экологик-гигиеник тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан муваффақиятли якунлади. 2006 йил сентябрь ойидан Наманган давлат университети “Педагогика ва психология” кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифаларида ишлаб келмоқда.

Х.А.Раҳматова 1979 йилдан бери кўп мартаба Республика халқ таълими вазирлигининг, вилоят ва туман ҳокимликларининг, жами 30 дан ортиқ фахрий ёрлиқлари, дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланган.

Сўздан-сўзнинг фарқи бор, -деб бежиз айтишмаган. Ўз жигарбандларига айтган сўзларданда ҳаётий фикрлар айта оладиган олима Хайрихон келишларини интиқлик билан кутамиз. Йиғилишларимиз бошида айтадиган дуоларида ҳам ҳаётий тажриба уфуриб туради. Табиийки, йиғинларда умр йўлдошлар ҳақида гап кетса, Хайрихоннинг «Уйимизнинг чироғи», «Оилам устуни», «Ўртоғим» деб умр йўлдошини иззатлаши, кўнгилга йўл топишга талпинишлари ҳар қандай муз қалбларни ҳам эритиб юборади. Очиғи, бир-бирига муносиб жуфт, вафодор инсонлар, бир-бирига суюниб, бир-бирини соғиниб яшайдиган кишиларни бугун кўпроқ намуна қилиш керак.

Дарҳақиқат, жами фазлу афзалликлар, аввало, аёлдан бошланади. Аёлнинг эъзози турмуш ўртоғини жаҳлдан туширади. Аёлнинг сўзи-ўз яқинлари билан иноқлашишига сабаб бўлади. Фарзанд учун ота-онанинг хунук-чиройи, бой-камбағали бўлмаганидай, аёл эъзозлаб, авайлаб муомала қилса, содда рўзғорини «салтанатим» деб ҳаракат қилаверса, эрлар шижоатга тўлади, содда хонадон кошонага айланади. Бугун педагогика кафедрасида ҳам илмий, ҳам ташкилий, ҳам жамоат топшириқларини фидойилик билан бажариб келаётган олима Хайрихоннинг ҳар бир ишлари хайрли бўлмоқда.

Мустаҳкам оила йили муносабати билан «Намунали оила» мавзусида Наманган вилоят телевиденияси Х.А.Раҳматова оиласи ҳақида кўрсатув тайёрлади ва намойиш этди. У бир неча бор вилоят телевидениясида ташкил қилинадиган ахлоқий-таълимий мавзулардаги давра суҳбатларида иштирок этиб келади.

Х.А.Раҳматова Мустақил Ўзбекистонимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб камол топишида, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ишларда таълим тизими олдига қўйилаётган вазифаларни чуқур англаган ҳолда уни такомиллаштиришга муносиб ҳиссасини қўшиш билан биргаликда таълим жараёнлари самарадорлигини ошириб, Давлат Таълим Стандартлари талаблари асосида ўз педагогик ва илмий фаолиятини намунали ва меҳнат жамоасига ўрناк бўладиган тарзда амалга ошириб келмоқда.

Олима бугунги кунда бакалавр ва магистрларга «Умумий педагогика», «Педагогик маҳорат», «Педагогик валеология»,

"Таълим-тарбия назарияси", "Педагогик технология", "Шарқ ва ғарб педагогик фикрлар тараққиёти" каби фанлардан таълим-тарбия бериб келмоқда.

Х.А.Раҳматованинг ҳозирги кунга қадар 80 дан зиёд илмий мақолалари халқаро, республика миқёсидаги илмий журналлар ва илмий конференция тўпламларида чоп қилинган. Кўплаб илмий-услубий қўлланмалари, методик тавсиялари эълон қилиниб, нашр эттирилган. 10 дан ортиқ халқаро ва республика илмий анжуманларида маъруза қилган. Унинг "Экология ва саломатлик" (1996), "Табиат омиллари ва инсон саломатлиги" (2008), "Проблемы здоровья учащихся молодёжи" (2014), "Педагогика" (2014), "Педагогик технология" (2014) каби услубий қўлланмалари чоп этилган.

Педагогика фанлари номзоди, доцент Х.Раҳматованинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



Ўқув-услубий қўлланма. Ҳамкорликда
Тошкент. 2008 й.
5,25. б.т.



Изоҳли лугат. Ҳамкорликда. -Тошкент: "Наврўз",
2014 й. 17 б.т.



Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент.
2014 й. 8,2 б.т.



Изоҳли лугат. Ҳамкорликда.
-Т.: "Наврўз",
2014 й. 7 б.т.



**Абдуллаева Маъсуда
Абдубаннаевна**

*Педагогика фанлари номзоди,
доцент*



Таълим-тарбия берилувчи даргоҳлар-олийгоҳлар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва мактабларга фидойи муаллимлару муаллималар файз бахш этиб туришади, десак асло адашмаймиз. Биргалиқда фаолият юритаётган жамоаси, шогирдлари камолитдан қувониб яшовчи инсонлар туфайли, демакки, халқ манфаатини ўз манфаатларидан юқори тутувчилар туфайли билим масканлари ривожланади. Ана шундай инсонлардан бири Маъсудахон Абдуллаева бугунги кунда Наманган вилоятида алоҳида нуфузга эга бўлган университетда фаолият кўрсатади.

Абдуллаева Масудахон 1960 йил 27 декабрда Наманган вилояти Уйчи тумани Соқу қишлоғида зиёли оиласида туғилган. 1968-1976 йилларда Уйчи туманидаги 23-сонли ўрта мактаб ўқувчиси, 1976-1980 йилларда Наманган пед. билим юрти талабаси бўлган. 1980 йилда Низомий номли Тошкент пед. институтига ўқишга кирган. 1985 йилда ўқишни тамомлаб, Уйчи туманидаги 1-сонли болалар боғчасига мудиралик вазифасига тайинланган.

1996 йилда Наманган давлат пед.институтининг ўқув бўлими инспектори вазифасида иш бошлаган. 1999-2004 йилларда Педагогика ва жисмоний маданият факультети деканининг ўқув ишлари бўйича муовини лавозимида ишлаган. 2011 йилдан Педагогика-психология кафедрасида катта ўқитувчи, 2012 йилдан доцент вазифасини бажарувчи, 2013 йилдан доцент вазифаларида ишлаб келмоқда.

М.Абдуллаева оилали, 5 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Абдуллаев Содиқжон ҳозирда Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида уролог врач бўлиб ишлайди. Қизи Абдуллаева Нилуфар ҳозирда НамДУнинг ўқув бўлимида назоратчи лавозимида, ўғли Абдуллаев Дилмурод ҳозирда НамДУнинг жисмоний маданият ва спорт кафедрасида ўқитувчи лавозимида, 2-қизи Абдуллаева Наргиза Наманган шаҳар

тиш даволаш касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлайди. 3-фарзанди Абдуллаева Нигора ҳозирда НамДУнинг мусиқий таълим бўлими талабаси, ўғли Маҳмудов Муҳаммадкарим ҳозирда АндУнинг Даволош факультетида ўқийди.

М.Абдуллаева 1998–2002 йилларда НамДУ қошидаги аспирантуранинг 13.00.01–педагогика назарияси ва тарихи мутахассислиги бўйича таҳсил олди. 2009 йил 12 мартда Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида К.113.20.01 рақамли ихтисослашган кенгашда номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. М. Абдуллаева ёзган диссертациянинг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда республикамізда мактабгача тарбия ёшидаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш шахсни маънавий-интеллектуал ривожлантириш омили сифатида тадқиқ этилган, шунингдек, болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш масаласи психологик ва педагогик муаммо сифатида тадқиқ этилиб, бу жараённинг назарий асослари, дидактик принциплари ҳамда педагогик шарт-шароитлари ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари асосида бадиий-ижодий соҳаларга болаларнинг ижодий мойилликлари, лаёқатлари ва қизиқишлари илмий асосланган. Тадқиқот натижалари мактабгача таълим амалиётини янги педагогик ёндашувлар, мазмун ва методика билан бойитади. Ундан фарзандларини оила шароитида мактаб таълимига тайёрлаётган ота-оналар, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимида мактабгача таълимдан ўқитиладиган маърузалар, амалий машғулотларда, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари ходимлари малакасини ошириш жараёнида самарали қўлланиши мумкин.

Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди Абдуллаева Масуда Абдубаннаевнанинг 90 дан ортиқ изланишлари матбуотда эълон қилинган. “Оилада мактабгача таълим ёшидаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш” (“Наманган” нашриёти. 2009 йил. 5.2 б.т.), Юсупов Н., Қамбаров М.лар билан ҳамкорликда “Педагогика назарияси ва тарихи” фанидан муаммоли маърузалар матни. 1-2 қисм. (“Наманган” нашриёти. 2005 йил. 6.8 б.т.) М.Хайитбоев, Ў.Асқарова билан ҳамкорликда “Таълим тарихи” номли ўқув қўлланма (Т.2013 й.7,5 б.т.),

У.Асқарова, М.Болтаевалар билан ҳамкорликда 2014 йилда “Андрогогика асослари” номли ўқув қўлланма, “Мактабгача таълим ёшидаги бола лар да эстетик тасаввурларни шакллантириш”(“Наманган” нашриёти, 2014 йил. 4 б.т.) номли методик қўлланмаларни яратган.

Педагогика фанлари номзоди, доцент М. Абдуллаеванинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



Услубий қўлланма.
Наманган 2009 й. 5.2 б.т.




Ўқув қўлланма.
Ҳамкорликда, Тошкент,
2013 й. 7.5 б.т.



Методик қўлланма.
Наманган. 2014 й. 4 б.т.



Услубий қўлланма.
Наманган. 2014 й. 5.2 б.т.



Методик қўлланма.
Наманган. 2014 йил.



Абдиева Ойжамол Тошбоевна **Педагогика фанлари номзоди, доцент**

Хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият соҳасида фаоллигини оширишга қаратилган Фармон ва қарорларнинг ижроси кўп жиҳатдан аёлларнинг онги, тафаккури, интеллектуал салоҳияти даражасига боғлиқ. Уларнинг илм-фан сирларини пухта эгаллашлари, шу тариқа ўз қобилиятлари ва имкониятларини жамият тараққиёти учун йўналтиришлари халқ, миллат, мамлакат келажаги йўлида ижтимоий фаол бўлиш гаровидир. Ўз қобилият ва имкониятларини жамият тараққиёти учун йўналтираётган олималардан бири О.Абдиевадир.



Абдиева Ойжамол 1961 йил 30 январда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Заркент қишлоғида туғилган.

1968-1978 йилларда Янгиқўрғон тумани Заркент қишлоғидаги 30-ўрта мактабда ўқиган. 1978 йил март ойида Бухорода ўтказилган Республика мактаб ўқувчилари олимпиадасида тарих фанидан фахрли II даражали диплом билан тақдирланган.

1980-1985 йилларда Тошкент давлат университети Биология - тупрқшунослик факультетининг биология йўналишида таҳсил олган ва йўлланма билан Наманган Давлат педагогика институтига ишга қабул қилинган. Биология кафедрасида катта лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, факультет хотин-қизлар қўмитаси раиси, маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари, кафедра мудирининг лавозимларида ишлаб келган.

1992-1994 йилларда Москва давлат педагогика университетида стажёр тадқиқотчи бўлиб фаолият олиб борган.

1995-1998 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти аспирантурасида ўқиган ва 1998 йилнинг майида Ўзбекистон Фанлар Академияси Педагогика илмий тадқиқот институтининг Бирлашган ихтисослаштирилган илмий кенгашида “Экологик мазмундаги мустақил ишлар жараёнида ижодий фаолликни шакллантириш” мавзусида “Биология

ўқитиш методикаси - 13.00.02" ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

2002 йили (Устоз) Истеъдод жамғармаси гранти билан Хитой халқ республикасида "Қузиқорин етиштириш технологияси" бўйича халқаро малака ошириш курсида, 2012 йили декабрь ойида Малазияда малака оширишда бўлган. 2002 йили Хитойнинг Фужо провинциясида экологияга бағишлаб ўтказилган халқаро симпозиумда иштирок этган.

2007 йили доцент илмий унвонини олган.

2009-2014 йилги сайловларда республика экоҳаракат депутатлигига делегат этиб сайланган. Ҳозирги кунда вилоят экоҳаракат гуруҳи эксперти сифатида фаолият олиб боради. Шу билан бирга О. Абдиева факультет иқтидорли ёшларига раҳбарлик, биологиядан талабаларнинг республика олимпиадаларига раҳбарлик, факультет битирувчи курс талабаларининг педагогик амалиётига умумий раҳбарлик ҳамда битирув-малакавий ишларига илмий раҳбарлик каби ишларни сифатли бажаради.

О.Абдиева бир неча марта Наманган вилояти ва Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан жамоат ишларидаги фаоллиги учун Фахрий ёрлиқ билан тақдирланган.

О.Абдиева оилали. Бир нафар фарзанди бор. Қизи Азизова Нилуфар вилоят Адлия бошқармасида ишлайди. Ойжамол исми жисмига мос Ширинойнинг сеvimли бувижонисидир.

Абдиева Ойжамол Тошбоевна 1та ўқув қўлланма (Давлат грифи билан), 1 та электрон ўқув-услубий қўлланма, 4 та ўқув-услубий қўлланма ва кўрсатмалар чоп эттирган. 60 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар ёзган. Улардан 2 таси чет элда, 5 та ОАК эътироф этган журналларда, 3 та Халқаро ва 30 та Республика илмий-амалий конференция тўпламларида босилган.

О.Абдиеванинг замонавий информацион технологиялар билан мукамал ишлай билиши унга фанларни ўқитишда илғор замонавий педагогик технологияларни фаол қўллаш имкониятини бермоқда ва у буларни самарали амалга оширмоқда.

Олима изланувчан, ташаббускор ва тўғри сўз инсон бўлиб, талабаларнинг меҳрибон ва жонкуяр мураббийсидир. Республикамизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларни ва ўқув-тарбиявий ишлар жараёни сифатини оширишда хизмат қилишни ўзининг устивор мақсади деб билади.

Педагогика фанлари номзоди, доцент О.Абдиеванинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



**Услубий қўлланма.
Наманган. 2004. 1,3 б.т.**




**Ўқув қўлланма. Ҳамкор-
ликда. Тошкент "Турон
иқбол" нашриёти. 2006 й.**



**Услубий кўрсатма.
Наманган. 2007 йил.**



**Услубий кўрсатма.
Наманган. 2012 й. 1,5 б.т.**



**Услубий қўлланма.
Наманган. 2012. 1,3 б.т.**



**Услубий қўлланма.
Наманган. 2015. 4 б.т.**



Чжен Елена Витальевна

Педагогика фанлари номзоди, доцент

Елена Витальевна Чжен 1961 йил 10 апрелда Учқўрғон туманида туғилган. 1982 йили Наманган Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини аъло баҳоларга битирган.

Меҳнат фаолиятини 1982 йилдан бошлаган.

1982-1985 йилларда Наманган давлат педагогика институти «Рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси» кафедрасида ўқитувчилик қилган.

1985-1986 йилларда Наманган давлат педагогика институтида изланувчи-тадқиқотчи бўлган.

1986-1989 йилларда Ленинград давлат педагогика институти аспирантурасида ўқиган.

1989-1994 йилларда Наманган давлат университети «Рус тили ўқитиш методикаси» кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган.

1994-1996 йилларда «Чет эл адабиёти» кафедраси доценти сифатида фаолият кўрсатган.

1996-1998 йилларда Наманган давлат университети қошидаги «Тил ўргатиш маркази» директори, 1998-1999 йилларда «Тил ўргатиш маркази» методисти вазифаларида ишлаган.

1999-2007 йилларда «Рус тили ва адабиёти» кафедраси доценти бўлган.

2007-2013 йилларда «Рус тили ва адабиёти» кафедрасини мудир сифатида маҳорат билан бошқарган.

2013 йилдан ҳозирга қадар «Рус тили ва адабиёти» кафедраси доценти вазифасида ишлаб келмоқда.

"Рус тили ва адабиётини мактабларда байналминал руҳда ўтиш муаммолари" мавзусида номзодлик диссертация-сини 1990 йилда муваффақиятли ҳимоя қилган ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олган.



Олима адабиёт ўқитиш методикаси бўйича маъруза курсини, амалий ва лаборатория ишларини олиб боради. Талабаларнинг педагогик амалиёт ишларига раҳбарлик қилади, унинг бошчилигида талабалар диплом ишларини муваффақиятли ҳимоя қилмоқдалар. Ҳар йили олий ўқув юртлариаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этади.

Касб танлаш, аввало, ота-она ва оила маслаҳатлари билан, қолаверса юрак даъвати билан боғлиқ. Еленанинг ота-оналари ёшлигиданоқ қизларидаги илмга чанқоқликни рағбатлантиришга ҳаракат қилишди, яхши ўқиши, китоб мутолаа қилиши учун шароит яратиб беришди. Бола тарбияси оиладан бошланади. Мактабда ривожлантирилади. Бунинг учун, аввало, ота-она аҳил, иззату-ҳурматда, одобу-ахлоқда фарзандларига намуна бўлишлари даркор. Елена шундай оилада вояга етди.

Тинмай ўқиш, изланишлар туфайли йилдан-йилга тажрибаси ортиб борди. Мана, 30 йилдан ошдики, у ёш авлодга одоб-ахлоқ беради, қалбидаги эзгу туйғуларини улар билан баҳам кўриб келмоқда.

Одатда кишиларнинг қилган ишига ёки гапирган гапига қараб унга баҳо беришади. Елена Витальевна Чженнинг қилган иши ҳам намунали, таҳсинга лойиқ. Топширилган ишни зарурат ва эҳтиёж юзасидан эмас, балки сидқидилдан, ихлос билан бажаради.

Е.В.Чжен илмий-амалий мазмундаги кўплаб мақолалар муаллифидир. Унинг кўпгина ишлари Москва, Бишкек, Наманган ва бошқа бир қатор шаҳарлардаги газета-журналларда, тўпламларда чоп этилган. Унинг бутун меҳнат фаолияти талабаларга рус тили ва адабиёти фанини чуқур ўргатишга бағишлангани билан диққатга сазовордир.



Казакбаева Саодат Иномджоновна

Педагогика фанлари номзоди, доцент

Казакбаева Саодат Иномджоновна 1963 йилнинг 13 ноябрида Наманган вилояти, Наманган шаҳрида, зиёлилар оиласида туғилган. 1971 йил Наманган шаҳридаги 7-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга қабул қилинган. 1981 йили шу мактабни "олтин медал" билан тамомлаб, шу йили Наманган давлат пед. институти рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирган. 1986 йили ўқишни битириб ва рус тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасида ўқитувчи лавозимида иш бошлаган. 1992-1994 йиллари Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллар университети аспирантурасининг сиртқи бўлимига ўқишга қабул қилинган ва аспирантурани 1999 йили тамомлаган. Аспирантурада ўқиш давомида "Формирование национально-культурного уровня коммуникативной компетенции у студентов-узбеков факультета русской филологии" (на материале речевого этикета) мавзусида илмий иш олиб борган. 2000 йил 17 март куни 13.00.02- Рус тили ва адабиёти ўқитиш назарияси ва услубиёти ихтисослиги бўйича педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилган. «Рус филологияси факультетида таҳсил олаётган ўзбек миллатига мансуб талабаларда миллий-маданий алоқа компетенция даражасини шакллантириш (сўзлашув маданияти манбалари асосида)» деб номланган диссертация асосида Ўзбекистон Олий ўқув юртларида рус тилини мутахассислик тили сифатида ўқитиш амалиётида рус филологияси факультетида таҳсил олаётган ўзбек миллатига мансуб талабаларда миллий-маданий алоқа компетенция даражасини (сўзлашув маданияти асосида) шакллантириш мақсади ётади. 1-боб «Рус тилининг алоқа компетенциясидаги миллий-маданий даражасини аниқлашнинг лингводидактик асослари» деб номланади. Ушбу бобда лингводидактиканинг маданиятга ва тилнинг ижтимоий моҳиятига бўлган муносабати; ўрганувчилар аудиториясининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг миллий-маданий даражасини шаклланти-



риш; рус тилини ўрганишда билиш стимуллари тарбиялаш; рус ва ўзбек тилларини қиёсий таққослаш асосида нутқ маданиятининг айрим меъёрий хусусиятларини ўрганиш кўриб чиқилган. Тадқиқотнинг 2-бобида рус филологиясида таҳсил олаётган ўзбек талабаларининг миллий-маданий алоқа компетенция даражасини шакллантириш тавсиф қилинган. Бу бобда олий ўқув юртлардаги дастур ва ўқув қўлланмаларнинг ҳозирги аҳволи атрофлича таҳлил этилган; миллий маданиятга оид манбалар танланган ва уларни танлаш принциплари аниқланган; таълим жараёнида фойдаланиш учун сўзлашув маданияти мезонлари ишлаб чиқилган ва мезон асосида матнлар тизими танлаб олинган; шунингдек, ушбу матнлардан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган ва тажрибада синалган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллар университети қошидаги ихтисослашган кенгашнинг тавсиясига кўра, 2000 йил 26 октябрида педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Казакбаева Саодатхон оилали, 2 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Авазов Насимжон ҳозирда хусусий тадбиркор. Ўғли Абдуллаев Нурбек ҳозирда Наманган шаҳар ҳокимлиги ташкилий бўлимида ишлайди. Қизи Авазова Шоҳида табиёт коллежини битириб ишламоқда.

1996 йилдан катта ўқитувчи, 1998-1999 йиллари амалиёт бошлиғи лавозимида, 2002-2006 йилларда рус тили ва адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси, 2006-2009 йилларда шу кафедраси доценти, 2009-2010 йилларда Ўзбек ва рус тиллари факультети маънавият бўйича декани ўринбосари, 2010-2013 йилларда рус тили ва адабиёти кафедраси доценти, 2013- 2014 йилларда рус тили ва адабиёти кафедраси мудири вазифасини бажарувчи ва 2014 йилдан ҳозирги вақтгача кафедра доценти лавозимларида ишлаб келмоқда. Унинг раҳбарлигида инглиз тили йўналиши талабаси Асадова Райхона 2012 йили Республика фан олимпиадасида рус тили бўйича фахрли 3–ўринни эгаллади.

Ҳозирги давргача 60 дан ортиқ илмий ва илмий–услубий мақолалар чоп этирган. Улардан 35 дан ортиғи диссертация ҳимоясидан кейин эълон қилинган. Илмий мақолалари ва тезисларидан 2 таси халқаро, 21 таси республика, 9 та вилоят

миқиёсидаги конференциялар материаллари тўпламларида, 4 методик қўлланма ва 1 ўқув-услубий қўлланма чоп эттирган.

Педагогика фанлари номзоди, доцент С.Казакбаеванинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



Методическое указание.
Наманган, 2002.– 64 с.



Методическое указание.
Наманган, 2003.- 22 с.



Учебное пособие.
Наманган, 2004.-210 с.



Методические указания.
Наманган, 2007.– 32с.



Методическое пособие.
Наманган, 2008.– 46с.



Методическое пособие.
Наманган, 2003.–18 с.



Асқарова Уғилой Мамашокировна

*Педагогика фанлари номзоди,
Доцент*

Асқарова Уғилой 1965 йил 5 мартда Андижон вилояти, Избоскан туманида туғилган.

1985-1988 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти талабаси бўлган.

1988-1994 йилларда Наманган давлат педагогика институти “Умумий педагогика” кафедраси ўқитувчиси, 1994-1997 йилларда Наманган давлат университети аспиранти бўлган. 2003 йилгача катта ўқитувчи вазифасида ишлаган.

2002 йил 29 январда педагогика фанлари доктори, профессор А. Мунавваров раҳбарлигида «Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик асослари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

2005-2011 йилларда “Педагогика ва психология” кафедраси мудирининг лавозимида фаолият кўрсатди. 2015 йилдан ҳозиргача “Педагогика ва психология” кафедраси доценти вазифаларида ишлаб келмоқда.

Уғилой оилали. 4 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Жаббаров Зокиржон Наманган вилоят Тафтиш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлайди. 1-қизи Жаббарова Дилдора Наманган давлат университети ўқитувчиси, 2-қизи Дилфуза Тошкент тиббиёт институтини тугатган. 3-фарзанди Дилшода НамДУ талабаси, ўғли Муҳаммадсодиқ коллеж ўқувчиси.

Ҳаётда бир тану жонида ҳам гўзаллик, ҳам латифлик, ҳам иродалилик, ҳам одоб-ахлоқу ақл-фаросатни ҳам этиб яшаётган, жамиятимизнинг гуллаб-яшнашида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Уғилой сингари аёллар бор экан, ҳаётимиз, таълим-тарбиядаги ишларимиз доимо мунаввар бўлади.

Бу олимаимизнинг яхши жиҳатлари кўп. Шулардан бири-ниҳоятда яхши нотиқликларидир. Бир зумда ҳамманинг диққат-эътиборини торта олади. Мазмунли сўзлаши, танқидни ҳам беозор қилчиб етказа олиши, нутқининг ширадорлигини ҳавас




қиламиз. Унинг мулоҳазали жавобларига, ҳар қандай жамоада яқдил бўлишга чақиришларига кўп бор гувоҳ бўламиз. Ўғилой даврага кириши билан ўзгача шукуҳ ва файз пайдо бўлади. Сўзи билан аъмоли бир, сабоқхоналарни муқаддас деб билувчи, дарс бериб роҳат топа олувчи, билганларини ўргатганидан қувонувчи инсон билан замондош, суҳбатдош, касбдош бўлганимизга шукрона келтирамиз.

“Инсон қандай фазилатлар соҳиби бўлиши лозим, ўқитувчи одоби, ташқи қиёфаси қандай бўлиши керак” каби саволлар берилса, энг аввало, Ўғилой номини тилга оламиз. Ундаги ўзига хос яна бир жиҳат шуки, устозларини ҳар доим меҳр билан тилга олади, иззат-эҳтиром кўрсатади. Ўз нафсониятини қадрлаган ҳолда бошқа кишиларнинг иззат-нафсини, ҳурматини жойига қўя олади. “Муқаммал инсон қандай бўлиши лозим?” дейилса, яна Ўғилойни кўрсатамиз. Бағрикенглик, заҳматкашлик, камтаринлик бу олимани бизга янада улуғвор кўрсатади. Кўп йиллик педагогик фаолияти давомида ҳам билимдон ўқитувчи, ҳам дидли аёл, сувратию сийрати нурли инсон сифатида ўзига хос мактаб яратган устознинг сафдошлари, шогирдлари, ҳамкасблари, суҳбатдошлари у киши ҳақида ҳамisha илиқ сўзларни айтиб юришлари Ўғилойдек бўлишга ҳавас пайдо қилади.

Олима Ў.Асқарова илмий-тадқиқот мавзусига оид 60 номдан ортиқ илмий, услубий мақолалар, услубий кўрсатма ва ўқув қўлланмалар муаллифи. Вазирлик грифи асосида 2005 йил “Истиқлол” нашриётида “Педагогикадан амалий машқлар ва масалалар” ўқув қўлланмаси, 2008 йилда “Талқин” нашриётида “Педагогика” дарслиги, 2013 йили “Муҳаррир” нашриётида “Таълим тарихи” ўқув қўлланмаси чоп этилган. Илмий-тадқиқот иши бўйича “Миллий ғурур тарбияси”(2003), Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизими”(2010) монографиялари нашр қилинган. “Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизими” мавзусида докторлик диссертациясини яқунлаш ва ҳимоя қилиш арафасида.

Педагогика фанлари номзоди, доцент Ў.Асқарованинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



Монография



**-Тошкент: "Ўқитувчи".
2003 йил. 7.8 б.т.**



**Ўқув қўлланма.-Тошкент:
"Меҳнат" 2004 йил. 118
бет. 7.2. б.т.**



**Ўқув қўлланма:-Тошкент:
"Истиқлол" 2005 й. 7.2
б.т.**



**Дарслик. Ҳамкорликда. –
Тошкент: "Талқин". 2008
йил 18 б.т.**



Тошкент. 2010 йил



**Ўқув-услубий қўлланма.
Ҳамкорликда. Наманган.
2012 йил. 5.2 б.т.**



**Изоҳли луғат. Ҳамкор-
ликда.-Тошкент:
"Наврўз". 2014 йил. 16.7
б.т.**



**Изоҳли луғат. Ҳамкор-
ликда.-Тошкент:
"Наврўз". 2014 й. 6.75
б.т.**

Шаамирова Юлдузхон Кабильджановна

Педагогика фанлари номзоди, доцент

Шаамирова Юлдузхон 1965 йил 18 майда Тошкент шаҳар Куйбишев туманида хизматчи оиласида туғилган.

1988 йил Наманган давлат пед. институтнинг бошланғич таълим методикаси бўлимини битирган.

1999-2003 йилларда Республика "Оила илмий-амалий" марказининг аспирантура бўлимига ўқишга кириб, уни муваффақиятли якунлаган. Ўқиш даврида "Нотўлиқ оилаларда ўсмирларни миллий-маънавий тарбиялаш" мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий иш олиб борган. 2006 йил 28 сентябрда Педагогика назарияси ва тарихи йўналиши бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. "Нотўлиқ оилаларда ўсмирларни миллий-маънавий тарбиялаш" мавзусидаги диссертациясида нотўлиқ оилаларда ўсмирларни миллий-маънавий тарбиялаш муаммоси тарихий-қиёсий таҳлил этилган, бу борада амалиётдаги аҳвол ўрганилган, илғор тажрибалар умумлаштирилган. Нотўлиқ оилаларда ўсмирларни миллий-маънавий тарбиялашнинг мазмуни, самарали шакл ва услублари аниқланган. Нотўлиқ оилаларда ўсмирларни миллий-маънавий тарбиялашда мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигининг афзал услублари аниқланган, нотўлиқ оилаларда ўсмирларни миллий-маънавий тарбиялаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-назарий, илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Юлдузхон оилали, 3 нафар фарзанди, келини ва 1 нафар набираси бор.

2011 йил ноябрь ойи кафедра мудирини вазифасида ишлаб туриб, республика миқёсида "Бошланғич таълим муаммолари ва ечимлари" мавзусида анжуманни ташкил этди ва 125 та мақолани қамраб олган тўплам ҳам нашр эттирган. Ушбу анжуман "ФОРУМ ТВ" телеканалидан 17 та давлатга намойиш этилган. 2014 йил 12 мартда НамДУ қарори билан 58 босма табоқли 5 қисмдан иборат "Алифбо" номли дарс ишланмалари тўпламини чоп эттирган. 2014 йил декабрь ойи Республика



болалар ижтимоий мослашув Маркази хузуридаги илмий-методик Кенгаши қарорига асосан, вазирлик грифи билан "Нотўлиқ оилаларда ўсмирлар тарбияси" номли 2.75 босма табоқли методик қўлланмаси чоп этилди. 2014 йили Республика "Бошланғич таълим" журнали билан самарали ижодлари ва ҳамкорлиги учун фахрий ёрлиқ билан тақдирланган.

2009-2014 йиллари "Ойдин Ҳаёт"-Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш маркази Наманган вилоят бўлими-ННТ раҳбари бўлиб ишлаган. Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини амалга ошириш учун эълон қилинган лойиҳада иштирок этиб, 2011 йил Олий Мажлис Парламент Комиссиясининг 15.000.000 сўм грант маблағини қўлга киритган, ишчи ўринларни ташкил этган. Лойиҳани муваффақиятли яқунлаган.

33 йиллик иш фаолияти даврида Наманган шаҳар ХТБ га қарашли умумтаълим 7, 35, 49, 41 мактабларида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб, 1991–2002 йиллар НВЎМОҚТ институти бошланғич таълим бўлими методисти бўлиб; 2002 йилда Наманган вилоят Халқ таълим бошқармасининг мониторинг бўлими етакчи мутахассиси бўлиб; 2002 йилдан ҳозирги давргача Наманган Давлат университети педагогика факультети бошланғич таълим методикаси кафедрасида ишлаб келяпти. Иш фаолияти даврида кўплаб шогирдлар чиқарган. Жумладан, Раҳимова Меҳрибон, Қирғизов Нуриддин, Шерматова Маҳфуза, Хўжамбердиева Шаҳнозалар бакалавр ва магистратурани имтиёзли дипломга битириб бугунги кунда Бошланғич таълим методикаси кафедрасида устоз билан ёнма-ён, Расулова Нилуфар Тошкент Жаҳон тиллари институтининг педагогика ва психология кафедрасида ишламоқдалар. Шогирдлардан Миржалолова Марғуба Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган "Устоз-шогирд" анъаналари танловида ғолиб чиқиб, "Олий ўрин"ни эгаллаган, 2005 йилда республика миқёсидаги "Йил ўқитувчиси" танловида ғолиб бўлган. Унинг Республика миқёсидаги жами 40 дан ортиқ мақолалари, ОАК тасарруфидаги журналларда 18 та, 3 та халқаро конференциянинг тўпламида, 2 та методик қўлланмалари чоп этилган.

**Педагогика фанлари номзоди, доцент Ю.Шаамированинг
ўқув-усlubий қўлланма, тавсияларидан намуналар:**



**Услубий қўлланма.
Наманган. 2012 й.**



**Услубий қўлланма.
Тошкент. 2014 й.**



Дарс ишланмалар.2014.



Дарс ишланмалар.2014.



Дарс ишланмалар.2014.



Дарс ишланмалар.2014.



Дарс ишланмалар.2014.



Дарс ишланмалар.2014.



Абдуллаева Шоира Хамидовна

Психология фанлари номзоди



Абдуллаева Шоира 1967 йилнинг 11 июнида Наманган вилояти Наманган шаҳрида зиёли оилада таваллуд топган. Мактабни тугатгач, 1984 йилда Наманган давлат педагогика институтига ўқишга кирган. Мазкур институтни 1989 йилда имтиёзли диплом билан тугатган.

1998-2000 йилларда Наманган давлат университетининг аспирантурасида ўқиган. 2000-2001 йилларда “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси Наманган давлат университети таянч пункти директори вазифасида ишлаган. 2001-2002 йилларда Наманган давлат университетининг “Умумий педагогика” кафедраси ўқитувчиси лавозимида ишлаган. 2003-2005 йилларда Наманган давлат университетининг халқаро алоқалар бўлими бошлиқ ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатган.

2005-2012 йилларда Наманган давлат университетининг “Педагогика ва психология” кафедраси ўқитувчиси, 2012 йилдан буён мазкур кафедранинг катта ўқитувчиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Абдуллаева Шоира оилали. Турмуш ўртоғи Бойдадаев Баҳодиржон хусусий тадбиркор. 1-ўғли Муродуллаев Дилшодбек Молия вазирлигида мутахассис бўлиб ишлайди. 2-фарзанди Муродуллаева Севара Наманган давлат университетининг магистратурасини тугатди. 2-ўғли Муродуллаев Дилмурод Австриядаги иқтисод йўналиши олийгоҳида ўқимокда. 3-ўғли Дониёрбек Тошкент шаҳридаги 60-ўрта мактаб ўқувчиси.

Шоирахон фарзанд тарбияси борасида ҳам жуда катта маҳоратга эга. Турмуш ўртоғи билан биргаликда барчага намуна бўла оладиган, ҳавас қилса арзийдиган, ҳозир комил инсонлар деб таърифлаш мумкин бўлган фарзандларни тарбиялашди. Уларнинг олий маълумотли мутахассис бўлишлари, ёшларимизнинг энг илғор вакилларидан бири бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришди. Олима Шоирахон учун фарзанд тарбияси билан боғлиқ

масалаларда иккинчи даражали вазифанинг ўзи йўқ. Янгиликларни тез ўзлаштириб олади ва ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилади. Тартиблилик, мақсадга интилувчанлик, қатъиятлилик каби сифатлар уни таълим муассасасининг энг фаол ва илғор мураббий даражасига эришишига имкон яратди. Ёшларнинг сеvimли устози, маслаҳатчиси, жонкуяр педагог сифатида намоён бўлди.

Ш.Абдуллаеванинг 30 номдан ортиқ илмий мақола ва тезислари мавжуд. 14 таси Республика илмий-амалий конференциялари материаллари, 2 та чет эл конференцияларида, 10 та илмий журнал ва тўпламларда чоп этилган.


Инсон, унинг баркамоллиги, жамият тараққиётига бевосита таъсири масаласи ўта долзарб ва муҳим муаммолар қаторидан жой олди. XX асрва XX1 аср бошларида эришилган ютуқлардан энг муҳими шу бўлдики, инсон ўз ақл-идроки, тафаккури ва ижодий салоҳияти билан мураккаб техника, электроника ва бошқа шунга ўхшаш глобал технологияларни кашф этди. Лекин шу билан бирга ана шундай мураккаб технологияларни яратган инсон ва унинг ҳаёти билан боғлиқ муаммолар камаймади. Вақти келганда, шундай далилларга тўғри келамизки, мураккаб электрон техникани яратган ўта ақлли инсон ўзи ва ўз атрофидагиларнинг руҳий кечинмаларини тўғри баҳолай олмаслиги сабабли, ўзини ночор ва кучсиз сезиши мумкинлигини ҳаёт исботлади. Олиманинг тадқиқотларида инсон психологиясини билиш, ўз иқтидорини намоён қилиш, ҳар қандай ёш даврда ҳам оптимал равишда ишга яроқлиликни, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрликни таъминлаш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш муаммосини илгари суради.

Олима рус тилида эркин сўзлашади, инглиз тилини яхши билади. Компьютер технологияларини яхши эгаллаган. Жамоат ишларида фаол иштирок этади.

“Психологические особенности учителей общеобразовательных школ” мавзусида номзодлик диссертация ишини 2012 йилда муваффақиятли ҳимоя қилган. Бугунги кунда “Педагог профессионал компетентлигини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари” мавзусида докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Мавзу номи Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссияси бюллетенида ҳам эълон қилинди.

Психология фанлари номзоди Ш. Абдуллаеванинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



Методик тавсия.
Наманган. 2014 йил.
7,5 б.т.



Методик тавсия.
Наманган. 2014 йил.
3,5 б.т.



Монография. Наманган.
2014 йил. 4,8 б.т.



Услубий қўлланма.
Наманган. 2014 йил.



Методик тавсия.
Наманган. 2014 йил.



Ўқув-услубий қўлланма.
Ҳамкорликда. Наманган.
2014 йил.



Исақова Замирахон Руҳитдиновна

Фалсафа фанлари номзоди, доцент

Исақова Замирахон Руҳитдиновна 1970 йил 14 январда Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Сайрам қишлоқ фуқаролар йиғини Еттикон маҳалласида ишчи оиласида туғилган.

Исақова Замирахон 1977-1987 йилларда Тўрақўрғон туманидаги 4-ўрта мактабда ўқиди. 1987 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) фалсафа-иқтисод факультетининг фалсафа (кундузги) бўлимига ўқишга кирди. 1992 йилда мазкур университетни муваффақиятли якунлаб, "файласуф. фалсафа ўқитувчиси" мутахассислигига эга бўлди. Мەхнат фаолиятини 1992 йилда Наманган саноат-технология институти "Фалсафа" кафедрасида кабинет мудирининг вазифасида бошлади. 2003 йилда Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги бизнес мактаби катта ўқитувчиси, 2004 йилда Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедраси ассистенти, 2006 йилда "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси, 2008 йил 2 сентябрдан кафедра доценти бўлиб ишлади.

2013 йилдан Наманган давлат университети "Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, фалсафа" кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

Замирахон оилали, уч нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Мавлонов Тожибой Тўрақўрғон тумани "Оҳангар" А.Ж.да муҳандис бўлиб ишлайди. Қизи Тожибоева Зилолахон Андижон давлат тиббиёт институтининг педиатрия йўналиши талабаси. 2-қизи Тожибоева Муштарийбону Наманган давлат университети хорижий тил ва адабиёти йўналиши талабаси. 3-қизи Тожибоева Машҳурабону Наманган вилояти 18-ДИМИ (Тиллар лицейи) ўқувчиси.

Исақова З. 2007 йил 11 декабрь куни Тошкент ислом университети Ихтисослашган илмий кенгашида филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов раҳбарлигида "Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг



диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари асосида)” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссертациянинг илмий аҳамияти шундаки, Валийларнинг диний-фалсафий ва ирфоний қарашларини ўрганиш тасаввуф таълимоти, унинг тадрижий ривожини, тарихий негизларини чуқур англашга ёш авлоднинг аждодлар маънавий меросини ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда самарали ёрдам беради.

Замирахон одамларга фақат яхшиликни кўзлайди. Қаерда нохуш воқеа-ҳодисани кўрса, бефарқлик билан ўтиб кетолмайди, куйиб-ёнади. Ҳар бир салбий жараёнга ўз муносабатини билдиради, адолатнинг қарор топишига эришади. Нафақат иш жойда, маҳалла-қўйда, қўни-қўшни, қариндош-уруғ даврасида, ҳатто кўчада, йўлда, транспортда кетаётганда таниш-нотанишнинг қалбига ва онгига эзгулик уруғини сеппишга уринади. Савоб ишда тиниб-тинчимайди. Ўзининг бутун умрини, педагогик фаолиятини инсон тарбиясига, ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлашга уринади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан 2008 йил 29 май куни фалсафа фанлари номзоди илмий даражаси, 2010 йил 27 май куни доцент илмий унвони берилди. 2014 йил 25 майда Турон ФА томонидан академик илмий унвони берилди.

Исақова Замирахон Рухитдиновна иш фаолияти давомида 20 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма, 70 дан ортиқ илмий мақола, тезис ва рисола ва монография чоп этишга эришди.

Ҳозирда “Ирфон ва унинг Шарқ фалсафий тафаккури ривожигаги ўрни (X-XIII асрлар) мавзусидаги докторлик диссертацияси устида ишламоқда.



**Фалсафа фанлари номзоди, доцент З.Исақованинг
ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:**



**Ўқув-услубий қўлланма
Наманган, 2008. 6,0 б.т.**



**Ўқув-услубий қўлланма
– Т.: Фан, 2009. 2,75 б.т.**



**Рисола.-Тошкент: “Абу
матбуот консалт”
нашриёти, 2011. 2,75 б.т.**



**Рисола. Тошкент, “Абу
матбуот консалт”
нашриёти, 2011. 2,75 б.т.**




**Монография. Тошкент,
“Абу матбуот консалт”
нашриёти, 2011. 18,5 б.т.**



**Ўқув қўлланма.
Ҳамкорликда. “Тошкент
ислом универ ситети”,
2013. 20,0 б.т.**



**Рисола.Т.:“Ўзбекистон”,
2013 йил. 2,98 б.т.**



**Ўқув-услубий қўлланма.
Тошкент: “Янги нашр”
нашриёти, 2014. 4,0 б.т.**



**Рисола.Тошкент: “Янги
нашр” нашриёти, 2014.
6,5 б.т.**

Юнусова Гулшода Нозиховна

*Педагогика фанлари номзоди,
доцент*

Юнусова Гулнора 1970 йилда Фарғона шаҳрида зиёли оилада туғилган.

1984-1989 йилларда Наманган давлат педагогика институти талабаси бўлган. 1989-1990 йилларда Наманган давлат педагогика институти "Алгебра ва ҳисоблаш техникаси" кафедрасида катта лаборант, 1991-1994 йилларда шу кафедра ўқитувчиси, шу билан бирга 1992-1994 йилларда Фарғона давлат универчитети стажёр тадқиқотчиси, 1994-1997 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти илмий тадқиқотчиси, 1997-2000 йилларда Наманган давлат педагогика институти "Амалий математика ва ахборот технологиялари" кафедраси катта ўқитувчиси вазифаларида ишлаган.

2000-2003 йилларда Тошкент давлат педагогика университети докторанти бўлган. 2003 йилдан буён Наманган давлат университети "Амалий математика ва ахборотлар технологиялари" кафедраси катта ўқитувчиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Юнусова Гулнора оилали. Турмуш ўртоғи Гаффаров Акмалжон Наманган вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси етакчи мутахассисси, қизи Абдуқажумова Ойгул мактаб ўқувчиси.

1999 йилда НамДУда "Сафура" чеварчилик, пазандачилик, компьютер курсларини ташкил қилиб, университет хазинасига 1 миллион сўмга яқин маблағ туширишга муяссар бўлган. Курсларда 70 дан ортиқ талаба қизлар таълим олишган.

2001 йил октябрь ойида Гулшода Юнусованинг Наманган вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмасидан берган "Ниҳол" ёшлар ташаббуси марказини ташкил қилиш" номли лойиҳаси Очиқ Жамият институти "Сорос" жамғармасидан ўтган ва лойиҳа бўйича НамДУнинг 28 нафар олима аёллари, талаба қизлари гендер, ваколатли вакиллик, дебат йўналишлари бўйича таълим олишган ва улардан тренер сифатида танлаб олинган



12 нафари 12 та туманда 250 дан ортиқ ўспирин қизларга сабоқ беришган.

2002 йилда халқаро фонднинг 50000 АҚШ доллари инвестициясини қўлга киритган. “Тадбиркор аёл” уюшмасининг республика миқёсидаги олиб бораётган ишларида фаол иштирок этиб келади.

2003-2004 йилларда халқаро грантларнинг қўшма грантларида ҳам фаол иштирок этди. Ҳозирда ҳам у бу ташкилотнинг волонтери бўлиб, кўплаб тадбирларида фаол қатнашиб келади. Шу билан бирга Юнусова Гулшода Уйчи иқтисодиёт ва касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Филиал директори сифатида республикамизда, вилоятимизда бўлаётган янгиликларни тарғиб қилади. Ёшларни илмга ва таълимга жалб қилувчи тренинг-семинарларни олиб бормоқда. Ёшларда огоҳликни кучайтириш мақсадида тадбирларни уюштиради, информатика фанига қизиқтириш мақсадида тўғарак ишини олиб боради.


Г.Юнусова Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида 1997 йилда “Умумий физика курсидаги фундаментал мавзуларга компьютер дастурларини тузиш ва қўллаш” мавзусида педагогика фанлари номзодлигини олиш учун номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

90 дан ортиқ илмий мақолалар, услубий қўлланмалар ва тезислар муаллифи бўлган Г.Юнусова 2015 йил 2 январь куни доцентлик унвонини олишга сазовор бўлди.

Ҳозирда илмий раҳбари проф., техника фанлари доктори У.Юлдашев илмий раҳбарлигида “Аниқ фанларнинг ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзуларини визуаллаштириб ўқитиш методологияси” мавзусида докторлик диссертацияси устида ишламоқда.



Педагогика фанлари номзоди, доцент Г. Юнусованинг ўқув-усlubий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



**Уslubий қўлланма.
Наманган. 1992. 2,6 б.т.**




**Уslubий қўлланма.
Наманган. 1992. 6,4 б.т.**



**Уslubий қўлланма.
Наманган, 2015. 4 б.т.**



**Уslubий кўрсатма.
Наманган. 1992. 1,3 б.т.**




**Уslubий қўлланма.
Фаргона, ФПТИ босма
хонаси, 1992 й., 4,3 б.т.**



**Уslubий кўрсатма.
Наманган. 1992 й., 1,1 б.т.**



**Уslubий қўлланма.
Наманган. 1995. 4,9 б.т.**



**Уslubий кўрсатма.
Наманган, 1992. 1,6 б.т.**




**Уslubий қўлланма. Т.:
Республика ўқув-
методика маркази, 1995
й., 4,3 б.т.**



Наманган. "Фахризода" босмахонаси. 1996. 2 б.т.




Электрон дарслик. ТДПУ, 2003 йил, 4,5 б.т.




Методик тавсия. Наманган. 2010. 3 б.т.



Услубий қўлланма. Наманган. 2015. 3 б.т.



Методик курсатма. Наманган. 2015. 2,8 б.т.




Услубий қўлланма. Наманган. 2015. 4 б.т.



Электрон дарслик. Наманган, НамДУ, 60 МБ.



ФарДУ, Фаргона, ФПТИ босмахонаси, 1993. 4 б.т.



Услубий қўлланма. Наманган, 2015. 3 б.т.



Ҳамидова Муҳайёхон Обидовна
Филология фанлари номзоди,
доцент

Ҳамидова Муҳайёхон 1972 йил 1 декабрда Наманган вилояти Уйчи тумани Ёркатай қишлоғида зиёли оиласида туғилган.

Уйчи туманидаги Бобораҳим Машраб номи 11-ўрта мактабда ўқиган. 1989 йилда НамДУ Ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирган. 1994 йилда ўқишни тамомлаб, Ўзбек адабиёти кафедрасига ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинган.

1996 йилнинг 12 декабридан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасига ўқишга қабул қилинган. 1999 йил мазкур институтнинг адабий алоқалар ва таржима назарияси бўлимига кичик илмий ходим лавозимига ишга қабул қилинган. 2001 йили Наманган Давлат университети Бошланғич таълим методикаси кафедрасига ўқитувчи, 2002 йилдан катта ўқитувчи лавозимига ишлаган. 2004 йилдан Бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

Бугун таълим инсонларнинг фаоллигини белгиловчи муҳим бир тармоққа айланмоқда. Олима Ҳамидова М. Республика-миздаги минглаб таълим соҳаси ходимлари сингари “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да илгари сурилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда иш юритишга ҳаракат қилди ва қилмоқда.

Ўқувчилик, талабалик давридаёқ устозлари кўнглини олишга интилган; ғайрат билан ўқиган, ўрганган. Олимани бошқа ҳамкасбларидан ажратиб турадиган фазилати ҳам шунда. Ўз фаолиятини замон, давр, айнан ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда юритмоқда, ўз ишига масъулият билан ёндошмоқда. Маъруза ва амалий машғулотларини ҳаётга боғлаган ҳолда интерфаол усулда, ақлий ҳужум тарзида ўтишга интилаётган устознинг улкан режалари бор. Муҳайёхонни намунали мураббий дейишимнинг боиси шуки, у шу кунгача яхши педагог бўлиш учун илм олишга интилди. Ҳа,



илм инсонни етукликка элтувчи кучдир. У билан ҳаёт булоғидан баҳраманд бўлиш мумкин. Ўтган йиллар мобайнида бахтни бошқаларни ҳам бахтли ҳолатда кўриш, билимли, маърифатли, диёнатли бўлиш, атрофдагиларнинг корига яраш, комил инсон бўлишга интилишда деб биладиган ва бугун ўзи ҳам Устоз мақомига олган олима ёшларнинг етук мутахассис бўлишларига ҳисса қўшмоқда.

Ҳамидова Муҳайёхон оилали. Турмуш ўртоғи Дедамирзаев Тоҳиржон Наманган вилояти Уйчи туманидаги 20-мактабда ўқитувчи лавозимида ишлайди. Ўғли Тўхтаров Муҳаммаджон ва қизи Тўхтарова Равшаной ҳозирги кунда Наманган шаҳридаги 55- мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари.


М.Ҳамидова 2001 йилнинг 19 сентябрида “Ҳозирги ўзбек адабиётида миллий қаҳрамон муаммоси (Шукур Холмирзаев ижоди мисолида)” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Тадқиқотда Шукур Холмирзаев ижодидаги миллий қаҳрамонларнинг бадиий талқинини таҳлил этиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Диссертацияда адабиёт-шунослигимизда биринчи марта ҳозирги ўзбек адабиётида миллий қаҳрамон муаммоси устида тадқиқот олиб борилган ва ёзувчи ижодининг ўзига хос хусусиятлари, миллий қаҳрамон муаммоси янгича мезонлар асосида илк бор махсус текширилган. Ишнинг назарий аҳамияти шундаки, у бадиий ижоддаги миллий қаҳрамонлар ҳақидаги тасаввурларга аниқлик киритади. Ўзбек адабиётшунослигида истиқлол мавзусининг ўзаги бўлмиш миллий қаҳрамон муаммоси ҳали махсус текширилмаганлиги, бугунги кунда бу масаланинг ўрнини ҳисобга олиб, ушбу илмий ишда илгари сурилган фикрлар ва хулосалар муҳим аҳамият касб этади.

Наманган давлат университети Педагогика факультетида “Она тили ва адабиёт”, “Ўқитувчи нутқи маданияти”, “Она тили ва болалар адабиёти” каби фанлардан талабаларга дарс бериб келмоқда. Ҳозирга қадар 50 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолаларини матбуотда эълон қилган. Шунингдек, “Болалар адабиёти фанини ўқитишда бадиий образ таҳлилига ўргатиш”, “Болалар адабиёти ва фольклор” номли услубий қўлланмалари, “Қуддус Муҳаммадий ҳаёти ва ижодини ўрганиш”, “Битирув малакавий ишлари мавзулари ва уларни бажариш тартиби”, “Ўзбек тилидан машқлар мажмуаси”, “Жаҳон болалар адабиёти”, “Александр Сергеевич Пушкин ҳаёти ва

ижоди” номли услубий кўрсатмалари, “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва ўтказиш” номли методик тавсия, “Ҳозирги ўзбек адабиётида миллий қаҳрамон муаммоси (Шукур Холмирзаев ижоди мисолида)” номли монографияси нашр этилган.

Доцент М.Ҳамидова “Шукур Холмирзаев насрининг бадиий-услубий ўзига хослиги” мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.


Филология фанлари номзоди, доцент М.Ҳамидованинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:




Ўқув-услубий кўрсатма.
Наманган. 2015 й.




Ўқув-услубий кўрсатма.
Наманган. 2015 й.




Маъруза матни.
Наманган. 2015 й.



Мухаррирлик иши.
Наманган. 2015 й.



Ўқув-услубий қўлланма.
Наманган. 2015 й.



Ўқув қўлланма.
Наманган. 2015 й.



Нажмиддинова Ҳилола Ўқубжановна

педагогика фанлари номзоди,
доцент



Нажмиддинова Ҳилола 1973 йил 13 апрелда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Ровут қишлоғида ўқитувчи оила-сида туғилган.

У 1990 йилда Янгиқўрғон тумани-даги 3-ўрта мактабни “олтин медаль” билан, 1995 йилда Наманган давлат университети математика факультетини “имтиёзли” диплом билан тамомлаган ва шу йили НамДУ Алгебра ва математика ўқитиш методикаси кафедрасида иш бошла-ган. Ўтган йиллар мобайнида Ҳ.Нажмиддинова Алгебра ва матема-тика ўқитиш методикаси кафедрасида катта лаборант, ўқитувчи, изланувчи-тадқиқотчи, катта ўқитувчи, доцент в.б., 2015 йил ноябрь ойидан эса Математика кафедраси доценти лавозимида ишлайди. “Алгебра ва сонлар назарияси”, “Дискрет математика ва математик мантиқ”, “Математика, уни ўқитиш методикаси”, “олий математика” фанларидан маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини олий таълим талаблари даража-сида олиб боради.

Нажмиддинова Ҳилола оилали. Турмуш ўртоғи Ҳасанов Иброхимжон ҳунарманд. Ўғиллари Мирабдуллаев Исмоил Янгиқўрғон тумани 3-умумтаълим мактаби ўқувчиси.

Ҳ.Нажмиддинова турли оммавий нашрларда 50 га яқин илмий ва илмий-методик ишлар чоп эттирди. Уларнинг 18 таси ЎзР ОАК эътироф этган журналларда, 1 таси Ўз РФА журналида, 1 таси Россия давлати журналида эълон қилинган. 6 та ўқув-услугий қўлланма чоп эттирилган. Ҳаммуаллифликда 1 та электрон қўлланма яратилиб, у ЎзР давлат патент идорасидан рўйхатдан ўтказилган.

Ҳ.Нажмиддинова “Олий таълим муассасаларида алгебрадан талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятларини шакллантириш методикаси” мавзусида тайёрлаган диссертациясини 2011 йил декабрь ойида муваффақиятли ҳимоя қилди ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Ҳ.Нажмиддинова ЎзР давлат амалий тадқиқотлар дастури доирасида “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф

Ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” мавзусидаги бажарилиши 2015-2017 йилларга мўлжалланган А-5-37 – сонли лойиҳага раҳбарлик қиляпти. Лойиҳанинг 2015 йилда бажарилиши учун 51 млн. сўм миқдорида давлат маблағи ажратилган бўлиб, лойиҳа бўйича 2015 йилга режалаштирилган ишлар муваффақиятли бажарилди. Ҳозирда лойиҳанинг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳанинг 2016 йилда бажарилиши учун 55 млн. 845 минг сўм давлат маблағи ажратилди. Ҳозирги кунда мазкур лойиҳа доирасида кичик ёшдаги болаларга математикани ўргатишга мўлжалланган 5 та компьютер ўйинлари тайёрланиб, тажрибада синовдан ўтказилмоқда. Ҳ.Нажмиддинова муаллифлигида 2016 йил январь ойида яратилган компьютер ўйинларидан фойдаланиш бўйича “Компьютер ўйинлари ёрдамида кичик ёшдаги болаларда математик билимларни шакллантириш” номли ўқув-услубий қўлланма яратилиб, “Наманган” нашриётида чоп эттириб, тарқатилди. Доцент Ҳ.Нажмиддинова “Мультимедиали интеллектуал ўйинлар ёрдамида болаларда дастлабки математик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш” мавзусида докторлик иши устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Педагогика фанлари номзоди, доцент Ҳ. Нажмиддинованинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



**Ўқув-услубий қўлланма.
Наманган. 2014 йил. 5
б.т.**



**Ўқув-услубий қўлланма.
Наманган. 2014 йил. 5
б.т.**



**Ўқув-услубий қўлланма.
“Наманган” нашриёти.
2016 йил. 7 б.т.**

Эргашева Муқаддасхон Абдумажитовна

*Физика-математика фанлари номзоди,
катта ўқитувчи*



Эргашева Муқаддасхон 1973 йил 25 сентябрда Наманган вилояти Учқурғон тумани Қайқи қишлоғида зиёли оиласида туғилган.

1995 йили Наманган давлат университетининг физика-химия факультетини тамомлаган ва шу йили Қайқи қишлоғидаги 1-гимназия лицейида физика-химия ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1996-1999 йилларда Наманган давлат университети умумий физика кафедрасида катта лаборант бўлиб ишлади.

1999-2003 йилларда Наманган давлат университети умумий физика кафедрасида стажёр тадқиқотчи бўлди.

2003-2006 йилларда Наманган давлат университети аспирантурасида ўқиди.

2006-2008 йилларда физика кафедраси ўқитувчиси, 2008 йилдан буён физика кафедраси катта ўқитувчиси вазифаларида ишлаб келмоқда.

2012 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Эргашева Муқаддасхон 30 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар муаллифидир. 10 дан ортиқ илмий –услубий кўрсатмалар чоп эттирган. Олима чоп эттирган услубий кўрсатмаларда нофизика йўналиши талабалари учун физика фани бўйича бажариладиган лаборатория ишлари ёритилади. Ҳар бир лаборатория иши тавсифида ишнинг мақсади, керакли асбоб-ускуналар, назарий қисм, иш қурилмасидан фойдаланиш, ишни бажариш тартиби, назорат саволлари кўрсатилади.

Педагогик фаолиятида дастлаб физика йўналиши, сўнг физика-математика факультети хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида жамоатчилик топшириғини фидойилик билан бажарди.

Муқаддасхон оилали. Турмуш ўртоғи Эргашев Шавкатжон “Қишлоқ ичимлик суви” МЧЖ ташкилотида кадрлар бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Икки фарзанди - қизи

Жўраева Севара мактаб ўқувчиси ва ўғли Жўраев Тимур мактаб-интернат ўқувчисидир.


Ҳозирги пайтда “Яримўтказгич-диэлектрик чегара бўлими хоссаларига ташқи таъсирларни ўрганиш” мавзуси бўйича докторлик диссертацияси устида изланишлар олиб бормоқда.

**Физика-математика фанлари номзоди, катта ўқитувчи
М.Эргашеванинг ўқув-услубий қўлланма ва
кўрсатмаларидан намуналар:**



**Услубий қўлланма.
Наманган.2008 й.**

**Услубий кўрсатма.
Ҳамкорликда. Наманган.
2014 й.**



**Услубий кўрсатма.
Ҳамкорликда. Наманган.
2014 й.**



Мавланова Садбархон
Абдукаримовна
Биология фанлари номзоди



Мавланова Садбархон 1977 йилда Учкўрғон туманида ишчи оиласида туғилган.

1983 йил Учкўрғон туман Халқ таълими бўлимига қаршли 13-ўрта мактабининг 1-синфига кириб, 1993 йилда тамомлаган ва шу йили Наманган давлат университетининг кимё-биология факультетига ўқишга кирган. 1998 йил ўқишни тамомлаб, Чуст туманидаги 44-умумий таълим мактабида кимё-биология фани ўқитувчиси бўлиб иш бошлаган. 2005-2007 йилларда Наманган шаҳар халқ таълими бўлимида методист бўлиб ишлаган.

2007 йилда Наманган давлат университети Физиология кафедрасида ўқитувчи лавозимида иш бошлаган.

Оилали, уч нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Исमतов Азаматжон ЎзРФА Микробиология институтида катта илмий ходим бўлиб ишлайди.


2007 йилдан бошлаб ЎзРФА Физиология ва биофизика институтида мустақил илмий-тадқиқотчи сифатида илмий изланиш олиб борган. Профессор И.Г.Ахмеджанов раҳбарлигида Қизилнур ва паст частотали электромагнит майдонининг ўсимликларга таъсир механизмига доир “Ўзанинг сўрувчи зараркунанда-хашаротлар ва вертициллёз вилт кўзғатувчисига индуцирланган чидамлилигининг физиологик-биокимёвий хусусиятлари” мавзусидаги илмий тадқиқотни 2012 йилда муваффақиятли ҳимоя қилган ва биология фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Мазкур ишнинг натижалари ўсимликларнинг ҳимоя механизmlарини фитохром орқали назорат қилиш ва кучсиз электромагнит майдонининг таъсир механизmlари тўғрисидаги замонавий фундаментал қарашларни сезиларли даражада янгилади ва тўлдирди. Паст частотали электр магнит импульслари ёрдамида ўсимликларнинг ҳимоя механизmlарини индуцирлаш уларнинг чидамлилигини исталган стресс таъсир кўрсатувчи таъсиротлар учун характерли бўлган


механизмлар бўйича оширади, қизил нур билан ишлов бериш ёрдамида чидамлиликини ошириш эса, носпецифик компонентдан ташқари фитохромга боғлиқ жараёнларни фаоллаштириш орқали амалга ошириладиган ўзига хос бўлган компонентга ҳам эга. Ишнинг натижалари ғўзани зараркуанда хашаротлар ва вилтга комплекс чидамлилигини бошқаришнинг иқтисодий самарали ва экологик соф усулларини ишлаб чиқиш учун асос яратади.

Олима Мавланова Садбархоннинг 30 номдан ортиқ илмий изланишлари матбуотда эълон қилинган бўлиб, 2013 йилдан ҳозирга қадар Физиология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси мудир лавозимида ишлаб келмоқда.


Биология фанлари номзоди, доцент С. Мавланованинг ўқув-услубий қўлланма ва тавсияларидан намуналар:




Услубий қўлланма
Наманган 2008 й. 3,5 б.т.



Услубий қўлланма
Наманган 2012 й. 6,5 б.т.



Услубий қўлланма
Наманган 2014 й. 6,5 б.т.



Маърузалар тўплами
Наманган 2014 й. 12,3 б.т.

Хошимова Дилдора Мадаминовна

Филология фанлари номзоди

Бундан олти аср муқаддам яшаб
ижод қилган буюк мутафаккир бобомиз
Алишер Навоий шундай фикр бил-
дирган эдилар:

“Шогирдлар томонидан осмонда
офтобга қиёс этиладиган, отадёк улуғ
дея таърифланадиган зотлар – бу
устозлардир”. Ана шундай устозлардан бири Хошимова
Дилдорахондир.

Хошимова Дилдора 1977 йилда Наманган вилояти
Янгиқўрғон туманида туғилган. Ўрта умумтаълим мактабини
тугатгандан сўнг меҳнат фаолиятини 1995 йилдан бошлаган.

1995-1996 йилларда Наманган шаҳридаги 60-мактабда
ишлаган.

1997-2001 йилларда Наманган давлат университети
филология факультети инглиз тили йўналиши талабаси бўлган.
2001-2003 йилларда Наманган давлат университе-
тида магистратура йўналишини тугаллаган. 2003-2007 йилларда
Наманган давлат университети лексика-стилистика кафедраси
ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатган.

2007 йилдан 2010 йилгача инглиз тили кафедраси мудири
лавозимида ишлаган.

“Инсон учун отадан ҳам улуғроқ киши борми? – дея
сўрадилар Арастудан. Бор, - дейди донишманд. - Устоз! Ота
фарзандини йўқдан бор қилади. Осмондан ерга туширади.
Устоз эса унга илм бериб, ҳунар ўргатиб, ердан осмонга
кўтаради. Бу чинакам улуғликдир. Бундай мартабага устозлар
қай даражада муяссар бўлаётганлигини ҳаётимизда кўп
учратаяпмиз, - дейди Дилдорахон. Шунисига ҳам шукр. Чунки
устоз деган улуғ номга эга бўлишнинг ўзи қанчалар шараф.
Шунинг учун ҳам ўқитувчи бўлганимдан, айниқса, ёшлар
қалбида инглиз тилига меҳр уйғота оляганимдан, улар
маънавиятини оширишга ҳисса қўшяганимдан ўзимни бахтли
инсон деб ҳисоблайман.”



Эшназарова Марғубахон Юнусалиевна

Педагогика фанлари номзоди



Эшназарова Марғубахон 1978 йил 22 майда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида зиёли оиласида туғилган. 1995 йил Янгиқўрғон туманидаги 10-ўрта мактабни имтиёзли аттестат билан тамомлаб, шу йили Наманган давлат университети амалий математика ва информатика йўналишига грант асосида ўқишга қабул қилинган. 1999 йили бакалавриатуранинг тамомлаб, Янгиқўрғон туманидаги 10-ўрта мактабда математика ва информатика фани ўқитувчиси лавозимида ишга қабул қилинган. 2000 йил Наманган давлат университети математика факультетининг амалий математика ва ахборотлар технологиялари мутахассислиги бўйича грант асосида магистратура қабул қилинган. 2002 йилдан шу олий таълим муассасасининг “Амалий математика ва ахборот технологиялари” кафедрасига ассистент – ўқитувчи лавозимида ишга қабул қилинган.

Талабаларга таълим бериш билан биргаликда илмий ҳамда услубий ишлар устида тадқиқот олиб боради.

2003 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармасида “Масофали ўқитиш методика” курсида малака ошириб сертификатга эга бўлди. Шу йили Москва давлат электроника ва математика институтида “Масофали ўқитиш технологияси” курси бўйича масофадан малака ошириб, гувоҳномага эга бўлди.

2006 йил Ўзбекистон республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармасида “Ахборот технологиялари”, “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат”, “Тарбиявий ишларда инновацион технологиялар” курсларида малака ошириб сертификатга эга бўлди.

2006 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси “Масофали ўқитиш маркази” директори, педагогика фанлари доктори, профессор Абдуқодиров Абдуқаҳҳор илмий раҳбарлигида “Масофали ўқитиш орқали талабаларда “Ҳисоблаш усуллари” курсини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш услубиёти” мавзусида илмий тадқиқот ишини бошлади. (Мавзу ЎзР Вазирлар Маҳкамаси

ҳузуридаги ОАК бюллетенининг 2006 йил 4-сонида эълон қилинди.)

2007 йил декабр ойида танлов асосида катта ўқитувчи лавозимига сайловдан ўтди.

2010 йил Тошкент ахборот технологиялари университетида мутахассислик бўйича малака оширди.

2011 йил илмий тадқиқот юзасидан “Масофали таълим ёрдамида “Ҳисоблаш усуллари” курсини ўқитиш” номли дастурга Ўзбекистон республикаси Патентини олишга эришган.


2012 йил 13 сентябрь куни Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Ихтисослашган кенгашда “Масофали ўқитиш орқали талабаларнинг “Ҳисоблаш усуллари” курсини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш услубиёти” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссертациянинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишда математика йўналишида “Ҳисоблаш усуллари” курсини талабалар томонидан ўзлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича таълим портали яратилди ва синовдан ўтказилди; таълим порталидан “Ҳисоблаш усуллари” курсини ўқитишда фойдаланиш услубиёти ишлаб чиқилди; амалий машғулотларни бажаришда математик пакетлар (Maple, Matcad)дан фойдаланиш учун электрон услубий кўрсатмалар тайёрланди; ўқув жараёнида таълим порталидан фойдаланиш учун услубий қўлланма, шунингдек, глоссарий, талабалар билимини баҳолаш учун синов ва тест саволлари тайёрланди ҳамда амалиётга жорий этилди. Тадқиқот натижаларидан “Ҳисоблаш усуллари” курси ўқитиладиган барча олий таълим муассасаларида қўлланилиши ҳамда таълим порталига ихтиёрий, бошқа курсларнинг ўқув контентини жойлаштириш ва ўқитишни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

2013 йил 31 январда ОАК томонидан педагогика фанлари номзоди илмий даражаси берилган (01 № 013869).


Республикамиз ҳамда университетимизнинг илмий ишларига ўз хиссасини қўшиб, 40 дан ортиқ илмий, услубий мақола ва тезислар, халқаро журналларда 5 та мақола, 1 та услубий қўлланма, 10 дан ортиқ услубий кўрсатма ва тавсиялар чоп эттирган.

Ҳозирги вақтда талабаларга “Информатика”, “Информатика ва АТ”, “Информатика ўқитиш методикаси” фанлари бўйича педагогик ва ахборот технологияларни қўллаб таълим бериб келмоқда ҳамда докторлик диссертацияси устида изланишлар олиб бормоқда.


Педагогика фанлари номзоди М.Эшназарованинг ўқув-услубий қўлланма, тавсияларидан намуналар:



Ўзбекистон республикаси Патенти, 22.12.2011. № ВГУ 00280



Услубий кўрсатма. НамДУ, 2013 й., 2 б.т.



Услубий кўрсатма. НамДУ, 2015 й., 3 б.т.



Маъруза матни, НамДУ, 2012 й., 4 б.т.



Услубий кўрсатма. НамДУ, 2015 й., 3 б.т.

Зайнобидинова Наима Иномидиновна

Фалсафа фанлари номзоди

Зайнобидинова Наима Иномидиновна 1982 йилнинг 24 июнида Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани, Дардоқ қишлоғида зиёлилар оиласида туғилган.

1989 йилда Қўрғонтепа туман ХТБ га қарашли А. Навоий номидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг 1-синфига қабул қилиндим. Мазкур мактабнинг 11-синфини 1999 йилда муваффақиятли битириб,



шу йили Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети 1-босқич талабаси бўлди ва 2003 йили бакалавр босқичини тамомлади.

2003-2005 йиллар мобайнида ушбу факультетнинг Фалсафа тарихи йўналиши магистратура босқичида таҳсил олди. 2005 йили Ўзбекистон Миллий университетининг кундузги аспирантурасига қабул қилинди ва 2008 йилда тамомлади.

Магистрлик диссертация ишини “Фалсафа тарихи ва мантиқ” кафедраси доценти Г. Т. Қобулниязова раҳбарлигида “Жалолоддин Румий таълимотида комил инсон масаласи” мавзуси бўйича олиб борди. Аспирантурага кирганидан сўнг, илмий тадқиқот ишини доцент С. А. Йўлдашев(раҳматли) раҳбарлигида, кейинчалик эса, доцент М. О. Усмонов раҳбарлигида давом эттирди.

2008 йилдан буён Наманган Давлат университети “Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, фалсафа” кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўқиганим ва эшитишимча, инсоннинг ризқи учта эмиш: ақлу одоби, илм-у ҳунари ва ҳусн-у жамоли. Қаҳрамонимиз Наимахонга яратган бу учала насибани бутунича берган дейсиз. Унинг сўзида сеҳри, юзида жаннати бор, қўллари олтин. Ҳадиси шарифда ҳам айтилганидек, “Яхшиликни яхши юзли кишилардан кутинг.” Салом-алик чоғидаёқ бу аёлни жуда ёқтириб қоласиз. Инсоният ардоқлаб келаётган энг тансиқ ҳислар, латиф туйғулар – инсонпарварлик, адолат, шафқат, ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстлик, меҳр ва мурувват, гўзалликка ташналик сингари ўлмас инсоний туйғулар унда жамулжамдир.

Наимахон оилали. Турмуш ўртоғи Деҳқонов Давронжон Наманган Давлат университетидеда ишлайди. Қизи Бурхонова Кумуш ва Бурхонова Нозима тарбияланувчи.

Зайнобидинова Наима Иномидиновна 2011 йил 31 декабрда “Жалолоддин Румий тасаввуфий таълимотида инсон маънавий камолоти масаласи” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. 10 дан ортиқ илмий мақола ва тезис муаллифи бўлиб, бугунги кунда докторлик диссертацияси устида изланишлар олиб бормоқда.

Хулоса

Дунёда бахтнинг ҳеч қачон ёпилмас эшиклари ҳам бор. Назаримизда, бу эшикнинг остоналари гўзал сабрдан чирой олганларга йўл беради. Меҳнатни саодат деб билганларга, меҳнатдан ҳоримоқни лаззат деб англаганларга имкон бор бу эшикнинг тутқичларига қўл урмоққа

“Бугунги ҳаракатларимиз Президентимиз айтганларидек, ҳар томонлама баркамол йигит-қизларни камол топтиришдан иборат”- деб таъкидлайди олима Наимахон. “Ҳозирги замон дарси 3 та энг асосий омил: таълим, тарбия ва ривожлантиришни ўз олдига қўйган. Ана шу вазифаларни янги педагогик технологиялар асосида амалга оширсак, бизнинг саъй-ҳаракатларимиз, меҳнатимиз ўз натижасини беради. Ҳозирги кунда ҳар бир ўқитувчининг олдида турган энг асосий ва долзарб вазифалар - булар янги педагогик технологияни эгаллаб олиш, андозасиз, ноанъанавий дарслар асосида ёшларнинг билимларини ошириш, уларни ўз устиларида тинмай ишлашга, мустақил шуғулланишга ўргатишдан иборат. Янги-янги педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали дарс самарасини янада кўтаришимиз, ёшларнинг фанларни қизиқиб, иштиёқ билан ўрганишларига эришишимиз керак.”



Хурматли ўқувчи, Сиз ушбу китоб саҳифаларига назар ташлаб, Наманган давлат университетида фаолият кўрсатган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган ва ҳозирда ишлаётган олималар, уларнинг босиб ўтган йўллари, илм-фанга қўшган ҳиссалари, оиласи ва фарзандлари ҳақида маълум тасаввурларга эга бўлдингиз. Лекин бу иш охиригиси эмас. Зеро, Наманган Давлат университети олимлари сони мустақил она-Ватанимиз юксалиб боргани сари сифат жиҳатдан ортиб боришига, бўлажак олималаримизга-фан докторлари, профессорларга янгидан-янги саҳифалар очилишига ишончимиз комил.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек, "Олимларимиз энг яхши анъаналарни ўзлаштириб, тарихий меросимизни чуқур ўрганиб, буюк аждодларининг ишларини муносиб давом эттирмоқдалар. Илмли зиёлиларимизнинг муҳим фазилати ҳамма вақт билишга, илғор илмий тафаккурнинг олдинги марраларида бўлишга интилишдан иборат".

Ҳар қандай билим даргоҳининг мавқеи унинг илмий салоҳиятига ҳам боғлиқдир. Бугунги мавжуд илмий салоҳият ҳозирги ҳолатини сақлаб турмоғи, янги илмий салоҳият олдингисидан кучлироқ, донороқ, ақлироқ бўлиши керак. Бу ҳолат мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёти ва маданияти ривожланган давлатларнинг олдинги қаторига тезроқ кириб боришининг зарур шarti ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.



Наманган давлат университети олималари ҳақида маълумот

№	№	Исм-шарифи	Туғилган санаси	Илмий даражаси ва унвони
Барҳаёт сиймолар				
1.	1.	Ҳамидова Турсуной Абдуҳақимовна	1925 йил 25 июль	Филология фанлари доктори, профессор
2.	2.	Акмалова Санъатхон	1926 йил 5 март	Педагогика фанлари номзоди, доцент
3.	3.	Азимова Ўғилхон	1927 йил 1 январь	Филология фанлари номзоди, доцент
4.	4.	Аҳмадбоева Фаридахон Ғуломовна	1932 йил 5 январь	Биология фанлари номзоди, доцент
5.	5.	Эгамбердиева Шаҳодатхон	1936 йил 15 июль	Филология фанлари номзоди, доцент
6.	6.	Мамажоновна Моҳира Хайдаровна	1948 йил	Педагогика фанлари номзоди, доцент
7.	7.	Қирғизбоева Нафиса Хожимирзаевна	1942 йил 7 январь	Иқтисод фанлари номзоди, профессор
8.	8.	Муҳаммадиева Мунирахон Хатамовна		Филология фанлари номзоди, доцент
9.	9.	Акимбоева Файзихон Ҳолматовна	1952 йил 10 сентябрь	Тарих фанлари номзоди, доцент
Кексалик гаштини сураётганлар				
10.	1.	Фаткулина Раиса Зокировна	1935 йил	Филология фанлари номзоди, доцент
11.	2.	Ҳўжаева Азизахон Абдулазизхон қизи	1940 йил	Тиббиёт фанлари номзоди, доцент
12.	3.	Кузнецова Надежна Мионовна	1947 йил 12 август	Педагогика фанлари номзоди, доцент
13.	4.	Мирзаабдуллаева Муножотхон	1949 йил 30 декабрь	Педагогика фанлари номзоди, доцент
14.	5.	Мусаева Саодатхон Илавуддиновна	1949 йил 18 январь	Педагогика фанлари номзоди, доцент
15.	6.	Иброҳимова Феруза Мунировна	1956 йил 10 январь	Педагогика фанлари номзоди, доцент
16.	7.	Каримова Роза Раимжоновна	1956 йил 14 апрель	Педагогика фанлари номзоди, доцент
17.	8.	Тўрабоева Тожихон Мирабдуллаевна	1957 йил 16 сентябрь	Иқтисод фанлари номзоди
18.	9.	Пак Галина Ен-Урновна	1957 йил 5 октябрь	Филология фанлари номзоди, доцент
19.	10.	Жамолова Маъмуре Салоҳиддин ҳожи қизи	1957 йил 25 август	Филология фанлари номзоди, доцент
20.	11.	Мамадалиева Мавлуда Аҳмедовна	1957 йил 26 октябрь	Филология фанлари номзоди, доцент
21.	12.	Бобохонова Дилором Аҳматхоновна	1958 йил 23 январь	Филология фанлари номзоди, доцент

Олийгоҳда фаолият кўрсатаётганлар

№	№	Исм-шарифи	Туғилган санаси	Илмий даражаси ва унвони
22.	1.	Тошбаева Дилбар	1949 йил 28 июнь	Педагогика фанлари номзоди, доцент
23.	2.	Раҳимбоева Дилбархон	1954 йил 10 сентябрь	Фалсафа фанлари номзоди, доцент
24.	3.	Махмудова Манзурахон	1956 йил 12 апрель	География фанлари номзоди, доцент
25.	4.	Исмонова Мавлуда	1956 йил 30 октябрь	Филология фанлари номзоди, доцент
26.	5.	Усмонова Хуринисо	1959 йил	Филология фанлари доктори, доцент
27.	6.	Каримова Фаридахон	1959 йил	Филология фанлари номзоди, доцент
28.	7.	Азизова Рушана	1959 йил	доцент
29.	8.	Саидова Муҳаббатхон	1959 йил 5 февраль	Филология фанлари номзоди, доцент
30.	9.	Жамолова Замира	1959 йил 4 август	Педагогика фанлари номзоди, доцент
31.	10.	Собирова Маҳбубахон	1960 йил 4 июнь	Педагогика фанлари номзоди, доцент
32.	11.	Маҳсудова Муътабар	1960 йил 29 август	Психология фанлари номзоди доцент
33.	12.	Акаева Маърифатхон	1960 йил 3 сентябрь	Юридик фанлари номзоди
34.	13.	Раҳматова Хайрихон	1960 йил 7 сентябрь	Педагогика фанлари номзоди, доцент
35.	14.	Абдуллаева Маъсуда	1960 йил 27 декабрь	Педагогика фанлари номзоди, доцент
36.	15.	Абдиева Ойжамол	1961 йил 30 январь	Педагогика фанлари номзоди, доцент
37.	16.	Чжен Елена Витальевна	1961 йил 10 апрель	Педагогика фанлари номзоди, доцент
38.	17.	Казакбаева Саодатхон	1963 йил 13 ноябрь	Педагогика фанлари номзоди, доцент
39.	18.	Асқарова Ўғилой	1965 йил 5 март	Педагогика фанлари номзоди, доцент
40.	19.	Шоамирова Юлдузхон	1965 йил 18 май	Педагогика фанлари номзоди, доцент
41.	20.	Абдуллаева Шоира	1967 йил 11 июнь	Психология фанлари номзоди
42.	21.	Исҳоқова Замирахон	1970 йил 14 январь	Фалсафа фанлари номзоди, доцент
43.	22.	Юнусова Гулшода (Гулнора)	1970 йил 17 июнь	Педагогика фанлари номзоди, доцент
44.	23.	Ҳамидова Муҳайёхон	1972 йил 1 декабрь	Филология фанлари номзоди, доцент
45.	24.	Нажмиддинова Ҳилола	1973 йил 13 апрель	
46.	25.	Эргашева Муқаддас	1975 йил 25 сентябрь	Физика-математика фанлари номзоди
47.	26.	Мавлонова Садбархон	1977 йил	Биология фанлари номзоди, доцент
48.	27.	Ҳошимова Дилдора	1977 й. 27 сентябрь	Филология фанлари номзоди, доцент
49.	28.	Эшназарова Марғубахон	1978 йил 22 май	Педагогика фанлари номзоди
50.	29.	Зайнобиддинова Наима	1982 йил 24 июнь	Фалсафа фанлари номзоди

Мундарижа

Сўз боши.....	5
Олималарнинг университет маънавий илмий, ўқув жараёнларидаги ўрни.....	8

Хотирланиш саодати эзгуликдан

1. Ҳамидова Турсунной Абдуҳақимовна.....	26
2. Акмалова Санъатхон.....	27
3. Азимова Ўғилхон.....	29
4. Аҳмадбоева Фаридахон Ғуломовна.....	30
5. Эгамбердиева Шаҳодатхон.....	32
6. Муҳаммадиева Мунирахон Хатамовна.....	34
7. Қирғизбоева Нафиса Ҳожимирзаевна.....	36
8. Мамажоновна Моҳира Ҳайдаровна.....	38
9. Ақимбоева Файзихон Ҳолматовна.....	40

Көксалик гаштини сураётганлар

1. Фатқулина Раиса.....	43
2. Ҳўжаева Азизахон.....	44
3. Кузнецова Надежна.....	45
4. Мирзаабдуллаева Муножотхон.....	46
5. Мусаева Саодатхон.....	47
6. Иброҳимова Феруза.....	50
7. Каримова Роза.....	51
8. Турабоева Тожихон.....	52
9. Пак Галина Ен-Урновна.....	54
10. Жамолова Маъмурахон.....	55
11. Мамадалиева Мавлудахон.....	67
12. Бобохонова Дилором.....	59

Олийгоҳда фаолият кўрсатаётганлар

1. Тошбаева Дилбар.....	63
2. Раҳимбоева Дилбархон.....	65
3. Махмудова Манзурахон.....	67
4. Усмонова Ҳуринисо.....	71
5. Каримова Фаридахон.....	75
6. Исмонова Мавлуда.....	78
7. Азизова Рушана.....	79
8. Саидова Муҳаббатхон.....	82
9. Жамолова Замирахон.....	85
10. Собирова Маҳбубахон.....	89
11. Маҳсудова Муътабар.....	94
12. Акаева Маърифатхон.....	97
13. Раҳматова Хайрихон.....	100
14. Абдуллаева Маъсуда.....	103
15. Абдиева Ойжамол.....	106
16. Чжен Елена.....	109
17. Казакбаева Саодатхон.....	111
18. Асқарова Ўғилой.....	114
19. Шоамирова Юлдузхон.....	117
20. Абдуллаева Шоира.....	120
21. Исҳоқова Замирахон.....	123
22. Юнусова Гулшода (Гулнора).....	126
23. Ҳамидова Муҳайёхон.....	130
24. Нажмиддинова Ҳилола.....	133
25. Эргашева Муқаддас.....	135
26. Мавлонова Садбархон.....	137
27. Ҳошимова Дилдора.....	139
28. Эшназарова Марғубахон.....	140
29. Зайнобиддинова Наима.....	142

Хулоса.....	144
-------------	-----

